

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Холикулова Ҳулкар Юлдашевна

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОЙ-
ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ, МАҲНАВИЙ-МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТИ.**

(Ўқув қўлланма)

барча бакалавриат таълим йўналишлари талабалари учун

Жиззах – 2020 йил

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий тараққиёти. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти. Ўқув қўлланма. -Ж.: “ЖизПИ”, 2020, - 249 б.

Холикулова Х.

Ўкув қўлланма Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан 2018 йил 18 августда № 4 раками билан рўйхатдан ўтган ҳамда 2018 йил 25 августда тасдиқланган “Ўзбекистон тарихи” фандастури асосида тузилган.

Кўлланмада мустақиллик йилларида иқтисодий ижтимоий ва маданий соҳаларда эришилган ютуқлар, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мустақиллик даври тарихига оид янгича методологик, концептуал фикр ва ғоялари дастуриламал қилиб олинган бўлиб талабаларнинг Ўзбекистон тарихининг мустақилликдаври тарихини ўзлаштиришларига амалий ёрдам беради. Кўлланмадан таълим тизимининг барча босқичларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар, илмий ходимлар, талаба ва ўқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Учебное пособие составлено на основе учебной программы «История Узбекистана», зарегистрированной за № 4 18 августа 2018 года и утвержденной Министерством высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан 25 августа 2018 года.

В пособии раскрываются достижения в экономической, социальной и культурной сферах за годы независимости. Методической и концептуальной основой учебного пособия являются взгляды и идеи Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиева по истории отечества изложенные в трудах, выступлениях, докладах. Учебное пособие оказывает практическую помощь студентам усвоить новейший период истории Узбекистана. Пособие предназначено для преподавателей всех уровней системы образования, научных сотрудников, студентов и учащихся.

Масъул мухаррир:

Муртазаева Р. - Ўзбекистон Миллий

университети професори

Такризчилар:

Ерметов А. – Ўзбекистон Миллий
университети доценти
Ахмедшина Ф.- ЖДПИ, т.ф.д., профессор

КИРИШ

“Олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишида биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий гояни ривожлантиришимиз зарур. Миллий ўзлигимизни англаш учун Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиши, бу борада илмий-тадқиқот ишларини жонлантириш, гуманитар соҳа олимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим”

Ш.М.Мирзиёев

Мустақиллик йиллари моҳиятан юртимиз тарихида шарафли ва ўта масъулиятли даврни ташкил этади. Айниқса сўнгги икки-уч йил давомида ҳар биримизнинг ҳаётимизда, мамлакат тақдирида муҳим ва катта ўзгаришлар рўй берди. Ўзлигимизни англаб, юртимизни ва шахсий ҳаётимизда содир бўлаётган янгиланиш жараёнларини ҳаққоний таҳлил этмоқдамиз.

Табиийки, бундай улкан ўзгаришлар жараёни барча фанлар қатори тарих фани олдига ҳам бир қатор вазифаларни қўяди. Бугунги кунда тарихчи мутахассислар мустақилликни мустаҳкамлашнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий омилларини ўрганиш ва уни таҳлил қилиш каби бир қатор вазифаларни амалга ошироқлари лозим.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори кенгаш ишидаги камчиликларни бартараф этиш ва уни янги поғонага кўтариш ҳамда бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим ҳужжатлардан биридир.

Қарорда Жамоатчилик кенгаши олдига Ўзбекистоннинг энг янги тарихини тизимли, ҳаққоний ва холис тарзда ўрганишни ташкил этиш, янги авлод илмий ва ўқув-услубий адабиётларни яратиш ҳамда мамлакатимизнинг дунёдаги ўрни ва ролини кўрсатишга қаратилган қатор вазифалар қўйилган.

Мазкур ҳужжатда кўрсатилган вазифаларни бир-бирини тўлдирувчи икки йўл орқали рўёбга чиқариш лозим. Биринчи йўл – янги авлод илмий ва ўкув адабиётларини яратиш. Иккинчи йўл – мавжуд билимларни ёшларга тарғиб этиш ва ўқитиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-кудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур. Миллий ўзлигимизни англаш учун Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини жонлантириш, гуманитар соҳа олимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим” деб таъкидлаган эди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзларида ўтмишга берилган баҳо, албатта холисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан ҳоли бўлиши, халқимизнинг бой тарихи, эришган ютуқларини бўрттириш ёки камситишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлиги ҳақида ёш авлод қалбига сингдириш вазифаси белгилаб берилди.

Мустақиллик даври тарихини ўрганиш инсонда миллий ғоянинг шаклланишида, сиёсий тафаккурнинг ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қиласи. Ушбу даврда Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш жараёнларини ва унинг босқичларини ўрганиб чиқиш ундан тўғри сабоқ чиқаришга хизмат қиласи.

Сўнгги йилларда содир бўлган воқеалар ривожи ва мустақиллик даври яхлит тарихини ўрганиш эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда ушбу қўлланма яратилди ва унда қуйидагиларга аҳамият қаратади:

1. “Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини мустаҳкамлашнинг сиёсий ҳуқуқий асослари” деб номланган иккинчи мавзуда Ўзбекистонда мустақиллик йилларидағи қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тизимидағи ислоҳотлар 1991 йилдан 2020 йилгача бўлган давр билан қамраб олинган бўлиб, унда Ўзбекистонда Парламент тараққиётининг Янги босқичлари, янги ташкил қилинган вазирликлар структураси ва суд-ҳуқуқ

тизимини ислоҳ қилишга доир жараёнлар Ҳаракатлар Стратегияси доирасида ҳам қамраб олинган.

Қўлланманинг иккинчи бўлимида Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий жараёнлар ва аграр соҳадаги ислоҳотлар ёритилган.

Учинчи бўлимда асосан маданий-маънавий соҳадаги ислоҳотларга алоҳида тўхталиб ўтилган бўлиб, унда юртимизда таълим соҳасидаги сўнгги ислоҳотлар акс этган. Хусусан, ёшлар иттифоқининг ва мактабгача таълим вазирлигининг ташкил топиши, олий таълим соҳасидаги ислоҳотлар тизимли равишда ёритилган. Хусусан ушбу бўлимда мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларини ривожлантириш, ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратиш борасидаги ислоҳотлар бешта ташаббус доирасида қамраб олинган.

Тўртинчи бўлимда Ўзбекистоннинг ташки сиёсатининг 1991 йилдан 2020 йилгача бўлган даври тизимли равишда очиб берилган.

Бешинчи бўлимда эса Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини юқори суръатлар билан ривожлантириш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспортбоп қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш борасидаги ислоҳотлар ёритилган.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришиши, янги жамиятга ўтиш даврида сиёсий ислоҳотларнинг амалга оширилиши, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, фуқаролик жамиятнинг шакллантирилиши, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир тадбирлар, мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш омиллари, маънавий-руҳий покланиш ва миллий қадриятларнинг тикланиши ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиш каби масалалар “Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маънавий-маданий тараққиёти” мавзусига оид ўқув қўлланмада ўз ифодасини топган.

Ушбу ўқув қўлланмада 2018 йилгача мавзуга оид ҳимоя қилинган илмий ишлар натижаларидан ҳамда тарихчилар томонидан қўлга киритилган

инновациялардан фойдаланилган. Бу ўз навбатида ўқитувчиларга сўнгги йиллардаги илмий тадқиқот ишлари билан танишиш имконини беради. Ушбу ўқув қўлланма мустақиллик даври тарихий жараёнларини объектив ёритиш ва уларни замонавий тарихий нуқтаи назар билан баҳолаш анъаналарнинг кетма-кетлигини баҳолаш асосида талабалар томонидан фанни яхши ўзлаштиришига ёрдам беради.

1-БЎЛИМ: ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНинг ҚўЛГА КИРИТИЛИШИ. ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ҚУРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.

1-мавзу: Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ва унинг тарихий аҳамияти.

1. XX асрнинг сўнгги йилларида дунёда юзага келган сиёсий вазият ва Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги сари дастлабки қадамлар.
2. И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланиши.

1. XX асрнинг сўнгги йилларида дунёда юзага келган сиёсий вазият ва Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги сари дастлабки қадамлар.

XX асрнинг сўнгти йилларига келиб СССР таркибидаги республикалар суверенитетини ва инсон хуқуқларини поймол қилган маъмурий буйруқбозлик тизими ўз даврини ўтаб бўлғанлиги янада яққолроқ намоён бўла бошлади. Бу ҳол ўзбек халқининг мустақиллик учун бўлган курашини тезлаштириб юборди ва бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик демократик давлат қуриш асослари шаклдана бошлади.

И.Каримов халқ ҳоҳиш-иродасини бажариб, ўзбектилига давлат тили мақомини бериш ишига бошчилик қилди. 1989 йил 28 октябрда Республика Олий Кенгашида Ўзбекистоннинг давлат тили ҳақида қонуни қабул қилинди. Республигадаги барча расмий ҳужжатлар ўзбек тилида юритиладиган бўлди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг мустақиллик сари ташлаган биринчи қадами бўлди¹.

90-йилларнинг бошларига келиб Ўзбекистонда халқнинг мустақилликка эришишидан иборат азалий орзусини амалга ошириш бош масала бўлиб қолди. Мамлакатда шундай вазият вужудга келдики, бир томондан, бири-

¹ Йўлдошев Ш. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти. Халқ сўзи. 1992 йил 5 январь, якшанба, 4-сон. –Б.1.

бирига қарама-қарши бўлган турли қарашлар шаклланди. Иккинчи томондан, ўшадаврдаги марказий давлат раҳбарияти мамлакат ичкарисидаги вазиятни тўғри баҳолай олмади, миллий республикаларда мустақилликка эришиш тобора кучайиб бораётганининг олдини ололмай қолди.

1990 йил бошида Ўзбекистонда бошқарувнинг Президентлик шакли масаласи кўтарилиди. Республикада бошқарувнинг шундай шаклининг жорий этилиши, аввало, сиёсий, ижтимоий-иктисодий, миллатлараро ва бошқа соҳалардаги муаммоларни ҳал қилиш жараёнини тезлаштиришга кўмаклашиш воситаси сифатида жорий қилинди. Энг муҳими, Президент муассасининг жорий этилиши республика учун суверенитет ва давлатчиликда моҳият жиҳатидан янги босқичга ўтишни билдирап эди.

Алоҳида шуни таъкидлаш керакки, ўшакезлари кенг миқёсда тартиб ва интизомни, энг аввало, бошқарувнинг барча даражаларида ва жабҳаларда ижро механизмини қайта қуришни тезлаштириш вазифаларини вақтида ҳал этиш, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи барча муассасаларни назорат қилиш масалалари ҳам катта аҳамият касб этмоқда эди.

Шу объектив ҳолатни ҳисобга олиб, 1990 йил 24 марта Ўзбекистон Олий Советининг биринчи сессияси Ўзбекистон тарихида биринчи марта Президентлик лавозимини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Сессия яқдиллик билан Ислом Абдуғаниевич Каримовни Ўзбекистоннинг Президенти этиб сайлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўзбекистонда Президент лавозимининг таъсис этилиши республиканинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги учун кураш борасида қўйилган дадил кадамларидан иккинчиси эди².

Ўзбекистоннинг мустақиллика эришишида қўйилган навбатдаги муҳим қадам 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг иккинчи сессиясида қўйилди. Сессияда Ўзбекистоннинг “Мустақиллик Декларация” қабул қилинди ва унинг кириш қисмида қўйидагича ёзиб қўйилди:

² Холиков Д. Мустақилликнинг дастлабки одимлари. Xalq сўзи. 24 апрель. 1992 йил. №220. –Б.2.

“Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналари, ҳар бир миллатнинг тақдирини ўзи белгилаш хуқуқини таъминлашдан иборат олий мақсад ҳақи, Ўзбекистоннинг келажаги учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократия принципларига асосланиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қиласди,”³. Сессия қабул қилган бу “Мустақиллик Декларация” си халқимиз томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди.

Шу кундан бошлаб республикада Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётига доир масалалар мустақил тарзда ҳал қилина борди. Ўзбекистон раҳбарияти ва халқи мустақиллик сари дадил қадам қўяверди.

1991 йил 17 марта умумхалқ референдуми ўтказилди. Референдумда Ўзбекистон халқининг мутлақ кўпчилиги Ўзбекистонни мустақил республика сифатида қўриш ҳоҳиши борлиги намоён қилди.

1991 йилга келиб Ўзбекистонда республиканинг давлат мустақиллигига доир мутлақ янги давлат рамзлари тайёрлаш ва қабул қилиш борасида дадил ишлар қилина бошланди. Хусусан, 1991 йил 15 февраляда Ўзбекистон Олий Кенгаши “Ўзбекистоннинг давлат рамзлари тўғрисида” маҳсус қарор қабул қилди⁴.

Ўзбекистоннинг суверенитети учун кураш, аввало, республикада қабул қилинган ҳар бир қонуннинг мазмуни ва моҳияти жиҳатидан собиқ иттифоқ қонунларидан тубдан фарқ қилинишида, бундан ташқари, ҳар бир қонун аввалгидек иттифоқ қонунига мослаштириб эмас, балки республика манфаатини ифода этиши билан ажралиб тура бошлади.

80-йилларнинг иккинчи ярмига келиб собиқ СССР нинг ижтимоий-сиёсий ҳолатида инқирозли ҳолат тобора кучайди. Бу ҳолат айниқса, кўпчилик республикаларнинг иттифоқ таркибидан чиқиш, ўз-ўзини белгилаш

³ Рахмонов А. Мустақиллик декларацияси-истиколимиз асоси. <http://uza.uz/oz/society/musta-illik-deklaratsiyas-i-isti-lolimiz-asosi-19-06-2018>

⁴ Муртазаева Р.Ҳ. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Дарслар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. –Б.409.

хуқуқини бериш, марказнинг сиёсий-иқтисодий, ҳарбий ва ташқи сиёсий соҳалардаги ролини қайта кўриш каби талабларнинг хақли равишда қўйилишида аксини топди. Лекин, марказий раҳбарият халқлар ва иттифоқчи республикалар сиёсий раҳбариятининг чинакам мустақилликка интилиши билан ҳисоблашмади. Бу муносабатни Марказнинг Болтиқбўйи республикаларнинг иттифоқ таркибидан чиқиб кетиши, Ўзбекистонда, кейинчалик эса бошқа республикаларда ҳам президентлик бошқарувининг жорий этилиши ва бу республикалар томонидан суверенитет тўғрисидаги Декларацияларнинг қабул қилинишига тиши-тирноғи билан қаршилик кўрсатганлигига ҳам қўриш мумкин.

Лекин, барибир вужудга келган инқирозий ҳолатни тўхтатиб бўлмас эди. Шу сабабдан ҳам, давлат емирилишидан жiddий хавотирга тушган собиқ иттифоқ раҳбарияти 1990 йилнинг кузидаги марказ ва республикалар ўртасидаги муносабатларни янги ҳолатга ўтказиш мақсадида музокара жараёнини бошлашга мажбур бўлди⁵.

1990 йил охирларига келиб Болтиқбўйи мамлакатлари мустақиллик тўғрисидаги талабларни СССР Олий Кенгashi мажлиси ва халқ депутатлари қурилтойига кўндаланг қилиб қўйганларидан сўнг Президент М. Горбачев бир груҳи депутатлар ва раҳбарлар билан вазиятни ўрганиш, аниқроғи, тазиик қилиш, таъсирини ўтказиш мақсадида Болтиқбўйига борди. Ушбу груҳ таркибида Ўзбекистон Президенти И.Каримов ҳам бор эди. У ерда И.Каримов хақиқат билан юзма-юз келди ва шунда жуда катта қатъият ва фавқулодда журъат билан муносабатини билдириди. Комиссия ишини якунламасданоқ Горбачевни ҳам, унинг манфаатларини қўллаб-қувватловчи груҳни ҳам ташлаб, тезда орқага қайтди. Бу билан у Болтиқбўйи халқларининг талаблари қонуний эканлиги, мустақиллик СССР таркибидан чиқиши-тарихий хақиқат, инсон ҳақ-хуқуқларининг тантанаси

⁵ И.А. Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Тошкент:«Ўзбекистон», 2011.-Б.34.

эканлигини ошкора намоён қилди. Хақиқатдан ҳам, иттифоқ таркибида туриб ҳеч қандай миллий равнақ, маънавий тараққиёт тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмас эди.

1991 йил август ойига келиб бутун мамлакатда воқеалар шу даражадачувалалиб кетдикি, унинг ечимини топиш ўта мушкул бўлиб қолди. Шувазиятдан фойдаланиб 19-21 август кунлари Москвада давлат тўнтариши қилишга уриниб кўрилди. Фавқуллодда ҳолат давлат қўмитаси тузилиб, СССР Президенти М. Горбачев зўравонлик билан вазифасидан четлаштирилди⁶.

Маълумки, мустақилликка эришиш остонасида одамларнинг таъминоти, даромади, яشاши учун зарур бўлган кундалик маҳсулотларнинг энг кам миқдори, ортиқча ишчи кучининг бандлиги каби масалалардаги ахвол оғир бўлган. Бунинг асосий сабаби - бу йилларда ҳар бир вилоят бўйича аниқ дастурлар, ички резервлар хисобидан ишни тўғри ташкил этиш, ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш, қанча миқдорда, кимга ва қачон қўшимча хом ашё ажратиш эвазига ахволни яхшилаш имкониятлари тўғрисида амалий тадбирлар бўлмаган. Бу даврда йилдан-йилга тобора кескинлашиб келаётган асосий ижтимоий муаммо - бу аҳоли ўртасида ишсизлар сонининг жадал равишда ўсиб бориши эди. Мамлакатимиз раҳбари ўша даврда вужудга келган ахволдан чиқиш йўли сифатида қуйидагиларни белгилаб берди:

- а) ишларнинг ахволига холис баҳо бериш, республикадаги вазиятни соғломлаштиришнинг конкрет ва аниқ-пухта дастурини ишлаб чиқиш;
- б) ҳаётнинг барча соҳаларида қатъий тартиб ва интизом ўрнатиш, раҳбар кадрларни жой-жойига тўғри қўйиш, уларга нисбатан талабчанликни ошириш.

Демак, юқоридаги фикрлардан келиб чиқсан ҳолда, ҳарбий хизматчилар билан олиб бориладиган маънавий-маърифий тайёргарлик машғулотларида

⁶ Ахмедов Қ. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси: Мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1992 –Б.50.

мустақилликкача бўлган давр билан боғлиқ бўлган тарихий жараёнларни фалсафий-мантиқий тушуниш, истиқлол тарихини англаш, тарихий-сиёсий воқелик ва ҳодисаларга таҳлилий ёндашиш, уларнинг босқичма-босқич курашлар эвазига қўлга киритилганини идрок этиш масалаларига чуқур ёндашиш зарур эди⁷.

Ана шундай оғир, саросимали таҳдид ва таҳминлар пайтида Ўзбекистон раҳбарияти корхона ва хўжаликларнинг раҳбарлари, ҳалқ ноиблари, барча соғдил кишилар, ҳалқни матонат ва осойишталикка даъват қилдилар. Айниқса, Биринчи Президент Ислом Каримовнинг бўлаётган воқеаларга муносабати барчани қаноатлантириди, унинг ҳалққа суюнганлиги у билан дардлашганлиги, ҳалқ билан ҳукумат ўртасида соғлом муносабатнинг вужудга келишига олиб келди.

Хиндистон сафаридан қайтган Ўзбекистон Биринчи Президенти И.Каримов, 19 август куни кечқурун Тошкет шахрининг фаоллари билан бўлган учрашувда Ўзбекистон нуқтаи назарини маълум қилди ва Марказдан билдирилган қонунга хилоф бўлган ҳар қандай кўрсатмаларни республика раҳбарияти томонидан бажарилишни ман этди. 20 августда Ўзбекистон ССР Олий Кенгashi Раёсати ва Ўзбекистон ССР Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг республика раҳбарлари иштирокида қўшма мажлиси бўлди. Унда фитна муносабати билан вужудга келган вазият мухокама қилиниб, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш йўли ўзгармаслиги ҳақида Баёнот қабул қилинди. Унда Ўзбекистон Мустақиллик Декларация қоидаларини амалга ошириш йўлида бораверади, деб кўрсатилди. Ўшакуни Ўзбекистон Биринчи Президенти И.Каримов республика аҳолисига мурожаат билан чиқиб, Ўзбекистоннинг мустақиллигига эришиш йўли қатъий эканлигини яна бир бор алоҳида уқтириди.

Шундай оғир шароитда, тарихий вазиятни тўғри баҳолай билиш қобилиятига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти

⁷Абдуллаев Р. Ислом Каримов — ўзбек давлатининг асосчиси. <https://uz.fundamental-economic.=466>

И.Каримов Олий Кенгаш сессиясини чақириш ва унда Ўзбекистон Мустақиллиги ҳақида қонун қабул қилишни талаб қилди. Республика Олий Кенгаши 1991 йил 26 август қуни Ўзбекистон давлат мустақиллиги тўғрисида қонун лойиҳасини тайёрлаш ҳамда 31 августда Олий Кенгаш сессиясини чақиришга қарор қилди.

2. 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон замонавий тарихининг янги даври бошланди. Шу қуни Олий Кенгашнинг навбатдаги ташқари олтинчи сессияси “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида” Қарор қабул қилди⁸, тегишли баёнот билан чиқди ва “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида”ги Қонунни тасдиқлади. Мамлакат тақдири ҳал бўлган бу хужжатларда ҳалқнинг асрий орзулари мужассамланди:у ўзтакдирини ўзи ҳал қиласиган бўлди;

Ўз еридаги барча табиий бойликларнинг, ота-боболари меҳнати билан яратилган бутун ишлаб чиқариш ва илмий-техник куч қудратнинг тўла хуқуқли эгасига айланди;

буюк тарихи ва маданиятининг муносиб вориси, буюк аждодларнинг урф-одатлари ва инсонпарвар анъаналарнинг давомчиси, порлок келажагининг мустақил ижодкори бўлди;

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида”ги Қарорда “1 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик қуни деб белгилансин ва 1991 йилдан бошлаб бу кун байрам ва дам олиш қуни деб эълон қилинсин”,⁹ - деб қатъий белгилаб қўйилди.

2. И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланиши.

Ўзбекистон мустақиллик томон йул тутар экан, 1989 йилнинг ёз ойлари

⁸ “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида”ги Қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 11-сон, 246-модда.

⁹ Ўша манба, 4-б.

ва 1990 йил баҳорида Ўзбекистон ҳаётида унинг раҳбарлигига бурилиш даври бўлди. Худди шу пайтларда ўзбек халқининг тақдирини ҳал қиласидан тараққиёт йўллари ишлаб чиқилди. Хусусан, Ўзбекистоннинг демократик йулда ривожланиши бош стратегик мақсад қилиб белгиланди. Ана шу йулнинг бошида, 1989 йил июнидан Ўзбекистоннинг раҳбари, 1990 йил мартаидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти сифатида Ислом Абдуғаниевич Каримов турди.

1991 йил 29 декабрда ўтказилган Ўзбекистон Республикасининг референдумида 9 миллион 898 минг 707 киши ёки сайлов рўйхатига киритилганларнинг 94,1 фоизи қатнашди. Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат деб эълон қилинишини ёқлаб 9 миллион 718 минг 155 киши ёки референдумда қатнашганларнинг 98,2 фоизи овоз берди. Демак, Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллиги умумхалқ томонидан яқдиллик билан маъқулланди. Худди шу йилнинг 29 декабрида халқимиз биринчи марта умумхалқ хошиш-иродаси билан мустақил Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлади.

Ўзбекистон Президенти сайлови Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сесиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонун асосида ўтказилди. Бу сайловнинг муҳимтомони шуки, у биринчи марта муқобиллик асосида ўтди, яъни Олий лавозимга икки номзод- Ўзбекистон ХДП ва Ўзбекистон касаба уюшмалари федерация номзоди И.А.Каримов ва “эрк” Демократик партияси вакили Салой Мадаминов (Мухаммад Солих) номзоди қўйилди.

Сайловлар якунига кўра 8 миллион 514 минг 136 киши ёки овоз беришда қатнашганларнинг (86%) И.Каримов номзодини 1миллион 220 минг сайловчи (12,3 %) Салой Мадаминов номзодини ёқлаб овоз берди. Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонуннинг 35-моддасига асосланиб Ислом Абдуғаниевич Каримовни 1991 йил 29 декабрдан Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланган деб ҳисоблашга қарор қилди. И.Каримов Ўзбекистон

Кенгашининг 1992 йил 4 январда бўлган навбатдан ташқари IX сессиясида қасамёд қилди. 1995 йил 26 марта умумхалқ овози (референдуми) билан И.Каримовнинг Президентлик ваколати 1997 йилдан 2000 йилгacha узайтирилди. Ўтказилган референдум мамлакат ҳаётида катта сиёсий - ижтимоий аҳамият касб этди.

2000 йил 9 январда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида яна бир унитилмас тарихий воқеа бўлиб ўтди. 11 январда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси 2000 йил 9 январ куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Президенти сайлови натижаларига багишланди¹⁰.

Мажлисда қайд этилгандек, 2000 йил 9 январи мустақил Ўзбекистонимиз тарихида асрлар туташган пайтда содир бўлган, давлатимизнинг XXI асрдаги ҳаётига ва тараққиётiga жиддий таъсир кўрсатадиган муҳим сиёсий воқеа сифатида муҳрланиб қолади. Ўзбекистон фуқароларининг аксарияти Ислом Каримов номзоди учун овоз берди. Бўлиб ўтган сайловнинг аҳамияти унинг муқобиллик ва демократик тамойиллар асосида ўтганлигидадир. Сайловчиларга танлаш имконияти берилди ва улар хоҳиш-иродасига биноан, ўзи танлаган номзод учун овоз берди. Шакшубҳасиз бу ҳол жамиятимизда сиёсий фикрлар хилма-хиллиги ва қарашларининг турлича бўлиши учун катта туртки берди, давлатнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётининг янада эркинлаштирилишига замин ҳозирлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов Комиссиясининг округ сайлов комиссияларидан келган баённомалар асосида 9 январда бўлиб ўтган сайловда рўйхатга олинган 12 миллион 746 минг 903 сайловчидан, 12 миллион 123 минг 199 сайловчи иштирок этганлигини, бу эса рўйхатга олинган сайловчиларнинг умумий миқдорининг 95,1 фоизини ташкил этишини маълум қилди. Фидокорлар миллий демократик партиясидан номзоди кўрсатилган И.Каримов учун 11 миллион 147 минг 621 сайловчи ёки

¹⁰Муртазаева Р.Х. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. –Б.345.

сайловчиларнинг 91,9 фоизи овоз берди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзоди кўрсатилган Абдулҳафиз Жалолов учун 505 минг 161 сайловчи ёки 4,17 фоиз сайлочи овоз берди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланганлиги тўғрисида қарор қабул қилди.

3. Ўзбекистон ўзмустақиллигини қўлгакиритишидан анча олдин республиканинг давлат мустақиллигига доир мутлақо янги давлат рамзларини тайёрлаш ва қабул қилиш ишлари бошлаб юборилган эди. Хусусан, 1991 йил 15 февралда Ўзбекистон Олий Кенгаши “Ўзбекистоннинг давлат рамзлари тўғрисида” маҳсус қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрда бўлиб ўтган VIII сессияси ”Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида” Қонун қабул қилди Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи ва унинг рамзи бизнинг мамлакатимиз ҳудудида илгари мавжуд бўлган ғоят қудратли салтанатлар байроғига хос бўлган энг яхши анъаналарни давом эттирган ҳолда республиканинг табиатига хос бўлган хусусиятларни, халқимиз миллий ва маданий соҳалардаги ўзлигини акс эттиради. Мамлакатимиз Давлат байроғи юртимизнинг ўтмиши, бугунги куни ва келажагининг ёрқин рамзиидир¹¹.

1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида” Қонун қабул қилинди. Давлат гербидаги ҳар бир белги чуқур маънога эга.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгашининг 1992 йил 10 декабрда бўлиб ўтган XI сессияси томонидан Ўзбекистон биринчи Конституциясининг қабул қилиниши мамлакат тарихида оламшумул воқеа бўлди.

¹¹Жўраев Н. Ўзбекистон тарих: (Миллий истиқлол даври) 3-китоб. – Тошкент: “Шарқ”, 2011 – Б.30.

Ушбу сессияда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадхияси тўғрисида»ги Қонун ҳам қабул килинди. Сессияда шоир Абдулла Орипов ва бастакор Мутал Бурхонов томонидан тайёрланган мадхия нусхаси тасдиқланди.

Ўзбекистон Президентининг 1994 йил 16 июнидаги Фармонига мувофиқ 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси - сўм муомалага киритилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг рамзлари тўғрисида Президент И.Каримов: - “Миллий валюта, байрок, герб, мадхия, Конституция каби давлат ва халқнинг рамзи, мустақилликнинг муқаддас белгисидир!” - деди¹².

Ҳар қандай мустақил давлатларнинг ҳуқуқий асоси - бу унинг асосий Конуни - Конституциясидир. Ҳар қандай жамият келажакни кўзлаб яшайди ва унинг пойдеворини имкон қадар мустаҳкамроқ кўришга ҳаракат қиласди. Шу нуқтаи назардан қараганда, давлатимиз, жамиятимиз эришган буюк ютуқ - Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бўлди.

Ўзбекистоннинг янги Конституциясини яратиш ғояси 1990 йил 20 июнида Мустақиллик Деклорациясининг қабул қилиниши муносабати билан ўртага қўйилган эди. Олий Кенгашнинг иккинчи сессиясида Мустақиллик Декларациянинг муҳим тамойиллари асосида давлатнинг янги Конституцияси ишлаб чиқилиши лозим деган холосага келинди. Сессия Президент И.Каримов раислигида Конституциявий Комиссия тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Конституциявий комиссия маъқуллаган Конституция лойиҳасининг биринчи варианти 1991 йил ноябрида тайёрлаб бўлинди. Ушбу вариант муқаддима, олти бўлим, 158 моддадан иборат эди. Конституция лойиҳасининг иккинчи варианти 1992 йил баҳорига келиб ишлаб чиқилди. Бу

¹² Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Тошкент:«Ўзбекистон», 2011. –Б.220

вариант 149 моддадан иборат эди. Пухта ишловлардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси 1992 йил 26 сентябрда Конституциявий комиссия қарори билан умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1992йил 8 декабрда қабул қилинди ва у 6 бўлим, 26 боб, 128 моддадан иборат қилиб белгиланди.

Конституциянинг энг муҳим моҳияти шундан иборатки, унда “давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар” дейилган¹³, яъни фуқаролар манфаатининг устунлиги қонуний равишда мустаҳкамланган ва кафолатланган. Собиқ тоталитар тузум шароитида бундай фикрни ҳеч ким хаёлига ҳам келтира олмас эди.

Бир сўзбилинг айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши асосий, ҳуқуқий ва халқаро аҳамиятга эга бўлган буюк воқеа бўлди.

Биринчи Президент И.Каримов мустақилликнинг дастлабки кунидан бошлаб янги жамиятга мос сиёсий ислоҳотлар ўтказиш йўллариниоқилона кўрсатибгина қолмай, айни пайтда жамиятнинг бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш тамойилларини ишлаб чиқди, уни изчил амалга ошириш чора-тадбирларини кўрди. Жаҳон тажрибаси, Ўзбекистоннинг миллий хусусиятлари, имкониятлари ва шарт-шароитлари асосида тараққиётнинг “Ўзбекмодели” ишлаб чиқилди.

Шундай қилиб, XX аср 90-йилларнинг бошларига келиб Ўзбекистон халқлари тарихида мисли кўрилмаган тарихий воқеа юз берди. Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлгакирилди. Дунё ҳаритасида 1991 йил 1 сентябрдан бошлаб яна битта мустақил, тўлаҳукуқли суверен давлат - Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

Таянч тушунчалар:

«Давлат тили тўғрисида»ги Қонун, Президентлик лавозимининг таъсис этилиши, Мустақиллик декларация СССР нинг таназзулга юз тутиши,

¹³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: 2015.

Ўзбекистон Республикасининг «давлат мустақиллиги тўғрисида» ги Қонун, Президент сайловлари, Ўзбекистон Конституцияси, Давлат рамзлари.

Текширув саволлари:

1. Мустақиллик учун ташланган энг биринчи қадам қайси эди?
2. “Мустақиллик декларация” қачон қабул қилинди?
3. Ўзбекистонда президентлик лавозими қачон жорий қилинди ва ким Биринчи Президенти этиб сайланди?
4. Ўзбекистоннинг давлат рамзларини санаб беринг.
5. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси қачон қабул қилинди?
6. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш қандай тамойилларга асосланади ?
7. “Демократия”, “Демократик давлат” деганда нималарни тушунасиз?
8. Ўзбекистонда Конституцияга асосан давлат ҳокимияти нечта қисмларга бўлинади?
9. Ўзбекистонда Президентлик лавозими қачон жорий этилган ва бу лавозимга биринчи марта ким сайланган?
10. Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги туб ислоҳотларнинг иккинчи босқичи қачон бошланган ва унинг хусусиятлари нимадан иборат?

2-мавзу: Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини мустаҳкамлашнинг сиёсий ҳуқуқий асослари.

1. Кўп partiyийlik тизимида асос солиниши. Ўзбекистон парламенти. Икки палатали парламент.
2. Ўзбекистонда ижро ҳокимиятининг фаолияти.
3. Суд ҳокимияти ислоҳотлари. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

1. Кўп partiyийlik тизимида асос солиниши. Ўзбекистон парламенти. Икки палатали парламент.

Собиқ СССР нинг парчаланиши ва янги мустақил давлатларнинг вужудга келиши собиқ совет республикалари қатори Ўзбекистон Республикаси олдига ҳам янги ҳуқуқ тизимини шакллантириш, давлат ҳокимиятини қайтадан тузиш, ҳокимиятнинг олий қонун чиқарувчи органини ташкил этиш ва мазкур орган фаолиятининг демократик принципларини шакллантириш муаммоларни қўндаланг қилиб қўйди. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси бутун давлат ва жамиятни янги асосларда қайта қуриш, парламентаризм тамойилларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг негизига айланди¹⁴.

Парламентаризм принциплари асосида фаолият кўрсатувчи давлат институтлари билан боғлиқ масалалар Ўзбекистонда ҳуқуқий давлатчиликнинг қарор топишига тааллуқли муаммолар силсиласида муҳим ўрин тутади. Чунки XXI асрнинг бошларига келиб оддий бир ҳақиқат - тўла ваколатга эга бўлган парламентсиз мамлакатда тўлақонли демократия бўлиши мумкин эмаслиги яққол кўзга ташланиб қолди. Бинобарин, фуқаролар демократия тўғрисидаги тасаввурларини аввало давлатни идора этишда ўзлари иштирок этишларининг реал имконияти билан, қолаверса

¹⁴ Мухаммеджонов О.З. Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламент фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш. Дисс. юридик фанлари доктори. –Тошкент: 2004.6-бет.

парламент орқали қонун ижодкорлиги жараёнига таъсир кўрсата олиш имкониятлари билан боғлайдилар¹⁵.

Ўзбекистон қонун чиқарувчи олий органининг қарор топиши ўзига хос жиҳатларига эга. Бу аввало тарихий ўтмишга боғлиқ. Миллий ўзлик давлат қурилишининг турли шакл ва усусларини назарда тутади. Шундай қурилишнинг танлаб олинган муайян усули эса миллий-тарихий ўзига хослик билан умумжаҳон тамойилларининг синтезидир. Зеро, ҳар қандай ижтимоий воқеликни англаш учун биринчи навбатда у муайян тарихий босқичнинг конкрет шароитларида қай тарзда юзага келганлигини, ўз тараққиётида қайси асосий босқичлардан ўтганлигини, ана шу ривожланиш жараёнида қай даражада ўзгарганлигини, истиқболда унинг қай тарзда харакат қилишини англаб олиш муҳим эканлиги бежиз эмас. Ана шу қоидалар ҳар қандай ижтимоий воқеликни, шу жумладан парламент сингари муҳим институт масаласини кўриб чиқишида алоҳида аҳамият касб этади. Қолаверса, амалиётнинг далолат беришича, парламентаризмнинг қарор топиши ўта мураккаб, баъзан эса мashaққатли жараёндир¹⁶.

Унда тарихий даврнинг ўзига хос жиҳатлари, ҳар бир алоҳида мамлакатнинг ижтимоий ва давлат ҳаёти, миллий анъаналари, халқнинг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий хоҳиш-иродаси намоён бўлади. Табиийки, ижтимоий амалиётнинг ривожи, тарихий тараққиётнинг кечиши мамлакат қонун чиқарувчи органи тўғрисидаги назарий тасаввурларни ҳам ўзгартириб боради.

Ўзбекистон 1991 йил 1 сентябрда давлат мустақиллигига эришгач, давлат ҳокимиятининг энг муҳим институтларидан бири сифатида миллий парламентни ривожлантиришнинг сифат жиҳатидан янги босқичи бошланди. Миллий парламентаризмнинг энг янги тарихи умум эътироф этилган учта

¹⁵ Интернет материали. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. <http://uz.denemetr.com/docs/768/index-287438-1.html?page=8>

¹⁶ Интернет материали. Парламент тарихи. <http://parliament.gov.uz/uz/about/history/index.php>

асосий даврга бўлинади. Биринчи давр: 1991-1994 йиллар, иккинчиси: 1995-2004 йиллар, учинчи давр: 2005 йилдан ҳозирги пайтгача.

Биринчи давр: 1991-1994 йиллар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳуқуқий ҳолати Конституциянинг V бўлим XVIII бобида ва 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Олий Мажлиси тўғрисида”ги Қонунда белгиланган.

Бу қонунларга кўра, Олий Мажлис Олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Собиқ иттифоқдан қолган қонунларни ўзгатириш, мамлакат ҳаёти учун зарур ўзгартиришларни амалга ошириш, демократик тамойиллар асосида Олий Мажлисни шакллантириш учун 1994 йил 25 декабрга сайловлар белгиланди.

1993 йилнинг 28 декабрида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонунга кўра республика парламентига сайловлар умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуки асосида яширин овоз бериш йули билан ўtkазилади. Ўзбекистон Республикаси I чақириқ Олий Мажлисига сайлов республикамиз сиесий ҳаётида улкан ютуқ бўлиб, бунда 250 депутатдан иборат Олий Мажлис — янги Парламент демократик ва кўппартиявийлик асосида тузилди¹⁷.

Иккинчи давр: 1995-2004 йиллар

Олий Кенгаш ўрнига Ўзбекистон Республикасининг бир палатали парламенти — Олий Мажлис шакллантирилди. Биринчи чақириқ (1995-1999 йиллар) Олий Мажлис таркибида Ўзбекистон Халқ-демократик партиясидан кўрсатилган 69 нафар, «Адолат» социал-демократик партиясидан 47, «Ватан тараққиёти» партиясидан 14 ва «Миллий тикланиш» демократик партиясидан кўрсатилган 7 нафар депутат бўлиб, депутатларнинг қолган қисмини ҳокимият вакиллик органларидан кўрсатилган шахслар ташкил этди¹⁸.

¹⁷ Муртазаева Р.Х. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. –Б.432.

¹⁸ Найимов О.М. парламентлаларо ҳамкорлик халқаро майдонда Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини илгари суриш ва амалга ошириш воситаси сифатида. Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори диссертацияси. –Тошкент: 2018, 14-бет.

Иккинчи чақириқ (2000-2004 йиллар) Олий Мажлисга сайлов ҳокимият вакиллик органлари билан бир қаторда бешта сиёсий партия ва сайловчилар ташаббускор гурухлари иштирокида бўлиб ўтди¹⁹. Иккинчи чақириқ Олий Мажлисда 11 нафар депутатни бирлаштирган «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси, 10 нафар депутатдан иборат «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси, 20 нафар депутатга эга бўлган «Ватан тараққиёти» партияси фракцияси, 34 нафар депутат ташкил этган Фидокорлар миллий-демократик партияси фракцияси, 49 нафар депутатдан иборат Халқ-демократик партияси фракцияси, 107 нафар кишидан иборат ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки ва 16 нафар сайловчилар ташаббускор гурухларидан сайланган депутатлар блоки рўйхатга олинди. Кейинчалик «Ватан тараққиёти» ва «Фидокорлар» партиялари битта «Фидокорлар» партиясига бирлашганлиги муносабати билан иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида уларнинг парламентдаги фракциялари аъзолари ҳам бирлашиб, 54 нафар депутатни бирлаштирган битта фракцияни ташкил этдилар.

Олий Мажлиснинг мазкур биринчи сессиясида “Ўзбекистон Республикасида депутатлар мақоми тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Олий Мажлис раиси раҳбарлигига “Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари тўғрисидаги низом қабул қилинди²⁰.

Ушбу босқичда қонун ижодкорлигига депутатлар масъулияти оширилди ва улар фаолиятининг бош йўналишига айланди. 1995 йилдан 2004 йилгача бўлган давр оралиғига Олий Мажлис 240 та қонун, 778 та қарор қабул қилди, амалдаги қонун ҳужжатларига 1573 та ўзгартиш ва қўшимча киритди, 130 тадан зиёд халқаро шартнома ва битимни ратификация қилди.

¹⁹ Мусаева М.Н. Жамиятни демократлаштиришда икки палатали парламентнинг аҳамияти. Дисс...сиёсий фанлар номзоди. –Тошкент: 2007.-Б. 34.

²⁰ Шамсутдинов Р., Мўминов Ҳ. Ўзбекистон тарихи. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Шарқ, 2013.-Б.525.

Юқорида қайд этилган рақамлардан кўриниб турибдики, республика парламенти бир палатали бўлса-да, қонун чиқариш жараёни анча жадаллик билан борди. Мамлакатнинг қонун чиқарувчи олий органи мазкур босқичда давлат суверенитетини, фуқаролар тинчлиги ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга, жамиятда демократик, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга кўмаклашадиган қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишга интилди. Натижада парламент мамлакатнинг демократик ва тараққиёт йўлидан мустақил ривожланиб боришининг ҳуқуқий негизини анчагина кенгайтирди ва мустаҳкамлади. Мисол учун, биринчи чақириқ Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунларда, бошқа қонун хужжатларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида асос солинган нормалар янада ривожлантирилди.

Учинчи давр.

Истиқлоннинг дастлабки йиллари мустақилликни мустаҳкамлашга сарфланган бўлса, бу вазифа асосан адo этилгач давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш сари одим ташланди. Навбатдаги янгиланиш – Ўзбекистонда икки палатали парламентни шакллантириш билан боғлиқ ислоҳотларнинг кун тартибига қўйилиши тасодиф эмас, заруратдир. Бу ҳакда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов шундай деган эди: “Икки палатали парламентга ўтишдан асосий мақсад – парламентнинг ҳаётимиздаги ўрнини ошириш, қонунчилки ҳокимиятини кучайтиришдир. Негаки, бунда парламентимиз фаолияти янги босқичга кўтарилади, унинг ваколатлари анча кенгаяди”²¹.

Ўзбекистонда барпо этилажак парламентнинг фаолияти профессионал асосга қурилади. Яъни, қонунларни тайёрлаш ва қабул қилиш билан

²¹ Ислом Каримовнинг референдум куни сайлов участкасида берган интервьюсидан. 2002 йил 27 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати жорий архиви, 2002 йил учун хужжатлар тўплами, 21-22-бетлар

шуғулланадиган қуи палата малакали юристлар, иқтисодчилар, сиёсатшунослардан иборат бўлади²².

Миллий парламентаризм ривож топишининг учинчи даври Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидан бошланиб, бунда янги икки палатали Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлари амалда ўз ишларига киришдилар.

2000 йил 25 май куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида икки палатали парламент тузиш ғояси илгари сурилди. 2001 йил 6 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси 2002 йил 27 январь куни қўйидаги масаллар юзасидан референдум ўтказиши тўғрисида қарор қабул қилди: 1) кейинги чақириқда икки палатали парламентни сайлаш тўғрисида; 2) Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатларининг конституциявий муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш тўғрисида. Референдум натижасида Ўзбекистон халқи умухалқ эътиборига ҳавола этилган ҳар иккала масаланинг ижобий ҳал этилишини маъқуллаб овоз берди²³.

2002-йил 4-5-апрел кунлари бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VIII сессиясида «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принцплари тўғрисида»ги Конституциявий қонун қабул қилинди. Бу қонунда республика парламентининг номи Олий Мажлис дейилади, у икки палатали - қуи ва юқори палаталардан иборат этиб ташкил этилади, деб белгилаб қўйилди. Қуи палата - Қонунчилик палатаси, юқори палата - Сенат деб аталади, уларнинг ваколат муддати - 5 йил деб белгиланган.

VIII сессияда Олий Мажлисининг «2002-йил 27-январда ўтқазилган Ўзбекистон Республикаси Референдумининг якунлари бўйича амалга

²² Кудратхўжаев Ш.Т. Ўзбекистон профессионал парламент тизимининг сиёсий институт сифатида шаклланиши ва ривожланиши истиқболлари. Дисс... сиёсий фанлари номзоди.-Тошкент: 2005. -Б.12.

²³ Мухаммеджонов О.З. Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламент фаолиятининг ташкилий-хуқукий асосларини шакллантириш. Дисс. юридик фанлари доктори. -Тошкент: 2004. -Б.6.

ошириладиган қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Қарорини ҳам қабул қилди. Хуллас, бу хужжатлар икки палатали парламент тузиш ишларини бошлашга хуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. 2002-йил 12-13-декабр кунлари Олий Мажлиснинг X сессияси бўлиб ўтди. Унда халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати тўғрисида»ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси тўғрисида» Конституциявий қонунларни ҳамда уларни амалга киритиш тўғрисида қарорларни қабул қилди.

2005 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2 палата: Қонунчилик палатаси ва Сенатдан иборат қилиб шакллантирилди²⁴.

2005–2010йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси профессионал орган сифатида доимий фаолият олиб борди. Ҳудудий вакиллик органи сифатида республиканинг барча минтақаларининг манфаатларини ўзида қамраб олган юқори палата—Сенатни шакллантириш бўйича ишлар амалга оширилди. 2010–2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўпгина ваколатлари айнан Олий Мажлис палаталарига ўтказилди ва натижада парламентнинг сиёсийтизимдаги мавқеи янада ортиб борди. Парламент соҳасидаги ушбу саъй-ҳаракатлар орқали қабул қилинаётган қонунларнинг сифати ошиши ва парламент жамият ҳаёти кўзгусига айланганини кўриш мумкин. Парламентга «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон хуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринbosарини сайлаш» ва «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисботини кўриб чиқиши» ваколатларининг берилиши унинг сиёсий тизимдаги нуфузини янада мустахкамлади. Парламент юқори палатасига Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Ўзбекистон Республикаси

²⁴ Шамсутдинов Р., Мўминов Х. Ўзбекистон тарихи. Ўкув кўлланма. –Тошкент: Шарқ, 2013. –Б.514.

Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш, юқори давлат лавозимларига тайинланган мансабдорларни тасдиқлаш каби ваколатларнинг берилиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш даражасини янада ошириди. Қонун чиқарувчи ҳокимиятга ижро этувчи ҳокимият устидан парламент назоратини амалга ошириш ваколатларининг берилиши сиёсий тизимда ҳокимиятнинг учга бўлиниш принципини, уларнинг ўзаро бир-бирларини «тийиб» туриш ва ўзаро мувозанати нисбатларини турғун ва барқарор сақлаб туриш амалиётининг пайдо бўлишига ва унинг барқарор равишда ишлайдиган принципга айланишида муҳим роль ўйнади. Мамлакатда парламент назоратини амалга оширишга доир ҳуқукий асослар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонунларда мустаҳкамланди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги қонунлар парламент назоратининг ҳуқукий асоси сифатида бу жараённи демократик принциплар асосида амалга ошириш шартшароитларини яратди. Мазкур қонунларда парламент назоратининг муҳим шакли-парламент сўрови акс этган. Бу билан Қонунчилик палатаси, шунингдек, Қонунчилик палатаси депутатига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига, уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови юбориш ҳуқуқини берди²⁵.

Умуман олганда, мамлакатда икки палатали профессионал парламент фаолиятининг дастлабки беш йилида парламент назоратига доир ҳуқукий асослар ривожлантирилди, парламент назоратининг янги, замонавий шакл ва

²⁵ Хасанов А.А. Ўзбекистонда парламент назорати институтини демократлаштириш жараёни. Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати. –Тошкент: 2017. –Б.9.

усуллари қўллана бошланди. Мазкур давр ўзига хос тарзда ҳуқуқий давлатга мос бўлган парламент назоратига оид фаолият юритишни ўрганиш, бу соҳада ривожланган мамлакатлар ва миллий тажрибаларни уйғунлаштириш даври бўлди. Дастлаб парламент назоратининг чекланган усуллари қўлланилган бўлса, 2009 йилдан бошлаб парламент назоратининг бевосита ҳукумат фаолиятининг қонунлар ва давлат бюджетининг ижроси бўйича тўлақонли назорат қилиш салоҳияти шаклланди. Тўртинчи даврга 2011-2016 йиллар киради. 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да Конституциянинг бир нечта моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклифи илгари сурилди. Бу парламент назорати институтининг ҳуқуқий ва сиёсий аҳамиятини ошириб, 2011 йилдан бошлаб Бош вазир, унинг ўринbosарлари, вазирлар ва давлат қўмиталари раисларининг бевосита ахборотлари ва ҳисоботларини парламент назорати тариқасида эшлиши қоидалари қўлланила бошланди. Қонунчилик палатаси сессияларида барча Партиялар фракциялари вакиллари парламент сўровлари билан мурожаат этиши парламент сўрови тариқасидаги назоратнинг такомиллашуви ва демократлашувига олиб келди. Бу даврда Сенатнинг ҳам парламент назоратини амалга оширишсоҳасидаги фаолияти такомиллашди. Айниқса, 2016 йилнинг 11 апрелидан бошлаб кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг «Парламент назоратитўғрисида»ги Қонун парламент назоратини амалга ошириш учун барчазарур бўлган ҳуқуқий асосларни ўзида мужассамлаштириди, ушбу соҳадагимуносабатларни тартибга солди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарининг назорат-таҳлил фаолиятида депутатлар қонунларнинг жойлардаги ижросини ўрганиш жараёнида жалб этилган мутахассислар томонидан аниqlанган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишда амалий ёрдам кўрсатади. Улар жойларда меҳнат жамоалари ва ҳокимият органлари мажлисларида камчилик ва муаммоларни бартараф этишга доир таклифлари билан иштирок этади.

Парламент назорати текширувлари якунлари тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида қўмиталарнинг сайёр мажлисларида, ҳокимликларнинг халқ депутатлари кенгашларида қўриб чиқиши тажрибаси ва амалиётини шакллантирди²⁶.

Бешинчи давр 2016 йилдан ҳозирги кунга қадар бўлган даврни қамраб олади. 2016 йилнинг иккинчи ярми — 2020 йил давомида давлатҳокимияти органларини демократлаштириш ва модернизациялашнинг янгибосқичи бошланди. Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан «Халқ давлатидораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак»деган адолат принципини давлат бошқаруви тизимиға жорий этиш ғоясиилгари сурилди. Мазкур босқичда парламент назорати институтининг ҳам янгишакллари амалиётда қўлланила бошланди. Президент Ш.М.Мирзиёев парламент назоратини демократик тамойиллар талаблари даражасида амалга оширишдаги муаммоларни кўрсатиб берди: «Олий Мажлиснинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳамиятга эга давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлашга қаратилган ишларини ҳам етарли, деб бўлмайди. Парламент эшитувлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ҳисоботларини тизимли равишда эшитиб бориш, депутатларнинг сўровларига атрофлича жавоб қайтаришни таъминлаш борасида муаммолар мавжуд»²⁷. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясининг устувор йўналиши сифатида белгилаб берилган парламент фаолиятини янада такомиллаштириш бугунги ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги муҳим заруратга айланди. Бу борада вазифалар давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини оширишга, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш

²⁶ Ўша манба, 16-бет.

²⁷ Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислоҳотларнинг ташаббускори ва сиёсий ижрочиси бўлиши керак://<http://www.press-service.uz/uz/lists/view/781>.

ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Демократик парламентнинг асосий шартларидан бири **кўп partiya viyilik masalasi**dir. Демократик жамиятда кўп partiya viyilik тизими бўлиши керак. Кўп partiya viyilik, аввало жамиятимизда ўз манфаат ва қарашларидан қатъий назар ҳар қайси ижтимоий қатлам ва гурухнинг мақсад ва интилишларини тўлиқ акс эттириши керак.

Бугунги кунда, Ўзбекистонда бешта сиёсий партия мавжуд ва улар қўйидагилар: Ўзбекистон Халқ демократик партияси; “Адолат” социал-демократик партияси, “Миллий тикланиш” демократик партияси ва “Ўзбекистон Либерал-демократик” партияси, “Ўзбекистон экологик” партияси. Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ЎзХДП) – 1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ташкил қилинган биринчи сиёсий партия. Мазкур партияни кўп жиҳатдан собиқ коммунистик партиянинг меросхўри сифатида ҳам эътироф этадилар. ЎзХДП 1991 йил 1 ноябрда расман рўйхатга олинган. Расмий маълумотларга қараганда бугунги кунда партиянинг аъзолари сони 425 минга яқин. Жойларда партиянинг 11 мингдан ортиқ бошланғич партия ташкилотлари фаолият олиб боради. ЎзХДП марказий кенгаши раиси – Хотамжон Кетмонов. Партия уставида унинг асосий мақсади – давлат ҳокимиятининг вакиллик органларида давлат ва жамият томонидан манзилли ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий қўллаб-куvvatlashga эҳтиёжманд аҳоли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат эканлиги белгилаб қўйилган. Партиянинг матбуот органи – “Ўзбекистон овози” ва “Голос Узбекистана” газеталари.

“Адолат” социал-демократик партияси – 1995 йил 18 февралда ташкил топган. Бугунги кунда 135 минг аъзоси бор. Республика ҳудудларида 3 минга яқин бошланғич партия ташкилотларига эга. Партия сиёсий кенгашининг раиси – Наримон Умаров. Матбуот органи – “Адолат” ижтимоий-сиёсий газетаси. Партия уставида белгиланган асосий мақсади – ҳуқуқий-

демократик давлат, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган кучли адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, бирдамлиги, конституциявий хуқук ва эркинликлари таъминланган маънавий жипслашган жамиятни шакллантиришда фаол иштирок этиш дея белгиланган.

“Миллий тикланиш” демократик партияси – 2008 йил 20 июнда Миллий тикланиш ва Фидокорлар партияларининг бирлашуви асосида шаклланган. Партияning аъзолари сони 190 минга яқин. “Миллий тикланиш” партияси марказий кенгаши раиси – Сарвар Отамурадов. Партия уставига мувофиқ асосий мақсади – Ўзбекистон Республикаси фуқароларида миллий ўзликни англашнинг ўсиши, миллий ғурур, ватанга садоқат ва муҳаббат туйғусини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш учун қулай шароитлар яратиш эканлиги таъкидланади. Сиёсий партияning матбуот органи – “Миллий тикланиш” газетаси.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар харакати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛидеп) – 2003 йилнинг 15 ноябрида тузилган. Партия ўзининг асосий мақсади сифатида – тадбиркорлар, ишбилармонлар ва фермерларнинг янада кенгроқ фаолият юритишлари учун янги имкониятлар яратиш, уларнинг истиқболини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан асослаб бериш, жамиятнинг мазкур қатлами манфаатларини ҳимоялаш ва эртанги кунини таъминлаш экани қайд этилади. ЎзЛидепнинг аъзолари сони 252 минг нафарни ташкил этади. Партия сиёсий кенгаши раиси – Актам Хайтов. Матбуот органи – “XXI аср” ижтимоий-сиёсий газетаси.

2019 йил 24 январда Ўзбекистон Экологик партияси партия ташкил топди. Ўзбекистон Экологик партияси келажак авлодлар соғлом табиий муҳитда яшashi имкониятини таъминлаш йўлидаги жамиятнинг саъй-харакатларини бирлаштиради. Бу иқтисодиёт, ижтимоий соҳани барқарор ривожлантириш, шунингдек фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилишга

йўналтирилган тизимли ислоҳотларни ўтказиш учун муҳим ва ушбу партия Ўзбекистон Экологик ҳаракати тўплаган тажриба асосида ташкил этилди.²⁸.

Сиёсий партиялар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни, Ўзбекистон Республикаси “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонуни, амалдаги бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда ушбу Уставга мувофиқ равишда амалга оширади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2007 йил 11 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши катта тарихий аҳамиятга эга бўлди.

2015 йил 14 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати –Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократикпартияси фракцияларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда парламентнинг қуи палатасида “Демократик кучлар блоки”ни тузиш масаласи муҳокама этилди ҳамда тегишли қарор қабул қилинди.

Маълумки, мамлакатимизда олиб борилаётган амалий ишларимизнинг самараси ўзбек моделининг тамойилларидан бири ҳар бир ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш жараёни билан узвий боғлиқ. 2007 йил 11-апрелда “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонунда вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан

²⁸ Ўзбекистон экологик партиясини ташкил этиш ташабbusi билан чиқмоқдалар. https://www.norma.uz/bizning_sharhlar/uzbekiston_ekologik_partiyasini_tashkil_etish_tashabbusi

халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларидағи партия гурухларининг ҳар бири билан маслаҳатлашув ўтказиш ҳамда партия гурухларига ҳоким фаолиятини назорат қилиш функциясига эга бўлиш билан боғлиқ нормаларнинг ифодаланиши нафақат сиёсий партиялар ролини кучайтиришга, қолаверса, давлат бошқарувининг демократик асосларини такомиллаштириш ва тадрижий равишда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш имкониятини яратди. Эндиликда, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари партия гурухларига ушбу хуқуқларнинг берилиши партия гурухларининг вакиллик назорати функциясини янада кучайтиради, уларнинг тегишли ҳокимият номзоди юзасидан ўз фикрларини билдиришларига, улар фаолиятини таҳлилий баҳолашга хуқуқий замин яратади²⁹.

2018 йилнинг 4 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарори қабул қилинди. Унга кўра, республикада Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш ҳамда барча даражадаги сайловлар тизимиға Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш вазифалари белгилаб берилди.

2019 йил 8 январь куни мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётида муҳим воқеа содир бўлди. Шу куни мустақил Ўзбекистон тарихида биринчи марта экологик барқарорликни таъминлаш йўлида янги сиёсий куч, Ўзбекистон Экологик партияси таъсис этилди.

Эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон табиатдан оқилона фойдаланиш сиёсатини изчиллик билан олиб бормоқда. Ер ва сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошироқда.

²⁹ Курбонов М ва бошқалар. Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон! Ўкув кўлланма. – Тошкент: Маънавият”, 2017 – Б. 160

Бироқ, соҳадаги вазифаларнинг кўлами мамлакат миқёсида ва алоҳида минтақаларда экологик ҳолатни соғломлаштириш муаммоларини яхлит ҳолда ҳал этишда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб этди.

Шундан келиб чиқиб, экологик муаммоларни бартараф этишга кўмаклашиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш мақсадида мамлакатимизда илк бора Ўзбекистон Экологик партияси вужудга келди.

Шубҳасиз, Орол экологик фожиаси оқибатларининг Оролбўйи аҳолиси ва атроф муҳити учун салбий таъсирини юмшатиш, шунингдек мамлакатнинг бошқа экологик ноқулай ҳудудларида табиий муҳитни соғломлаштиришга эришиш янги партиянинг асосий дастурний мақсад ва вазифалари этиб белгиланди³⁰.

Мамлакатда Миллий мустақилликнинг илк даврида давлат томонидан амалга оширилган ислоҳотлар натижаси ўлароқ, фуқаролик жамиятининг муҳим институти бўлган сиёсий партияларнинг демократик қадриятлар асосида фаолият юритишлари учун ҳуқуқий асослар яратилди. Қисқа давр ичида мамлакатда бешта сиёсий партия ташкил этилиб, кўппартиявийлик тизими сиёсий ҳаётга кириб келди. Парламент, Президентлик сайловлари ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар асосан кўппартиявийлик асосида ўтказилиши анъанага айланди.

2. Ўзбекистонда ижро ҳокимиятининг фаолияти.

Ҳокимиятлар тақсимланиши тамойилига кўра, ҳукумат давлат ҳокимиятининг маҳсус ваколат доирасига эга бўлган ижро этувчи органлар тизими шаклида намоён бўладиган мустақил тармоғи ҳисобланади. Ҳукумат қонун нормаларини ижро этиш юзасидан тегишли тартибда ҳуқуқий

³⁰ Интернет материали. Ўзбекистонда экологик партия ташкил этилди. <https://ekolog.uz/?p=398>

хужжатлар яратади. Ҳукуматнинг мазкур йўналишдаги фаолияти қонун устуворлиги тамойилини давлат ва жамият ҳаётида амалга ошириш ва таъминлашга қаратилгандир.

Вазирлар Маҳкамаси— ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. ЎзР Конституцияси 98-моддасига кўра Вазирлар Маҳкамаси Бош вазир, унинг уринбосари, вазирлар, давлат қумиталарининг раисларидан иборат. Қорақолпогистон Республикаси хукумати бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради. Вазирлар Маҳкамаси таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шакллантирилади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири (ҳозирги пайтда Ш.Мирзиёев) номзоди президент тақдимиға кўра Олий Мажлис палаталари томонидан кўриб чиқилиб тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамаси аъзолари Бош вазир тақдимиға кўра Президент томонидан тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, республика қонунлари Олий Мажлис қарорлари, Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлари ижросини таъминлайди. Демак, Вазирлар Маҳкамаси ижроия ҳокимият бўлиб, у давлат ҳокимияти бўлиниш принципига кўра иккинчи ҳокимият, яъни ҳукуматdir³¹.

1990-йил 24-мартда Ўзбекистонда президентлик лавозими таъсис этилгандан кейин ижро этувчи ҳокимият мақоми ҳам ўзгарди. 1990-йил 15-ноябрда Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг таркибини тасдиқлаш тўғрисида» Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Президенти ҳузурида Вазирлар Маҳкамаси тузилди, Президент унинг Раиси бўлди. 1992-йил 4-январда вице-президент лавозими тугатилди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Бош вазири лавозими таъсис этилди. Бош вазир зиммасига Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик қилиш, унинг ишини ташкил этиш вазифаси юкланди.

³¹ Хашимханов А.М. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти: назария ва амалиёт масалалари. Дисс...юридик фанлари номзоди. –Тошкент:2008, -Б.123.

Иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси иккинчи йигилишида (2000 й. феврал) мамлакатимиз Президенти томонидан Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби тасдикланди.

1991 йил 6 сентябрида республика мустақиллиги ҳамда худудий яхлитлигини ҳимоя қилиш мақсадида мудофаа ишлари вазирлиги тузилди. Шу мақсадларни кўзлаб унинг таркибида 1992 йил январ ойида Ўзбекистон Республикаси миллий гвардия бригадаси барпо этиш лозим, деб топилди. 1992 йил июлида у Мудофаа Вазирлигига буйсундирилди.

Мустақил Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш билан шуғулланувчи давлат идоралари тизимида тубдан ўзгаришлар амалга оширилди. Мамлакатда 1990 йил декабрида Давлат режа қўмитаси иқтисод комиссиясига айлантирилди. 1992 йил 5 августида эса ушбу қўмита ва статистика давлат қўмитаси негизида Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси ҳамда жойларда унинг тегишли идоралари барпо этилди. 1997 йилдан ушбу қўмита Макроиктисодиёт Вазирлигига айлантирилди.

Халқ хўжалигини бошқаришнинг янги усули сифатида концернлар вужудга келтирилди. Бу аввало, иқтисодий мустақиллик ва бозор иқтисодига ўтиш зарурияти билан боғлиқ бўлди. «Ўз дон маҳсулот», «Ўзбекнефтгаз» ва бошқа қўплаб концернлар шулар жумласидандир. 1991 йил 7 сентябрида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ташкил қилинди.

Юқорида келтирилган маълумотлардан шундай хулоса келиб чиқадики, собиқ иттифоқ манфаатларини биринчи галда қондирувчи идоралар тугатилиб, янги шаклдаги қўмиталар, концернлар ва вазирликлар ташкил этилди. Бу билан янгича иқтисодий муносабатлар шароитида ўз миллий тараккиётига мос, ватан мустақиллигини мустахкамловчи бошкарув тизими вужудга келтирилди.

Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2005-йил 14-февралдаги 62-сон қарори билан

тасдиқланган Регламентида янада ривожлантирилган ва мазмунан бойитилган. Унга кўра Вазирлар Маҳкамасининг иши чораклик рсжаларга мувофиқ олиб борилади. Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари йилнинг барча чорагида камидаги 1 марта ўтказилади. Вазирлар Маҳкамасининг доимий органи сифатида Баш вазир ва унинг ўринbosарларидан иборат таркибдаги Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати фаолият кўрсатади.

2003-йил 11-декабрдан 2016 йилгача Ўзбекистон Республикаси Баш вазири лавозимини - Мирзиёев Шавкат Миромонович эгаллаб келган.

Мустақиллик йилларида ҳукумат таркиби 3 марта янгидан тасдиқланди. 1993 йил 6 майдаги Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги ва унинг 29 августдаги (1993) янги таҳрирдаги қонунларга кўра биринчи марта Вазирлар Маҳкамасининг янги состави 1995 йил 23 февралда 2) иккинчи марта эса 2000 йил 11 февралда янгидан тасдиқланди. 2005 йил 4 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркиби тасдиқланди.

Сўнгги йилларда Вазирликлар таркиби янада ислоҳ килиниб такомиллаштирилмоқда. Уларнинг аксариятининг таркибига ўзгариш киритилиб, янги вазирликлар ташкил қилинди. Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда жами 22 та вазирлик мавжуд. Эътиборли томони, охирги 2 йил ичида вазирликлар сони бтага кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15 февраль 2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорига биноан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги иккита мустақил идорага қайта ташкил этилди: Маданият вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ташкил топди. 2017 йил 13 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига кўра, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (ТИАИСВ) Ташқи савдо вазирлиги этиб қайта ташкил қилинади.

Янги идора ТИАИСВнинг ташқи савдо муносабатлари қисмida унинг мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, ҳалқаро мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Ташкил этилган вазирлик ваколатли давлат органи бўлиб, ташқи савдо соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш учун масъул ҳисобланади. У ташқи савдо фаолиятини тартибга солиш соҳасида давлат бошқаруви органлари ишини мувофиқлаштиради. Фармон билан Ташқи савдо вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари тасдиқланди, шунингдек ТИАИСВни қайта ташкил этиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва амалга ошириш бўйича комиссия тузилди. Бундан ташқари:

2017 йил 18 апрел Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ташкил этилди;

2017 йил 24 май Мехнат вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги этиб қайта ташкил қилинди (ушбу вазирликнинг номи 2016 йил 22 февралда ҳам ўзгарганди)

2017 йил 30 сентябр Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди;

2017 йил 29 ноябр Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди;

2018 йил 5 март Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси негизида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ташкил этилди;

2018 йил 2 апрел Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси негизида Қурилиш вазирлиги ташкил этилди;

2018 йил 17 апрел Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги иккига бўлиниб, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилди.

2020 йил 18 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. 2020 йилгача маҳалла ўз-ўзини бошқариш органи эди. 2020 йилдан бошлаб давлат органига айлантирилди.

Юртимизда сўнгги йилларда Вазирликлар тизими янада оптималлаштирилиб, янги вазирликлар ташкил қилинаётганлиги энг аввало ижро механизмининг янада самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.

3. Суд ҳокимияти ислоҳотлари. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

Давлат ҳокимияти тизимига киравчи ҳокимиятлардан бири суд ҳокимиятидир. Суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритилади. Суд – бу давлат томонидан ўрнатилган қонунларнинг бузилишига қарши юридик санкциялар қўллаш ёрдамида жазо тайинлайдиган давлат органидир. Агар қонун чиқарувчи ҳокимият парламент томонидан, ижро этувчи ҳокимият ҳукумат томонидан амалга оширилса, суд ваколатлари бир ёки икки суд томонидан амалга оширилмай, балки бутун суд ҳокимияти тизимини ташкил этувчи судлар томонидан амалга оширилади. Судларнинг ўзаро можароларни кўриб чиқиши, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга қонун нормаларига мувофиқ ҳолда жазо тайинлаш фаолияти одил судлов деб аталади. Суд тизими 5 йил муддатга сайланади. Судларни ташкил этиш, фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгилаб қўйилган.

Мазкур судларнинг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги Конунида баён этилган. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентининг 2005 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги ҳамда 2005 йил 8 августдаги “Қамоққа олишда сакция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2016 йилнинг 21 октябрида эълон қилинган ПФ-4850-сонли “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони

судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунишига доир конституциявий нормани амалда тўла-тўқис рўёбга чиқишига замин яратди. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармон ҳамда ушбу Фармон билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”да судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштиришга оид қатор чора-тадбирлар назарда тутилди³².

Ўтган давр мобайнида суд-хукуқ тизимини ислоҳ қилиш ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар изчиллигини қўйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

Биринчи босқич, 1991-2000 йилларни ўз ичига олиб, бу даврда, янги давлат ва жамият барпо этишнинг оқилона стратегияси ишлаб чиқилди. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашнинг хукуқий асослари яратилиб, мамлакатимиз тарихида илк бор Конституциявий суд қарор топиб, янги мазмундаги умумий юрисдикция судлари, хўжалик судлари жорийэтилди. “Судлар тўғрисида”ги Қонун, Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, одил судловга оид бошқа қонунчилик базаси вужудга келди. Фуқароларнинг суд ҳимоясига бўлган конституциявий хукуқлари кафолатланди. 2000 йил 14 декабрда “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши процессуал қонунчиликка судларда иш юритишда тортишувчилик принципини таъминлаш ва амалга ошириш, жиноят ва фуқаролик тартибидаги ишларни кўришнинг барча босқичларида прокурор ҳамда адвокатнинг тенглигини таъминлаш, одил судловни сифатли ва тезкор амалга ошириш, суд қарорлари адолатлилигини таъминлаш, юқори турувчи судларни якуний қарор қабул қилишда масъулиятини кучайтиришга

³² Интернет материали. Мамасидиқов М.М. Суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий асослари http://constitution.uz/uz/pages/Sud_hokimiyyati_mustaqilligi

қаратилган қатор ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилишини белгилаб берди. Шу мақсадда ишларни апелляция босқичида кўриш тартиби жорий этилиб, кассация инстанцияси ислоҳ қилинди. Натижада фуқаролик ва жиноят судларида биринчи инстанция ва тергов органи томонидан йўл қўйилган хато камчиликларни тез ҳамда самарали равишда бартараф этиш имконияти юзага келди.

Иккинчи босқич, 2001-2009 йилларни ўз ичига олиб, ушбу босқич фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври бўлиб, бунда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, сиёсий ҳаёт, қонунчилик, суд-хуқуқ тизими ва ижтимоий соҳаларни изчил ислоҳ қилиш таъминланди. Жиноий жазоларни либераллаштиришнинг янги босқичи 2001 йил 29 августда “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуннинг қабул қилиниши билан бошланди.

Бу давр жиноий жазолар тизимидағи ўлим жазосини бекор қилиниши билан ҳам аҳамиятлидир. Фавқулодда жазо чораси ҳисобланган ўлим жазоси 2008 йил 1 январдан эътиборан жиноий жазолар тизимидан чиқарилиб, ўрнига оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдириш ва оғирлаштирувчи ҳолатларда терроризм жиноятини содир этганлик учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди.

Мазкур босқичнинг ўзига хос хусусияти яна шундан иборатки, бундасуд ҳокимияти босқичма-босқич мустаҳкамланди, судларнинг мустақиллиги таъминланди, бу эса ўз навбатида суд тизимини ижро этувчи ҳокимияторганлари назорати ва таъсиридан чиқариш имконини берди. Жумладан, судлар фаолиятини ташкилий жихатдан таъминлаш, суд тизими учун кадрлар масалалари билан шуғулланиш вазифаси маҳсус орган – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юклатилди.

Ўз навбатида, “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши натижасида суд хужжатлари мажбурий ижро этилаётганда юзага келадиган мулкий ёки номулкий муносабатларни тартибга солиб, судлар суд қарорларини ижро этиш каби ўзларига хос бўлмаган вазифалардан озод қилинди.

Биринчи Президент Ислом Каримов 2005 йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида ҳокимиятнинг ана шу тармоғини, суд тизимини тубдан ислоҳ қилиш йўлларини кўрсатиб ўтди. Суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш учун прокуратура органларининг суд жараёнларига аралашувини чеклаш, шахсни ушлаб туриш, хибсга олиш хуқуқларини суд зиммасига ўтказишни белгилаб беради. Суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, мустақил фаолият юритишини таъминлаш таъкидлаб ўтилди³³.

Ушбу босқичда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида сиёсий, иқтисодий, давлат-хуқуқий муносабатларнинг бутун тизими модернизация қилиниб, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этишнинг хуқуқий асослари яратилди.

Суд-хуқуқ соҳасини эркинлаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Фуқароларни шавқатсиз жазолаш билан эмас, балки инсонпарварлик руҳида тарбиялаш асосида хуқуқий давлат йўлидан бориш зарурлигини кўрсатди. 2006 йил 30 ноябрда Олий Мажлис Сенатининг қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йўллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорига асосан 2007 йилда 44 мингдан зиёд шахслар озодликка чиқарилди. Жумладан, содир қилган жиноий ҳарақатлар учун жазога тортилиши лозим бўлган 2 минг 377 аёл ва 689 вояга етмаганлар жазодан озод қилинди.³⁴

³³ Умарова Ш.О. Ўзбекистон Республикасида демократик хуқуқий давлат қурилишида суд ҳокимиятнинг ўрни. Дисс...юридик фанлари номзоди. –Тошкент: 2005, -Б.123.

³⁴ Кориев А. Адолат мезони. “Халқ сўзи”, 2007 йил 1 июнь. №3-сон

Шунингдек, прокуратура органларининг суд жараёнига аралашувини чеклаш, прокуратура ваколатларининг бир қисмини судларга ўтказиш мақсадида 2005 йил 8 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниб, мазкур тартиб 2008 йил 1 январдан эътиборан амалга оширилиши белгиланди. Натижада жиноий жазога санкция бериш прокуратура органларидан суд тизимига ўтказилмоқда, адвокат, оқловчиларнинг мавқеи, ролини оширишга хизмат қиласди.

Учинчи босқич, 2010 йилдан 2016 йилга қадар бўлган даврни ўзи ичига олиб, мазкур босқичдаги суд-хуқуқ ислоҳотлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 12 декабрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида сўзлаган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” билан боғлиқ бўлиб, унда кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий давлат барпо этишда суд-хуқуқ тизимини изчил ислоҳ қилишнинг энг муҳим жиҳатлари акс этди. Натижада, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2012 йил 18 сентябрдаги “Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби жорий этилди. Амалдаги қонунчиликда прокурорнинг суд мажлисида айблов хулосасини ўқиб эшиттириш бўйича мажбурияти аниқ белгиланмаганлиги суднинг мақсад ва вазифаларига зид равищда айблов хулосасини судьялартомонидан ўқиб эшиттирилишига сабаб бўлган. Юқоридаги Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасига ўзгартиш киритилиб, биринчи инстанция судида иш бўйичаайблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбурияти прокурор зиммасига юклатилди.

Шунингдек, жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги ислоҳотлар ҳам давом эттирилиб, 2015 йил 11 августда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши натижасида жиноий жазолар тизимиға озодликдан маҳрум қилиш жазосига муқобил бўлган янги жазо тури – озодликни чеклаш жазоси киритилди. Юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг мақсади тадбиркорлик субъектлариға эркинликлар яратиш, уларни жадал ривожлантиришга қаратилган бўлиб, 2015 йил 20 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлариға хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунга кўра, Жиноят кодекси 189-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари декриминализация қилиниб, жиноий қилмишлар доирасидан чиқарилди, шунингдек, 184-моддаси: “Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар усолик текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича давлатсолиқ хизмати органининг қарорини олган кундан эътиборан ўттиз кун ичидасоликлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шу жумладан, пенялар ва бошқамолиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган заарнинг ўрнини тўлиққопласа, жавобгарлиқдан озод қилинади”, деган бешинчи қисм билан тўлдирилди.

Суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг тўртинчи босқичи 2016 йил сентябрь ойидан кейинги давр бўлиб, ушбу босқичда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, 2017 йил 20 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан

такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармоннинг қабул қилиниши билан сифат жиҳатдан янги давр бошланди.

Қабул қилинган ушбу норматив ҳужжатларда:

- судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида судьялик лавозимига биринчи маротаба беш йил муддатга ва кейин ўн йил муддатга, шундан сўнг муддатсиз даврга тайинлаш;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тугатилиб, унинг ўрнига Судьялар ҳамжамиятининг органи ҳисобланадиган ва Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди суд ҳокимиятининг фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий судлов соҳасида ягона олий органи сифатида давр талаблари асосида янгидан шакллантирилгани, одил судловнинг мазмун-моҳиятига мутлақо тўғри келмайдиган ҳолат – судлар томонидан жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш амалиётига чек қўйилганди. Бугунги кунда халқимиз кутаётган адолатли қарорлар қабул қилишга ҳар томонлама қодир, иродаси мустаҳкам, юксак касб ва маънавий фазилатларга эга бўлган суд ходимлари таркибини шакллантириш энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

- 2017 йил 1 июндан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судини бирлаштириш, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий судини ташкил этиш, оммавий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек, маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

маъмурий судларини, туман (шахар) маъмурий судлариниташикли этиш белгиланди.

Мазкур Фармон ва Ҳаракатлар стратегиясида қайд этилган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2017 йил 29 апрелда “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганини муносабати билан Ўзбекистон Республикаси айrim қонун ҳужжатлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, 2017 йил 6 апрелда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунлар қабул қилинди. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, одил судловга эришиш даражасини ошириш каби вазифалар бу борадаги ишларнинг асосини ташкил этади.

2017 йилнинг 1 апрелидан жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик процессуал ва бошқа қонун ҳужжатлариға инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлаш, суд муҳокамасини адолатли ва ўз вақтида ўтказиш, жазонинг адолатли ва инсонийлиги кафолатларини кучайтиришни инобатга олган ҳолда одил судлов самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор ўзгартишлар киритилмоқда. Жумладан, қамоқ тарзидаги жиноий жазо тури тугатилиб, унинг ўрнига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазонинг муқобил турларини қўллаш имконияти кенгайтирилмоқда. Яъни, жиноий жазолар тизимидан нисбатан қаттиқ таъсир чораларидан бири чиқарилаётганлиги жиноий жазоларни либераллаштиришга, ҳуқуқбузарларга нисбатан тарбиявий-тузатиш таъсир чораларининг илфор шакл ва услубларини кенг қўллаш бўйича олиб борилаётган сиёsatнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, жиноят ишларини терговқилишнинг

тезкорлигини ошириш мақсадида жиноят содир этишда гумонқилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга, қамоққаолиш ва үй қамоги тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек, жиноят ишлари бўйича дастлабки терговнинг энг кўп муддатлари 1 йилдан 7 ойга қисқартирилмоқда.

Шунингдек, “Хабеас корпус” институти қўлланиш доирасини янада кенгайтириш ҳам кўзда тутилмоқда. Фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибида қайта кўрибчикиш имкониятини берувчи муддатнинг 3 йилдан 1 йилга қисқартирилиши фуқаролик хуқуқий муносабатларнинг барқарорлиги, фуқаролик процесси иштирокчиларининг хуқуқ ва қонуний манфаатлариҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қиласди. Ярашув институтини жиноят процессида қўллаш доирасини кенгайтириш, ижтимоий хавфи катта бўлмаган айрим турдаги жиноят таркибларини жиноят тоифасидан чиқариш, жабрланувчининг аризаси асосида жиноят иши қўзғатилиши мумкин бўлган жиноят таркиблари рўйхатини кенгайтириш назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, қонунийликни таъминлаш ва мамлакатимизда ислоҳотларни самарали рўёбга чиқаришда юридик хизматлар ролини ошириш мақсадида давлат органларининг юридик хизматлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир аниқ чоратадбирлар назарда тутилмоқда. Дарҳақиқат, юртимизда амалга оширилаётган суд-хуқуқ ислоҳотларининг туб моҳияти суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги, фуқаролар хуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек одил судловга эришиш даражасини оширишга хизмат қиласди³⁵.

Маъмурий судларни, хўжалик судлари тизимида минтақавий апелляция судларини тузиш, судья ёрдамчиси лавозимини таъсис этиш орқали судларни келгусида ихтисослаштириш ва уларнинг девонини мустаҳкамлаш назарда тутилмоқда.

³⁵ Курбонов М ва бошқалар. Фидойинг бўлгаймиз сенинг Ўзбекистон. Ўқув қўлланма, Тошкент: Маънавият, 2017.-Б.25.

Сансалорликка ва ишларнинг кўриб чиқилиши судлар томонидан асоссиз чўзиб юборилишига йўл қўймаслик мақсадида процессуал қонун хужжатларини такомиллаштириш, қўйи инстанция судларининг камчиликларини мустақил бартараф этиш ва узил-кесил қарор қабул қилиш юзасидан юқори суд инстанцияларининг ваколатларини кенгайтириш режалаштирилмоқда.

Ушбу йўналиш доирасида барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг халқ билан бевосита мулоқотини йўлга қўйиш чора-тадбирларини рўёбга чиқариш, аҳоли уларга эркин мурожаат эта олишини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаатларнинг, хабарларнинг ўз вақтида олинишини таъминлаш назарда тутилмоқда³⁶.

Ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш тизимиға, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича ички ишлар органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек ушбу йўналиш 2018-2021 йилларда жиноят ва жиноят-процессуал қонун хужжатларини янада такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқиши, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари ходимларини ўқитиш, танлаш ва жой-жойига қўйиш тизимини такомиллаштиришни, мурожаатларни мунтазам таҳлил қилишни ҳамда вақти-вақти билан унинг натижаларини эълон қилиб боришни, адвокатурани ривожлантиришни, нотариат тизимини ва ФХДЁ органларини ислоҳ қилишни ҳам ўз ичига олади.

2017 йил 13 июнь куни Тошкент шаҳрида суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

³⁶ Мамасиддиқов М.М. Суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий асослари. http://constitution.uz/uz/pages/Sud_hokimiyati_mustaqilligi.

нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари адолат халқимиз учун азал-азалдан тинч ва фаровон ҳаёт мезони, барча эзгуликлар манбаи бўлиб келгани, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз "Куч – адолатда" деган ҳикматга амал қилиб, давлат бошқарувини ташкил қилиш, эл-юртнинг тинчлиги ва ободлигини таъминлашга эришганини қайд этиб, бугунги қунда мамлакатимизда хуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишда қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш энг муҳим вазифа бўлиб қолаётганини таъкидлади. Бу борада давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи бўлган суд тизимининг ўрни ва аҳамияти ғоят катта. Бу ҳақиқатни биз бугунги қунда, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида тобора чукур ҳис этмоқдамиз, деди Президентимиз³⁷.

Жамоат тартибини сақлаш, авваламбор, вояга етмаган ва ёшлар ўртасидаги хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш, хуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларнинг бузғунчи таҳдидларни барвақт аниқлаш бўйича яқдил ҳаракатларни, уларни ҳамкорликда ва сифатли бартараф этилишини таъминлаш мақсадида 2018 йил 14 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга кўра тараққий этаётган пойтахт хавфсизлигининг гарови сифатида ҳаракатлар яқдиллиги асосида барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишнинг амалий механизмини жорий этиш, «Жаҳолатга қарши маърифат» эзгу ғояси асосида ҳар бир маҳалла кесимида диний-экстремистик хусусиятга эга бўлган хуқуқбузарликларни содир этиш сабаб ва шарт-шароитларини барвақт

³⁷ Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017.-Б.56.

аниқлаш ва бартараф этишга, биринчи навбатда, экстремистик оқим мағкураси таъсири остига тушиб қолган шахсларни тузатишга алоҳида эътибор қаратиш, прокуратура органлари томонидан кундалик асосда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, шу жумладан, иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, аниқланган қонунбузарликлар, сунъий тўсиқ ва говларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўриш, жиноятларга чоралар кўриш ва уларни фош этишда, биринчи навбатда, тезкорлик ва мувофиқлашган ҳамкорликни таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларини «Хавфсиз шаҳар» аппарат-дастурий комплекси имкониятларидан кенг фойдаланишга йўналтириш.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, жамиятда суд органларининг нуфузини ошириш, судьяларнинг чинакам мустақиллигини ва факат қонунларга асосланиб иш юритишини таъминлаш мамлакатимиз Конституцияси ва шу асосда қабул қилинаётган қонунлар муҳим аҳамият касб этади. Зоро, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришдаги муҳим шартлардан биридир.

Таянч тушунчалар: Парламент, қонунчилик палатаси, Сенат, Вазирлар Маҳкамаси, хабеас корпуси, суд ҳокимияти, айбиззлик презумпцияси.

Текширув саволлари:

1. Ўзбекистон парламентаризми тарихи нечи босқичдан иборат?
2. Олий Мажлиснинг икки палатали тизимга ўтишининг асосий сабаби нималардан иборат?
3. Бугунги кунда нечта вазирлик фаолият юритмоқда?
4. Мустақиллик йилларида ҳукумат таркиби нечи марта янгидан тасдиқланди?
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15 февраль 2017 йилдаги Қарорига биноан қайси вазирлик таркибига ўзгариш киритилди?

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йилнинг 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига кўра суд тизимида қандай ўзгаришлар амалга оширилди?

2-БЎЛИМ: МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ, МАҲНАВИЙ-МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТ. ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ.

3-мавзу. Мустақиллик йилларида Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт.

1. Тараққиётнинг “Ўзбек модели”. Иқтисодий ислоҳотлар.
2. Хусусийлаштириш. Кўп укладли иқтисодиёт. Тадбиркорликнинг ривожланиши.
3. Иқтисодиётда юз берган таркибий ўзгаришлар, бозор инфратузилмасининг шаклланиши.
4. Агарар ислоҳотлар.

1. Тараққиётнинг “Ўзбек модели”. Иқтисодий ислоҳотлар.

Тарихдан маълумки, ўз мамлакати миллий манфаатларини ҳисобга олмай, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлаш мумкин эмас. Турли хорижий мамлакатлар тараққиёт моделига қўр-кўронга таяниб, иш тутган МДҲ доирасидаги айрим мамлакатларда ислоҳотларда депсиниш ҳоллари, ташқи қарзга ботиш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида очилиб, ўзининг заиф томонларини кўрсатди. Дунёда XX асрнинг бошларида мамлакатлар иқтисодий ривожланишининг Америка ва Европа моделлари, Иккинчи жаҳон урушидан кейин эса ўзига хос Германия ва Япония моделлари шаклланди. Кейинчалик ўзини тўлиқ оқлаган Жанубий Корея, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида тараққиёт моделлари юзага келди. Шунингдек, мустақилликка эришган Осиё ва Африка мамлакатларида кўпроқ бошқа моделлардан андоза олинган йўллар танланди. Лекин ушбу давлатлар тажрибаси бирон бир давлатнинг ривожланиш йўлини тўғридан-тўғри қабул қилиб бўлмаслигини амалда исботлади. Юқорида кўриб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг турли моделлари барча

мамлакатларни битта манзилга – эркин бозор иқтисодиёти тизимиға олиб келади. Аммо, бозор муносабатлари шаклланишининг ижтимоий-иктисодий, тарихий, миллий ва халқаро шароити ҳар хил бўлганлиги туфайли, унга ўтишнинг миллий хусусиятлари ҳам мавжуд бўлади. Шу нуқтаи назардан бирор мамлакатнинг тараққиёт йўлини ёки тараққиёт моделини борлигича қабул қилиб бўлмайди. Францияда чоп этиладиган «Либерасьон» газетаси мухбириининг «Туркия модели» хусусида берган саволига Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов қуйидагича жавоб берган эди: «Туркия бозор муносабатлари йўлига ўтиб эришган туб ўзгаришлари билан ҳам хурматга лойиқдир. Бироқ, мустақил Ўзбекистон Туркия йўлидан кўр-кўронга нусха кўчирмоқчи эмас. Одамзод бирорнинг бўйига қараб ўзига тўн бичмайди». Жорий йилнинг 8 сентябрида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирмонович Мирзиёев Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқида хақли равишда таъкидлаганидек: «Замонавий Ўзбекистоннинг тарихи - бу мамлакатимизнинг ҳақиқий мустақилликка эришиш йўлида Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳнамолигида олиб борилган ўта мураккаб ва оғир курашлар тарихидир»³⁸. Чорак аср мобайнида умрбоқий моделга айланиб улгурган, жамиятимизни ислоҳ этиш, демократлаштириш ва либераллаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш бўйича пухта ўйланган, дунёда «ўзбек модели» номи билан тан олинган тараққиёт стратегиясини амалга ошириш орқали Ўзбекистон замонавий жадал ва барқарор ривожланиб бораётган давлатга айланди³⁹.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли назарий ва амалий жиҳатдан белгилаб олинди. Амалий ислоҳотлар жараёнида, хусусан

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирмонович Мирзиёев Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи. // Халқ сўзи. – 2016 йил 9 сентябрь

³⁹ Қобилов Ш.Р. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2016 йил 1 www.iqtisodiyot.uz.

XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги фаолиятимизни жадаллаштириш мақсадида бу тамойиллар Олий Мажлиснинг XIV сессиясида (1999-йил 14- апрел) қуидаги олтита устувор йўналиш билан тўлдирилди:

1. Мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш.
2. Жамият маънавиятини янада юксалтириш.
3. Кадрлар масаласи
4. Халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, аҳолини янада қучли ижтимоий ҳимоя қилиш.
5. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш.
6. Жамиятдаги барқарорлик тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни сарҳадларимиз дахлсизлигини, малакатимиз яхлитлигини таъминлаш⁴⁰.

Янги иқтисодий муносабатларга ўтиш тамойиллари асосида ғоят масъулиятли ва мураккаб вазифа-иқтисодий ислоҳотлар стратегияси ишлаб чиқилди. Иқтисодий стратегиянинг бошланғич нуқтаси ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг пировард мақсадини белгилаб олишдан иборатdir. Бу вазифа марказлаштирилган, маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор муносабатларига, бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтишдан иборатdir.

Бозор ислоҳотларини амалга ошириш дастурига кўра устувор вазифалар босқичма-босқич ҳал қилинади.

Биринчи босқичда тоталитар тузумдан ҳозирги замон бозор муносабатларига ўтиш давридаги бир-бирига боғлиқ икки вазифани бир вақтда ҳал қилишга тўғри келди: маъмурий буйруқбозлик тизимининг оғир оқибатларини тутатиб, иқтисодни барқарорлаштириш ва бозор

⁴⁰Шамсутдинов Р., Мўминов Ҳ. Ўзбекистон тарихи. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Шарқ, 2013, -Б.551.

муносабатларининг негизини шакллантириш. Бу босқич жараёнида иқтисодий ислоҳотнинг асосий йўналишлари Ўзбекистоннинг Биринчи Пезиденти томонидан белгилаб берилди:

-ўтиш жараёнининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, ислоҳотларнинг қонуний-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

-кишлөк хўжалигида мулкчиликнинг янги шаклларини вужудга келтириш;

-ишлаб чиқаришнинг пасайиб боришига барҳам бериш⁴¹.

Дастлабки вақтнинг ўзида иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий негизини барпо этадиган 100 га яқин асосий қонун хужжатлари қабул қилинган бўлиб, уларни мазмун-моҳияти жиҳатидан қўйидаги йўналишларга бўлиш мукин:

1. Мулкчилик муносабатлари ва кўп укладли иқтисодиётни шакллантирувчи қонунлар. Бу йўналиш доирасида мулчилик тўғрисида, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида, ер тўғрисида, ижара тўғрисида, давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

2. Хўжалик юритиши тартибга солувчи қонунлар, яъни хусусийлаштириш, мулкчилик, тадбиркорлик, корхоналар, фермер хўжалиги, дехқон хўжалиги, ширкат хўжалиги тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Бозор инфратузилмасини яратувчи ва унинг фаолиятини тартибга солиб турувчи банклар ва банк фаолияти, пул тизими, тадбиркорлик, суғурта, биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида, қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида ва бошқа қонунлар қабул қилинди. Корхона билан давлат ўртасидаги, корхоналар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи, солиқ кодекси, божхона кодекси, монополистик фаолиятни чеклаш, корхоналарнинг банкрот бўлиши ҳақидаги қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятини белгилаб берувчи

⁴¹ Муртазаева Р.Х. ва бошкалар. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. –Б.450.

хуқуқий нормалар яратилди. Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида қабул қилинган қонунлар, халқаро пакт ва битимлар, уларнинг Ўзбекистон томонидан белгиланиши мамлакатимиз ташқи алоқаларининг ривожланиши тарихида янги саҳифа очди.

Ўзбек моделининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши юртимизнинг иқтисодий ва ижтимоий қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Бугун Ўзбекистон иқтисодиёти изчил, барқарор ва жадал ўсаётган жаҳондаги жуда кам сонли мамлакатлар сафидан мустаҳкам ўрин олди. Ижтимоий, маданий соҳаларда эришилаётган улкан ютуқлар нуфузли халқаро ташкилот ва эксперtlар томонидан кенг эътироф этилиб, юксак баҳоланмоқда.

Берлиндаги Халқаро иқтисодиёт академияси директори, профессор Ханс Йоахим Кнаупе бу хусусда шундай фикр билдиради: «Ўзбекистоннинг ғоят мукаммал, тўғри ва аниқ ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури бўхрон шароитида иқтисодий ислоҳотларни қамраб олиш баробарида, келгусида — инқироздан кейинги даврда ҳам тараққиёт сари элтувчи муҳим устувор йўналишларни, чора-тадбирларни акс эттирган. Унда белгиланган вазифалар кўпгина мамлакатлар учун истиқболли дастур сифатида хизмат қилиши шубҳасиз».

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда ЯИМ ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврида ҳам 8 фоиздан юқори бўлгани жаҳон ахлида, жумладан, халқаро эксперtlар, машҳур иқтисодчиларда ҳам катта ҳайрат ва ҳавас уйғотмоқда. Жумладан, Халқаро валюта жамғармасининг мамлакатимизга келган миссиялари баёнотида Ўзбекистон изчил ўсишга эришгани ва глобал молиявий инқирозга қарши муваффақиятли чоралар кўраётгани қайд этилди, шунингдек, ўрта муддатли истиқболда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари сақланиб қолиши ҳақида ижобий прогноз билдирилди.

Бу давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий

дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган мажлисидағи маъruzасида ҳам алоҳида таъкидланди. Жаҳонда умумэътироф этилган ривожланишнинг «ўзбек модели» жаҳон иқтисодиётида юз бераётган инқирозли ҳолатларга қарамай, 2012 йилда мамлакатимиз иқтисодиётини ўстиришнинг юқори суръатлари барқарорлиги ва макроиқтисодий мувозанатни тўла таъминлади. Хусусан, ўтган йилда мамлакатимиз ЯИМнинг ўсиши 8,2 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 7,7 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ўсиши 7,0 фоизни ташкил этди. Давлат бюджети ЯИМга нисбатан 0,4 фоиз микдорида профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси белгиланган прогноз кўрсаткичидан ошмади.

Тараққиётнинг ўзбек модели юксак замонавий техника ва технологиянинг мавжудлиги, ишлаб чиқаришнинг индустрисал тавсифи, ривожланишда ахборот технологияларининг ўрни ва аҳамиятининг юқорилиги, хизмат кўрсатиш соҳасининг муттасил ўсиб бориши, иқтисодий ўсишнинг интенсив йўли устуворлиги, иқтисодиётнинг очиқлиги, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, рақобат мухитини яратиш, эркин тадбиркорликка кенг йўл очиш орқали бозор муносабатларини чуқурлаштириш, иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилганлиги, халқ фаровонлигининг изчил юксалиши, миллий иқтисодиётнинг глобал иқтисодиёт билан интеграциялашувининг кучайиши тенденциялари билан тавсифланмоқда⁴².

Тараққиётнинг ўзбек модели қотиб қолган статик тушунча эмас, албатта. Унинг характеристи ва шакл-шамойилини белгилайдиган асосий тамойиллар сақланиб қолган ҳолда доимо янги вазифа ва қоидалар билан боийтилиб, такомиллаштирилиб борилмоқда. Зеро, ҳаёт барча тартиб-

⁴²Тухлиев Н. Ўзбек модели — тараққиёт кафолати. “Халқ сўзи”. 2013 йил 12 апрель. –Б.2.

қоидаларга ўз тузатишларини киритиб бораверади. Жамият ҳаётининг барча жабҳаларини модернизациялаш, ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишини диверсификациялаш, инновацион технологияни изчил ривожлантириш, саноат маҳсулотлари етказиб беришни янада кенгроқ маҳаллийлаштириш — «ўзбекча тараққиёт»нинг мантиқий давомидир.

Юқорида қайд этилган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидағи давлатимиз раҳбари маърузасида Ўзбекистонни жорий йилда ривожлантиришнинг 6 та энг муҳим устувор йўналиши орасида иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш марказий ўринга кўйилди. Шу мақсадда 370 дан ортиқ стратегик лойиҳани кўзда тутадиган инвестиция дастури ишлаб чиқилган. Барча инвестицияларнинг тўртдан уч қисми ички манбалар ҳисобидан молиялаштирилиб, улар янги қувватларни яратиш, реконструкция ва модернизация қилишга йўналтирилмоқда. Буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда миллий иқтисодиётимиз ривожланишини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, ўзбек моделининг ҳаётбахш кучини бутун дунёга яна бир бор намойиш этиш имконини беради.

2. Хусусийлаштириш. Кўп укладли иқтисодиёт. Тадбиркорликнинг ривожланиши.

Бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шартларидан бири мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни амалга оширишdir. Шу боисдан Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, мулкдорлар табақасини иқтисодий ислоҳотларда биринчи ўринда турди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида иқтисодиёт хилма-хил мулк шаклларидан иборат бўлиши, ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқли эканлиги белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва

фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ишлаб чиқилиши алоҳида қайд этилган ҳужжатлардан бири “Хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонун лойиҳасидир. Аввало шуни таъкидлаш керакки, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги амалдаги қонун 1991 йилда қабул қилинган бўлиб, у республикамизда иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилишининг бошланишига кўмак берган ҳамда хусусийлаштириш бўйича норматив-хуқуқий базанинг яратилишида муҳим аҳамият касб этган ҳужжат саналади.

1991-2009 йиллар мобайнида хусусийлаштиришнинг хуқуқий ва институционал асослари кўп маротаба ўзгартирилди⁴³. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрдаги "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент шаҳрида давлат уй-жой фондини хусусийлаштиришни жадаллаштиришнинг кўшимча чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида давлат уй-жой фондини хусусийлаштиришни давом эттириш тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори хусусийлаштиришни очиқ шаклдаги акциядорлик жамияти қуриш, корхоналар акциясими чиқариш, аукцион савдоси орқали давлат мулкини шахсларга сотиш, қимматбаҳо қофозларни чиқариш ва хусусийлаштришни ёппасига олиб бориш учун шароит яратиш йўли билан амалга оширишга қаратилган эди.

Давлат мулкини хусусийлаштиришнинг дастлабки босқичлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 21 январдаги “Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг чора-

⁴³Джумамуратова К, Жабборов С, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари. Хусусийлаштириш амалиётида қонун ижодкорлиги “Биржа” газетаси, 2014 йил 9 январь.-Б.2.

тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 27 декабрдаги “Хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жараёнларини янада ривожлантириш тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оиласиий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги “Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунлари асосида олиб борилди.

Республикада кичик ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантиришни таъминловчи зарурий ҳуқуқий асос яратилди. Биринчи Президент фармонларида хусусий тадбиркорликдан солик олиш, унга молиявий ёрдам қўрсатиш борасида имтиёзлар бериш, имтиёзли кредитлар ажратиш, моддий техника ва хом ашё ресурслари билан таъминлаш борасида кўмаклашиш назарда тутилган⁴⁴.

Хусусийлаштиришнинг янги механизмлари амалиётга татбиқ этила бориши билан мазкур қонуннинг қоидаларини аниқлаштириб берувчи бир қатор норматив ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлди⁴⁵.

Ҳозирги пайтда давлат мулкини хусусийлаштиришнинг турли тартиб-таомиллари ва масалаларини тартибга солувчи 80 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг кўпчилигига амалдаги қонунда мавжуд бўлмаган янги нормалар бор.

Иккинчи босқичда Биринчи Президент И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида” асарида қўйилган масалалар, хусусан, хусусийлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш жараёнларини чуқурлаштириш, макроиктисодий барқарорликка эришиш,

⁴⁴ Муртазаева Р.Ҳ. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. –Б.601.

⁴⁵ Джумамуратова К, Жабборов С.Хусусийлаштириш амалиётида қонун ижодкорлиги “Биржа” газетаси, 9 январь 2014 йил. –Б.3.

миллий валютани мустаҳкамлаш, иқтисодиёт таркибий структурасини тубдан ўзгартириш чора-тадбирлари амалга оширилди. 2000 йилда хусусийлаштириш давлат дастури бўйича кўзда тутилган 167 объект ўрнига 374 объект хусусийлаштирилди. Уларнинг негизида 152 та ҳиссадорлик жамияти, 103 та хусусий корхона ташкил этилди. Шу йили давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан 14,3 миллиард сўм маблағ тушди. Бу 1999 йилги кўрсаткичдан 1,6 баробар кўпdir. 2004-2008 йиллар давомида 3904 та давлат обьекти хусусийлаштирилиб, бунинг натижасида тушган маблағларнинг жами 471,1 млрд сўмни ташкил этган⁴⁶.

Умуман олганда 2000-2010 йилларда бозор муносабатларини шакллантиришда туб ўзгаришлар юз берди. Ҳозирги пайтда 87,4 фоиз мулк нодавлат, 12,6 фоизи давлат мулки кўринишида иш юритмоқда. Республикада жами 60 мингга яқин корхонадан 50,5 мингга яқини хусусийлаштирилган корхоналардир. Мулкнинг таркиби жиҳатидан 19,5 мингга яқини давлат, 105 мингга яқини хусусий, 3,4 мингдан ортиқ чет эл инвесторлари иштирокида, шундан 442 қўшма корхона, 3,3 мингга яқин акционерлик жамияти, 1,2 мингга яқин жамоа ва 34 мингдан ортиқ бошқа корхоналардир.

Иқтисодий ислоҳотларнинг боришида ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. 2012 йилга келиб 180 мингдан ортиқ ўрта ва кичик бизнес субъектлари ва 200 мингга яқин якка тартибдаги тадбиркорлар фаолияти йўлга қўйилди. 2011 йилнинг тўққиз ойида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръати 8,2 %, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 7% ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми эса 6,8% га кўпайгани шундан далолат беради⁴⁷. «Бу ҳақда гапирганда, авваламбор, соҳа ривожи учун мустаҳкам қонунчилик ва ҳуқуқий база шакллантирилгани ва мунтазам такомиллаштириб борилаётгани, бизнес учун имтиёз ва преференциялар бериш, ишлаб

⁴⁶ Эргашев К.Э., Замонов А.Т. Ўзбекистон энг янги тарихи: Фан доктори илмий даражасига талабгорлар учун ўқув қўлланма. –Тошкент: 2013.-Б.25.

⁴⁷ Жўраев Н. Ўзбекистон тарихи. Миллий истиқлол даври. Учинчи китоб. –Тошкент: “Шарқ”, 2011. –Б.23.

чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда модернизация қилиш масалаларида давлат томонидан тизимли равишда ёрдам кўрсатилаётганини таъкидлаш лозим»⁴⁸. Мазкур соҳани давлат томонидан тартибга солиш, жумладан, унинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ва бандликни таъминлашдаги улушини ошириш, технологик таркибий тузилишини такомиллаштириш, кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондириш ва қулай ишбилармонлик мұхитини яратиш каби йўналишларда тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Шу каби мухим ислоҳотлар натижасида 2015 йил якунига кўракичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши ялпи ички маҳсулотда 56,5 фоиз, саноат маҳсулотлари ҳажмида 40,6 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмида 98,4 фоиз, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмида 35,8 фоизга етди. Иш билан банд жами аҳолининг 77,9 фоизи мазкур тармоқда меҳнат килмоқда⁴⁹.

2000-2016 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 31,0 фоиздан 56,9 фоизга ўсиб, 25,9 фоиз бирликка ортган. Ушбу кўрсаткични ривожланган мамлакатлар билан таққослайдиган бўлсак, кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши Францияда 62 фоизни, Италияда 60 фоизни, Японияда 55 фоизни, Германияда 54 фоизни, Буюк Британияда 53 фоизни, АҚШда 52 фоизни, Қозоғистонда 25,6 фоизни, Россияда 20,0 фоизни ташкил этади⁵⁰.

Бундан ташқари оилавий тадбиркорлик тури ҳам кенг ривожланмоқда. Ўзбекистонда бизнеснинг оилавий тадбиркорлик шаклига тааллукли айrim масалалар дастлаб умумий ҳолда Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Конуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда ижтимоий-иктисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидағи нутқи. 2012 йил 14 сентябрь. – www.uz.aуз

⁴⁹ Faufurov U.V. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишининг иқтисодий механизmlарини такомиллаштириш. Дисс.фалсафа доктори. –Тошкент: 2017. –Б.8.

⁵⁰ Очилов Ж. Кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-куватлаш йўналишлари. Иқтисод ва молия 2017. №10. –Б.12.

29 июлдаги 216-сон қарорига илова – «Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом»да ўз ифодасини топган эди. 2012 йил 26 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Конуни⁵¹ни, 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳар бир оила-тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги Қарори қабул қилиниши мамлакатда оилавий тадбиркорликнинг ҳукуқий асосини белгилаб берди.

Ушбу қарорга кўра Қўйидагилар Дастурнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган:

- тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳар бир босқичида мутасадди идоралар томонидан тизимли амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш;
- тадбиркорлик ва даромад келтирадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланмаган аҳолига тадбиркорлик кўнималарини ўргатиш ва тегишли фаолият турини ташкил қилишга амалий ёрдам кўрсатиш;
- тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтиришга амалий ёрдам бериш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш;
- қасаначилик ва кичик ҳажмда ишлаб чиқарувчи субъектларни (микрофирмаларни) ташкил этиш учун молиявий ёрдам бериш орқали аҳолига қўшимча даромад ишлаб топиш имкониятини яратиш;
- қишлоқ ва маҳаллаларнинг ихтисослашувини (хунармандчилик, тикувчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айrim турларини етиштириш, ихчам иссиқхоналар ташкил қилиш ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда мазкур соҳада ижобий натижаларга эришган ишбилармонлик тажрибасига эга тадбиркорларни маҳаллаларда янги бизнес фаолияти билан

⁵¹ Юлдашев Д.Т. Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иктисадий механизмини такомиллаштириш. Иктисад фанлари бўйича фалсафа доктори дисс...–Тошкент: 2019. –Б.14.

шуғуланишни бошлиган оилаларга бириктириш — мини-кластерлар ташкил этиш;

- жойларда оилавий тадбиркорликка кўрсатиладиган хизматлар кўламини тубдан кенгайтириш, тадбиркор оилаларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари савдосини ташкил қилувчи бозор инфратузилмаси обьектлари, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаларини барпо этиш;

- қишлоқ ва маҳаллаларда бўш турган ер майдонларини янги ташкил этилаётган оилавий тадбиркорлик субъектларига бериш орқали аҳоли учун қўшимча иш ўринлари ва даромад манбаларини яратиш;

- вақтингачалик молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ҳамда давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритаётган тадбиркорларни аниқлаб, улар фаолиятини тиклаш ва қонунийлаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш⁵²ни назарда тутади.

Яна таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони тадбиркорлик фаолиятини замон талаблари асосида ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Ушбу норматив хужжатда таъкидланишича, “2019 йилнинг I чораги яқунлари бўйича лойиҳаларни амалга оширишга 16,4 трлн сўм ҳажмда кредитлар ажратилди, иқтисодиётда инвестицияларни ўзлаштириш ҳажмлари 1,3 бараварга, янгидан ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари сони 2,3 бараварга ўсади⁵³.

2020 йил 8 январда Вазирлар Маҳкамасининг “Республика худудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасига баҳо бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг қабул қилиниши Республикаизда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантирилишига хизмат қилди. Ушбу қарорга кўра Республика худудларида

⁵²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги «Ҳар бир оила-тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги Қарори.www.lex.uz

⁵³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 майдаги “ Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони.www.lex.uz.

тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасини баҳолаш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди. Энди тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасига баҳо бериш бўйича маълумотларнинг ўз вақтида тақдим этилиши ва ҳаққонийлиги учун манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари шахсан жавобгар эканлиги белгилаб қўйилди.

Адлия вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда: бир ой муддатда худудларда тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасини баҳолаш бўйича тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказиладиган сўровнома шаклларини ҳамда ўтказиш муддатларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

- 2020 йил 1 марта қадар худудларнинг тадбиркорликнинг ривожланганлик даражаси кўрсаткичларини ҳисоблаш ва баҳолаш бўйича “BUSINESS INDICATOR” автоматлаштирилган онлайн ахборот тизими ишлаб чиқилишини ва ишга туширилишини таъминлайди;
- баҳолаш натижалари бўйича тегишли худудларда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига таклифлар бериб боради;

Низомга асосан баҳолаш якунлари бўйича тегишли худуддаги назарда тутилган ташкилотларнинг раҳбар ва бошқарув ходимларини, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар)лар ҳокимларининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринbosарларини намунали кўрсаткичга эга бўлганда - рағбатлантириш ҳамда қониқарсиз кўрсаткичга эга бўлганда - интизомий жавобгарликка тортиш юзасидан ҳар ярим йиллик якунлари бўйича 15 августга қадар, йил якунлари бўйича 15 марта қадар Вазирлар Махкамасига таклифлар киритиб боради⁵⁴.

Бу каби чора-тадбирларнинг амалга оширилаётгани мамлакатда

⁵⁴Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йилдаги 8 январдаги “Республика худудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасига баҳо бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори www.lex.uz.

тадбиркор ва ишбилиармонларга, айниқса, кичик бизнес вакиллариға эркин ва самарали иш юритиш, иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишда янги имкониятлар яратмоқда.

3. Иқтисодиётда юз берган таркибий ўзгаришлар, бозор инфратузилмасининг шаклланиши.

Собиқ СССРнинг тарқатиб юборилиши билан республикалар ўртасидаги иқтисодий алоқалар узилди, оқибатда Ўзбекистоннинг бир қанча саноат корхоналари тўхтаб қолди ва маҳсулот ишлаб чиқариш камайди. Эндиликда иқтисоднинг таркибий тузилишини янгидан қуриш керак эди. Жаҳон бозорида рақобатга бардош бера оладиган ва аҳолининг истеъмол талабларини қондирадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил қилиш зарур бўлди.

Бозор инфратузилмаси - бу бозор алоқаларини ўрнатиш ва уларнинг бир маромда амал қилишга хизмат кўрсатувчи муассасалар тизимиdir. Унга омбор хўжалиги, транспорт, алоқа хизматлари кўрсатувчи корхоналар, товар ва хизматлар муомаласига хизмат қилувчи муассасалар (биржалар, аукционлар, савдо уйлари, савдо-сотиқ идоралари ва агентликлари кабилар), молия-кредит муносабатлариға хизмат қилувчи муассасалар (банк туридаги муассасалар, кредитлаш идоралари, сұғурта ва молия компаниялари, солиқ идоралари) ва ижтимоий соҳага хизмат кўрсатувчи муассасалар (уй-жой ва коммунал хизмат идоралари, аҳолини ишга жойлаштириш фирмалари) киради. Ахборот хизмати идоралари ҳам бозор инфратузилмасининг алоҳида бўғинини ташкил қилиб, уларга маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва сотиш билан шуғулланувчи компания ва фирмалар киради⁵⁵.

Ўзбекистон иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш йўлида республикада ғоят йирик қурилишлар амалга оширилди ва мамлакатнинг ёқилғи мустақиллигига эришишга алоҳида эътибор қаратилди.

⁵⁵ Интернет материали. Бозор инфратузилмаси ва унинг унсурлари.<http://uz.denemetr.com/docs/768/index-75974-1.html?page=10>

Ўзбекистон ҳудудида 2 триллион кубометрга яқин газ заҳиралари, 160 дан ортиқ нефть кони мавжуд. Бироқ мамлакат нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича қарам бўлган. Хусусан XX асрнинг 90-йиллари бошларида четдан 6 миллион тоннага яқин нефт маҳсулотлари келтирилар, 600 минг тонна пахта толаси Россия ва бошқа малакатларга нефть маҳсулотлари учун бериларди. Шу боисдан малакатимизда нефт мустақиллиги учун кураш бошланди. Мамлакатимизнинг ёқилғи мустақиллигига эришиш сиёсати изчиллик билан амалга оширилди. Истиқлолга эришган Ўзбекистон тарихда илк бор 1995 йилда нефт мустақиллигига эришди. Мамлакат эндиликда нефт маҳсулотларига бўлган ўз ички эҳтиёжларини тўла қондирибгина қолмай, катта салоҳиятга эга бўлган истиқболли ва ишончли экспортёр сифатида жаҳон бозорига йул олди.

1992 йилда "Ўзбекнефтгаз" концерни ташкил этилган бўлса, 1998 йилда "Ўзбекнефтгаз" нефть ва газ саноати миллий корпорацияси⁵⁶ ни "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компаниясига айлантирилди. Натижада табиий газ ишлаб чиқариш суръати ўсди. Табиий газ ишлаб чиқариш 1990 йилги 40,8 млрд. кубометрдан 1998 йил салкам 54 млрд. Кубометрга купайди⁵⁶. 1998 йилда "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компаниясининг мустақиллик йилларида амалга оширган энг яхши лойиҳаларидан бири Шўртангазкимё мажмуаси 2001 йилда ишга туширилди. 2002 йил 15 августда биринчи полиетилен олинди. Мажмуа қурилишида АҚШнинг "ABB Lummus Global", "Honeywell",, Германиянинг "Fisher", "Ermafa", Канаданинг "Nova Chemicals", Италиянинг "Renco", "ABB Soimi",, Япониянинг "Mitsui", "Nisho Ivai", Франциянинг "Upedex",, Россиянинг "Soyuzvneshttrans", VNIIIGaz фирма ва компаниялари фаол қатнашди. Шунингдек, АҚШ нинг "Eksimbank", "Cheyz Manxetten Bank", Франциянинг "Pariba",, Германиянинг "Kommersbank", Япониянинг "Eksimbank", "Germes" сугурта агентлиги ўз инвестициялари билан иштирок этди.

⁵⁶Жўраев Н. Ўзбекистон тарих: (Миллий истиқлол даври) 3-китоб /Масъул муҳаррир Н. Абдуазимова. – Тошкент: "Шарқ", 2011 – Б. 30.

Лойиха қувватига кўра, мажмуа бир йилда 4,2 млрд. м³газни қайта ишлайди, 125 минг т полиетилен гранулалари, 137 минг т суюлтирилган газ, 103 минг тонна газ конденсати, 4 минг т донадор олтингугурт, шунингдек, 4,2 млрд. м³товар газ (ёқилг‘и) ишлаб чиқаради. 2004 йилда 100 минг т полиетилен, 85 минг т суюлтирилган газ, 88 минг тонна газ конденсати, 2,6 млрд.м 3 товар газ, 100 тонна олтингугурт ишлаб чиқарилди. Мажмуа маҳсулотининг 60% дан ортиги хориж — Украина, Россия, Қозогистон, Болтиқбўйи, Полша, Венгрия, Австрия, Греция, Туркия, Эрон, Покистон, Хитой ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинади⁵⁷.

Аҳолини табиий газ билан таъминлаш юзасидан катта ютуқларга эришилди. 1995-2000 йилларда тармоққа 1,5 млрд АҚШ доллари миқдорида хориж сармояси жалб этилди. Натижада республикамизнинг Устюрт, Бухоро-Хива, жануби-ғарбий Ҳисор, Сурхондарё, Фарғона минтақаларида газ, нефть ва газ конденсати қазиб олувчи 92 та корхона кенгайтирилди, янги техник ускуналар билан жиҳозланди. Ҳусусан, мустақиллик арафасида шаҳар аҳолисининг 43 фоизи, қишлоқларда эса 17 фоиз аҳоли табиий газ билан таъминланган бўлса, бу кўрсаткич 1997 йили 64 ва 48 фоизни ташкил қилди. Мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун ишончли энергетик базаси яратилган⁵⁸.

Республика саноати барқарор, жадал ва мос равишда ривожланишини, қайта ўзгартиришлар структурасини чуқурлаштириш, соҳа комплекслари ва саноат корхоналарини модернизациялаш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида унинг асосий соҳаларини диверсификациялашга, ҳамда экспорт салоҳияти, самарадорлиги, рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган асосий вазифалар 2011-2015 йилларда республика саноатини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларида белгилаб берилган, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 15 декабр 2010 йилдаги «2011-2015 йилларда Ўзбекистон

⁵⁷ Интернет материали. Шўртан газ-кимё мажмуаси. https://uz.wikipedia.org/wiki/Sho%CA%BBrtan_gaz_kimyo_majmuasi

⁵⁸ Муртазаева Р.Х. ва бошталар. Ўзбекистон тарихи. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Академия, 2010. –Б.567.

Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрида»ги ПҚ-1442 сон Қарори қабул қилинган у бугунги кунда «Ўзбекнефтгаз» МХК нефт-газ соҳасининг барча фаолият йўналишларини таъминлайдиган уч поғонали холдинг компаниясига айлантирилди. Ушбу жараённинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги «Нефть-газ соҳасининг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти фаолияти такомиллаштирилди.

Углеводород хомашёсини қазиб олишни қўпайтиришнинг 2021 йилгача бўлган дастури ва уни амалга ошириш механизмлари тасдиқланди. 2019 йилда 63 миллиард куб метр табиий газ, 3 миллион тонна нефть ва конденсат қазиб олишни таъминлаш учун 255 та янги қудук ва 26 та янги технологик объектни қуриш ишларини якунлаш, 76 та қудуқни капитал таъмирдан чиқариш вазифлари қўйилди. “Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан 2 миллиард 756 миллион долларлик 24 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилди. Бу маблағлар Жиззах нефтни қайта ишлаш заводини бунёд этиш ва замонавий технологиялар билан таъминлаш, Қандим газни қайта ишлаш комплексининг 2-навбати ва Қандим конлар гурухини жиҳозлаш, Шўртан газ-кимё мажмуасида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш, Сурхондарёдаги “Мустақилликнинг 25 йиллиги” конида қидирув ишларини олиб бориш ва техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш каби лойиҳаларга йўналтирилди⁵⁹.

Хозирги кунда республика энергетика тизими 37 иссиқлик гидравлик электростанциялардан иборат бўлиб, уларнинг умумий қуввати 11 миллион киловаттни ташкил этади. У йилига 55 миллиард киловатт-соатгача энергия ишлаб чиқариш имкониятига эга.

Йирик иссиқлик электростанциялари, жумладан, қуввати 3 миллион

⁵⁹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 25 январдаги “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти тизимида геология-қидирув ва қазиб олиш ишлари самарадорлиги, ёқилғи материаллари билан ички эҳтиёжни таъминлашнинг аҳволи, тизимдаги истиқболли вазифалар ижросига бағишлиланган йигилишидаги маъruzаси.[http://uz.aуз/oz/politics/neft-gaz-so-asi-samaradorligi-ва-isti-bollari-mu-okama-ilind-25-01-2018](http://uz.aуз/oz/politics/neft-gaz-so-asi-samaradorligi-va-isti-bollari-mu-okama-ilind-25-01-2018)

киловатт-соат Сирдарё ГРЭСи, қуввати 2,1 миллион киловатт янги Ангрен, қуввати 1,86 миллион қиловатт Тошкент, қуввати 1,25 миллион киловатт Навоий ГРЭСлари республикамизнинг асосий электроэнергетика манбай хисобланади.

Иссиқлик электростанцияларидан ташқари, нисбатан арzon ва экологик тоза электр энергиясини етказиб берувчи гидроэлектростанциялар, жумладан, Чорвок, Хўжакент, Фарғона, Ғазалкент ва бошқа бир қанча электростанциялар ишлаб турибди.

Ўзбекистон энерготизимининг Марказий Осиё Бирлашган энерготизимидағи улуши 40 фоизни ташкил этади. Республикаиз электр тармоқлари орқали электр энергияси Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистонга узатилмоқда.

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси мустақиллик йилларида иссиқлик ва гидравлик электр станцияларини таъмирлаш ва улар таркибида янги блоклар барпо этиш ишларини амалга оширди. Сирдарё, Янги Ангрен, Тошкент, Навоий ГРЕС лари энергетика блокларида технологик жараёнларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимлари ишга туширилди.

Ўзбекистон истиқоли машинасозлик саноатини, айниқса унинг муҳим тармоғи автомобилсозликнинг ривожланишига боғлиқ. 1992-йил 24-августда Тошкентда Жанубий Кореяning «DAEWOO MOTORS» корпорасияси ва Ўзбекистоннинг «Автоқишихўжмаш» давлат концерни ўртасида Андижон вилоятининг Асака шаҳрида йилига 180 минг автомобил ишлаб чиқарадиган «ЎзДАЕВОО авто» қўшма корхонасини қуриш тўғрисида шартнома имзоланди. 1996 йилнинг март-июл ойларида «ЎзДАЕВОО» автокорхонаси «NEXIA», «ТИКО», «DAMAS» енгил автомашиналарини чиқара бошлади. 1999 йилнинг 1 июнига қадар, уч йил давомида 87 мингдан кўпроқ «NEXIA», 51 мингдан кўпроқ «ТИКО», 40 мингдан ортиқ «DAMAS» автомашиналар ишлаб чиқарилди.

1993 йилда ГФРдаги «MERSEDES BENZ AG» корпорацияси билан Хоразмда юқ автомашинасини чиқариш учун шартнома тузилди. 1994 йили

«Дўстлик» автомобил заводида дастлабки 350 «MERSEDES BENZ AG» юк автомобили ишлаб чиқилди. 1995 йили «Ўзавтосаноат» уюшмаси билан Туркиянинг машхур «KOCHOLDING» компанияси ўртасида тузилган шартнома асосида Самарқанднинг Суишёна мавзесида қад қўттарган автобус заводи 1999 йил март ойида ўзининг маҳсулотини бера бошлади.

1999 йил март ойида «SAM KOSAVTO» қўшма корхонаси ишга туширилди. Ўша йили фойдаланишга қулай, ихчам 163 та ва 302 та юк автомобили, 2000 йилда эса 483 та автобус ва 102 та юк автомобили ишлаб чиқарилди. Республика аҳолиси учун “OTAYO`L” русумли автобуслар асосий транспорт воситасига айланди.

Истиқлол йилларида иқтисодиётда амалга оширилган таркибий ўзгаришлар қуйидаги жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган натижаларга олиб келди:

- ёнилғи-энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёжини Ўзбекистон ўзини-ўзи таъминлайдиган бўлди;
- ғалла мустақиллигига эришилди;
- ишлаб чиқаришда саноат маҳсулотлари ҳиссаси ошган;
- саноатда юксак технологияга асосланган истиқболли тармоқларнинг ҳиссаси ошди.

Натижада Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик давом этди. Ҳатто, 1998 йили ички ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 4,4 фоиз, шу жумладан, саноат ишлаб чиқариши 5,8 фоизга ортди. Истеъмол молларини ишлаб чиқариш 7,2 фоиз купайди. Аввалги йиллардаги каби қатъи молия-кредит сиёсати амалга оширилди. Натижада инфляция даражасининг пасайишига олиб келди.

1991-2010 йиллар мобайнида ЯИМда саноат улуши 2,2 баробар, яъни 11%дан 24%га ўсди; товар ва хизматлар экспорт ҳажми 2000- 2010 йиллар давомида 4,1 баробарга ўсиши таъминланибгина қолмай, 1991 йилда экспорт таркибининг қарийиб 90%ни хом-ашё маҳсулотлари ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда қарийиб 70% ни тайёр маҳсулотлар ташкил этишига

эришилди.⁶⁰

Иқтисодиётда позитив ўзгариш кузатилмоқда. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 4,2 млрд долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши 37%га етди. Иқтисодий ўсиш 5,6%ни ташкил этди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,6%га, экспорт 28%га кўпайди, олтин-валюта захираларимиз 2,2 млрд долларга ортиб, 28,6 млрд долларга етди⁶¹.

Бизга хос бўлган машҳур тамойиллар доирасида кечаетган тараққиёт ўз самарасини кўрсатиши билан баробар, мамлакатимиз модернизацияси борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар борасида кенг миқёсда илмий изланишлар ва амалий ишлар давом этиб бормоқда.

3. Аграр ислоҳотлар.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида қишлоқни устун даражада ривожланишини таъминламасдан, қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатидан янги асосларда кайта тикламасдан туриб мамлакатда иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигига эришиб бўлмас, мамлакат аҳолисининг кўпчилигини ташкил килувчи қишлоқ меҳнаткашлари турмушини янада тўкинроқ қилиш вазифасини бажариб бўлмасди». Айни чоғда мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги салмоғи юқори эди. Шунинг учун иқтисодий ислоҳотларнинг ҳал қилувчи бўғини сифатида қишлоқ хўжалигига ислоҳот ўтказиш, уни жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Бунга сабаб Ўзбекистон аҳолисининг 64 фоиздан кўпроғини қишлоқда яшashi, яъни ички маҳсулотнинг 24 фоиздан кўпроғи аграр секторга тўғри келиши ва қишлоқда истиқомат қилганларнинг 37 фоизга яқини қишлоқ хўжалиги билан бандлигига эди.

Мустақилликнинг дастлабки қадамларидан бошлаб қабул қилинган

⁶⁰Набихўжаев А. Макроиктисодий барқарорлик кўрсаткичлари ва уларнинг Ўзбекистондаги динамикаси. Иқтисод ва молия. №2, 2011. –Б.9.

⁶¹Ўзбекистон Президенти 2019 йил 24 январдаги Парламентга мурожаатномаси. https://www.norma.uz/bizning_sharhlari/2020_yilgi_murojaatnoma_presidentning_maruzasidan_asosiy_tezislar

меъёрий хужжатларда, хусусан «Ер тўғрисида»ги (20 июн 1990 йил) ва бошқа қонунларда, Президент фармонларида қишлоқ хўжалигидаги туб ислоҳотларнинг хуқуқий асослари яратилди⁶². Агарар сиёсатда янгича ёндашувнинг амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалигидаги юзага келган таназзулни маълум маънода тўхталиб туриш имконини берди. 1992 йил 224 та давлат хўжалиги иқтисодий аҳволи ночор бўлганлиги учун жамоа хўжаликларига, уларнинг мулки эса жамоа мулкига айлантирилди. 1993 йилдан бошлаб жамоа ҳамда давлат мулкига асосланган хўжаликларнинг мулки ширкат мулкига айлантирилди. 1998 йилдан бошлаб заарга ишлаётган жамоа ва ширкат хўжаликлари мустақил фермер хўжаликларига мустақил фермер хўжаликларига танлов асосида айлантирилди⁶³.

Бугунги кунда давр талабидан келиб чиқиб, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунга қўшимча ва ўзгартишлар киритилмоқда. Мазкур лойиҳада кўп тармоқли фермер хўжалигининг хукуқий мақоми белгиланмоқда. Унга кўра, кўп тармоқли фермер хўжалиги - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ бўлган фаолияти билан биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш, саноат ишлаб чиқариши, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият билан шуғулланувчи фермер хўжалигидир.

Экин экиладиган майдонларда таркибий ўзгаришлар қилиниб, хўжаликлар ҳар қандай экин экиш соҳасида мустақил бўлдилар. Суғориладиган ерларда ғалла экиш кенгайди. Умумий экин майдонларида донли экинлар салмоғи 1991-йилда 18,8% ни ташкил этган бўлса, 1998-йилда 36% га ўсади, натижада ғалла етиштириш сезиларли даражада ошди. Дон экинлари учун ажратилган майдонлар 1990 йилдан 1998 йилгacha бўлган давр мобайнида асосан пахта

⁶²Муртазаева Р.Х. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005 (лотин алифбосида). –Б.461.

⁶³ Топилдиев С.Р. Ўзбекистонда аграр муносабатлар ривожланишининг тарихий жиҳатлари. Дисс.иқт.фанлари номзоди. –Тошкент: 2011. –Б.89.

экинлари майдонини қисқартириш ҳисобига 1,7 баробар ошиди. Дон ишлаб чиқариш икки баробардан кўпроқ ошиб, 4,15 млн. тоннани ташкил қилди. Агар 1991 йилда 1,9 млн тонна дон, шу жумладан 600 минг тонна буғдой етиштирилган бўлса, 2002-йилда 5,4 млн тоннага яқин дон, шу жумладан 5,0 млн тоннадан ортиқ буғдой, 2007-йилда 6,25 млн тонна ғалла етиштирилди. Суғориладиган ерларда ўртача ҳосилдорлик гектарига 48,0 центнерни ташкил этди. Андижон вилоятида эса рекорд натижага эришилди - ҳар гектардан 75 центнердан ортиқ хирмон кўтарили⁶⁴.

Бу соҳада ислоҳотларнинг янги босқичи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги “Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5199-сон Фармони қабул қилинди. Фармонга асосан, эндиликда фермер хўжаликлари фаолиятида тубдан ўзгариш, яъни фермер хўжаликлида босқичма-босқич кўп тамоқли фаолият йўлга қўйиш ишлари амалга оширилади. Унга кўра, фақатгина қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш билан шуғулланган фермер-тадбиркорларимиз бозор талабларидан келиб чиқиб ўзларида қўшимча йўналишларни жорий қиласиди. Ушбу талабга жавоб бермайдиган, кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўймаган субъектлар 2022 йилнинг 1 январидан бошлаб янгилик ва янгиланишга интилувчан, янги ғоялар асосида иш юритишга қобилиятли, тадбркорлик қилиш, нафақат ўзининг, балки бутун халқимиз дастурхонини тўкин бўлишига ҳисса қўшишга тайёр бўлган шахслар, айниқса ёшларга жойларини бўшатиб берадилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги “Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер

⁶⁴ Жўраев Н. Ўзбекистон тарих: (Миллий истиқлол даври) З-китоб /Масъул муҳаррир Н. Абдуазимова. – Тошкент: “Шарқ”, 2011. –Б.345.

эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3318-сон қарори билан Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ташкил этилиб, унинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишларидан бири этиб кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришга ва ҳар томонлама қўллаб-куватлашга кўмаклашиш, улар учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратишда бевосита иштирок этиши белгилаб қўйилди. Мазкур Фармон ва қарорларда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ҳозирда ишчи гурухи томонидан чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик, боғдорчилик-узумчилик, сабзавот полизчилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа муҳим йўналишларини янада ривожлантириш, фермер хўжаликларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорлари лойиҳалари ҳамда ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш бўйича намунавий шартнома лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда⁶⁵.

Ўзбекистон улкан қишлоқ хўжалик ресурсларига эга мамлакат унинг асосий қишлоқ хўжалик экинларидан яна бири пахта ҳисобланади. 2011 йилларда бутун Марказий Осиё мамлакатлари 2 миллион тонна пахта толаси етиштирган бўлса, биргина Ўзбекистон 1 миллион 400 минг тонна пахта толаси етиштирган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.12.2018 й. ПҚ-4087-сон “Пахта хомашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ингичка толали пахта етиштиришни самарали ташкил қилиш, янги навларни кўпайтириш ва

⁶⁵Интернет материали. Қодиров А.Кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш бўйича олиб борилаётган ишлар <https://clck.yandex.ru/redir/>

рағбатлантириш механизмини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалиги вазирли-ги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази ингичка толали ғўза навлари генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва этиштириш агротехнологияларини ва ингичка толали пахта хомашёсини тозалаш ускуналарини такомиллаштириш бўйича давлат илмий дастурлари грант лойиҳаларини ишлаб чиқишига ҳамда пахтачиликни ривожлантиришнинг янги инновацион илмий ечимини топишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда⁶⁶.

Республика сабзавот, мева, узум этиштириш бўйича ҳам салмокли ўринга эга. 2012 йилда Ўзбекистонда йилига 5 миллион тоннага яқин мева сабзавот этиштирилган бўлса, 2019 йилга келиб 1,5-2 миллиард доллар миқдорида мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинмоқда. Лекин ушбу соҳада йилига 10-15 миллиард доллар маҳсулот экспорт қилиш имконияти мавжуд. Маҳсулот тайёрлаш ва экспорт қилишда “Ўзагроэкспорт” акциядорлик жамияти, биржалар, агрофирмалар ва улгуржи компаниялар катта роль ўйнамоқда.

2005 йилда Республикада пилла этиштириш ҳажми 60 минг тоннани, 2010 йилда 70 минг тоннани ташкил қилган. 2019 йил 31 июль куни Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Президент қарори қабул қилиниши пиллачиликни ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди.

Ушбу қарорга кўра 2022 йил 1 августргача пиллачилик корхоналарига 8 турдаги маҳсулотларни АҚШ, Европа Иттифоқи давлатлари ва Туркияга экспорт қилишда ҳаво ва темир йўллари транспортида ташиб ҳаражатларининг 50 фоизгача миқдорини давлат бюджетидан компенсация қилиш учун субсидия бериш, лизинг асосида қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш, минерал ўғитлар ва бошқа материал ресурсларини етказиб

⁶⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.12.2018 й. ПҚ-4087-сон "Пахта хомашёсини этиштиришда томчилатиб сугориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун кулай шарт-шароитлар яратишга оид кечикириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ти Қарори www.lex.uz.

бериш бўйича фермер хўжаликлари учун назарда тутилган шартлар ва тартибни пиллачилик корхоналарига ҳам татбиқ этиш, 2020 йил 1 январдан тут дараҳтларини ғайриқонуний кесганлик, шикастлаганлик ёки йўқ қилганлик учун ундирилган жариманинг 50 фоизи хуқуқбузарлик содир бўлган ҳудудда янги тут кўчатлари экиш учун йўналтириш масалалари назарда тутилган⁶⁷.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 сентябрь қуни 2020-2030 йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлиган йиғилиш ўтказди. Ушбу йиғилишда қишлоқ хўжалиги ерларининг аниқ ҳисобини юритиш, улардан фойдаланишни такомиллаштириш муҳимлиги қайд этилди. Шундан келиб чиқиб, “Давергеодезкадастр” қўмитасига 2021 йил охирига қадар республиканинг барча ҳудудларида ерни ҳисобга олиш ишларини якунлаш, ер ҳисобини юритиш бўйича ягона электрон базани яратиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш ва қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини қўпайтириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилиб, бу борадаги жаҳон тажрибаси таҳлил қилинди⁶⁸.

Шундай қилиб, иқтисодиёт таркибидаги туб ўзгаришлар, янги корхонларнинг бунёд этилиши саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида самарали натижалар берди.

Таянч иборалар:

Ўзбек модели, бозор иқтисодиёти, ваучер, миллий валюта, солик, бозор инфраструктураси, иқтисодиётни эркинлаштириш, ташқи иқтисодий фаолият, кичик ва ўрта бизнес, хусусийлаштириш, автомобил ишлаб чиқариш.

⁶⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги “Пиллачилик тармоғида чукур қайта ишлашни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. www.lex.uz

⁶⁸Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 сентябрдаги 2020-2030 йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлиган йиғилишдаги маъruzasi. <http://uza.uz/oz/politics/ishlo-kh-zhaligidagi-islo-otlarning-yangi-bos-ichi-belgiland-06-09-2019>

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг қайси асарида бозор иқтисодиётига ўтиш асослари ёритиб берилган?
2. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишининг ўзига хос йўли нималарда намоён бўлади?
3. Таракқиётнинг “Ўзбек модели” қандай устувор тамойилларга таянган?
4. Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг қайси асарида бозор иқтисодиётига ўтиш асослари ёритиб берилган?
5. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишининг ўзига хос йўли нималарда намоён бўлади?
6. Бугунги кунда Ўзбекистон автомобил ишлаб чиқариш бўйича қайси давлатлар билан самарали ҳамкорликни амалга оширмоқда?
7. Истиқлол йилларида иқтисодиётда амалга оширилган таркибий ўзгаришлар қандай натижаларга олиб келди?
8. Қишлоқ хўжалиги инфраструктурасининг ривожланиши нималарга асосланади?
9. Қишлоқ хўжалиги тизимидағи ислоҳотларнинг устувор йўналишлари нималардан иборат?
10. 2016-2019 йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тизимидағи ислоҳотларнинг мазмuni нимадан иборат?

4-мавзу. Иқтисодий барқарорликнинг таъминланиши. Кучли ижтимоий сиёсат.

- 1.Мустақилликнинг дастлабки йилларида аҳолининг ижтимоий аҳволи ҳамда кучли ижтимоий сиёсат концепциясининг шаклланиши.
- 2.Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар.

1.Мустақилликнинг дастлабки йилларида аҳолининг ижтимоий аҳволи ҳамда кучли ижтимоий сиёсат концепциясининг шаклланиши.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олди. Бу эса олиб борилаётган ислоҳотларнинг аввало инсон манфаатларига хизмат қилишининг ёрқин далили эканлигини исботлайди. Дунё эътироф этган бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилнинг айнан бири ҳам кучли ижтимоий ҳимояга йўналтирилган. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, «Бозор механизмларини жорий этишдан олдин инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари амалга оширилмоғи лозим. Давлат ўз аҳолисини ҳимоя қила олган тақдирдагина, инсонпарвар ҳисобланади»⁶⁹ дейилган.

Шу мақсадда ҳар йили ижтимоий ҳимоя тизимиға ажратиладиган сарамояларнинг кўлами ортиб бормоқда. Масалан, 2006 йилда бюджет маблағларининг 51,9% и 2008 “Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастури доирасида аҳолининг ижтимоий ҳимоясига 484 млрд, сўмдан ортиқ (53,8%), «Ёшлар йили» да 1,5 трлн. сўмдан ортиқ (54,6%), «Баркамол авлод йили» доирасида 1 триллион 700 миллиард сўм, «Кичик бизнес ва хусусий

⁶⁹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мағкура. 1-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 1996.-Б.65.

тадбиркорлик» йилида 2 триллион сўм миқдорида маблағ ажратилди⁷⁰. 2016 йил – Соғлом она ва бола йилида мамлакатимиз тиббиёт муассасаларини замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун 80 миллион доллар қийматидаги кредит ва грант маблағлари йўналтирилди, фарзанд қўриш ёшидаги аёллар ва болалар тиббий қўриқдан ўтказилиб, соғломлаштирилди⁷¹.

Юқоридаги рақамлардан кўриниб турганидек аҳолининг ижтимоий ҳимоясига йўналтирилган маблағларнинг миқдори йилдан-йилга ортиб бормоқда ва бу бошқа соҳаларга нисбатан ҳам кўпни ташкил қиласди.

Шундай экан, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ аҳолининг кам таъминланган ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини моддий қўллаб қувватлашнинг қонунчилик тизими изчил шакллана борди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида: «Хар бир шахс қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда давлат ижтимоий таъминотини олишга ҳақли»⁷² деб мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикасида имконияти чекланганларни ижтимоий ҳимоя қилиш пенсия, ижтимоий ёрдам ва ижтимоий хизмат кўринишларда намоён бўлади. Ижтимоий ҳимоянинг бир кўриниши сифатида пенсия 3 хил тоифадаги фуқароларга берилади.

1. Ёшга доир

2. Ногиронлик

3. Боқувчинини йўқотганлиги муносабати билан бериладиган пенсия сифатида таъминланади.

Бундан ташқари, 1994 йилдан буён нафақаларни белгилашда ногиронларга тўланадиган нафақалар миқдори энг кам ойлик иш ҳақидан баландроқ қилиб белгилана бошлади. Хусусан иқтисодчи олим

⁷⁰ Юсупов Д. Ўзбекистонда ижтимоий ишнинг ривожланиш жараёнлари / Қадрият. – Тошкент, 2012 йил 4 апрель. – №34. –Б.3.

⁷¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 5 январь куни соғлиқни саклаш соҳасининг бир гурӯҳ етакчи мутахассислари билан учрашувдаги маърузаси. Xалқ сўзи. 2017 йил 12 январь.

⁷² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – Б. 15.

Б.Умурзақовнинг таҳлил қилишича, 1993 йилда энг кам иш ҳақи миқдори 2500 сўм ва энг кам пенсия миқдори ҳам шунча қилиб белгиланган бўлса, 1994 йил июл ойидан бошлаб энг кам иш ҳақи миқдори 70 сўм, пенсия миқдори 75 сўм қилиб белгиланган⁷³. 1996 йилда 1995 йилдагига нисбатан 2,7 баробар оширилди. 1998 йилда 1400 сўм, ўртача 1945, энг юқори миқдори 3937 сўмни ташкил қилган бўлган⁷⁴. Ногиронларнинг ижтимоий ахволи инобатга олиниб, энг кам пенсия миқдори энг кам иш ҳақи миқдоридан ортиқроқ қилиб белгиланди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Қарорларининг қабул қилиниши натижасида пенсиялар миқдори энг кам ойлик иш ҳақидан анча юқори қилиб белгиланди. Айниқса, 2000-2004 йилларда ногиронлик пенсияларининг ўртача кўрсаткичи 3 марта оширилди⁷⁵.

Буни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти қуйидагича таҳлил қилгандилар «Куни кеча 1 августдан эътиборан ўртача иш ҳақи, стипендиялар, пенсия ванафақаларни 1,4 баробар ошириш ҳақида Фармон қабул қилинди.

Агар январь ойидаги ишҳақи ва пенсия, стипендияларнинг оширилганини қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, бу рақам йил бўйича 1,7 баробарни ташкил этади. Бу тахмин қилинган инфляция, яъни нарх ошиши суръатларига нисбатан 3 марта кўпdir. Иш ҳақини ошириш учун қўшимча 50 миллиард сўмлик бюджет маблағлари қидириб топилди. Аҳолининг почор табақалари - кам таъминланган оилалар, ногиронлар, ёлғиз нафақадорларга давлат томонидан кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамнинг аниқ бориб етишига катта аҳамият берилмоқда. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни

⁷³ Умурзаков Б.Х. Совершенствование системы социальной защиты нетрудоспособных слоев населения Республики Узбекистан в условиях формирования рыночной экономики. Дис... канд.экон.наук. –Ташкент, 1995. – С. 65.

⁷⁴ Аззамходжаев З. Социальная сфера: адресно на правовой основе/ Кадрият. – Тошкент, 1998 йил, 27 апрель, №48. –Б. 3.

⁷⁵ Гендерное равенство в Узбекистане: факты и цифры 2002-2004. Госкомстат Республики Узбекистан. Статистический сборник (программа развития ООН Узбекистан), Ташкент, 2005.– Б. 84.

таъминлаш учун мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий замин ва самарали механизм яратилди»⁷⁶.

1997 йилда ижтимоий-маданий тадбирларни молиявий таъминлаш учун давлат бюджетидан 123 миллиард сўм ёки бюджет харажатларининг 40 фоизи ажратилди. Шу жумладан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича 30млрд сўм соғлиқни сақлаш, газлаштириш, сув таъминоти ва жтимоий соҳанинг бошқа обьектлари қурилиши учун 34 млрд сўм ажратилди. Йил давомида 6.7 млн.кв.метр уй-жой ишга туширилди. 16 ёшгача фарзанди бор бўлган оилаларга нафақа тўлаш учун 9.6 млрд. Сўм сарфланди.

Иқтисодий тараққиётнинг ўзига хос йўлини танлаган мамлакатимиз ёрқин истиқбол сари ишончли қадамлар ташлаётганлиги ҳаммага маъқул. Жаҳон ҳамжамияти ўртасида унинг обрў ва нуфузи ошаётганлиги ҳам реал ҳақиқат. Кейинги йиллардаги Фармон ва қарорларда юрт тақдири, инсон манфаатлари ётади. Зеро инсонпарварлик давлатимиз сиёсатининг устивор йўналишидир. Айниқса, “Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-куvvatлашни янада кучайтириш тўғрисида”ги Фармонда 2 та асосий мақсад кўзда тутилган: биринчиси, болали оилаларга ижтимоий аниқ ёрдам берилишини кучайтириш бўлса, иккинчиси бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширишда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари роли ва масъулиятини янада кучайтиради⁷⁷.

Аҳолининг кам таъминланган қатламларининг давлат томонидан моддий таъминлаш доимий равишда такомиллаштирилиб бормоқда. 1997 йил сентябрь ойидан бошлаб, хар йили 1 синф ўқувчиларига бепул ўқув анжомлари, дарсликларни бериш жорий этилди кам таъминланган оилаларнинг бошлангич синфларда уқийдиган болаларига бепул қишки иссиқ кийимлар бериш йулга қуйилди. Серфарзанд ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш тизими ўзига хослиги билан ажралиб туради.

⁷⁶ Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б. 26.

⁷⁷ Халикова Л.Н. ижтимоий ҳимоя социал-иқтисодий мунсабат сифатида. Дисс...иқтисод фан. номзоди. – Самарқанд:2000. –Б.34.

Кам таъминланган оилаларга ва кўп болали муҳтож оилаларга моддий ёрдам тўловларини молиялаштиришнинг асосий манбаси Республика ва маҳаллий бюджет воситаларидир. Кам таъминланган оилаларга 1998 йилда туланган нафақаларнинг умумий миқдори 3 млрд. сўмни ташкил қилди, 16 ёшгача бўлган фарзандли оилаларга тўланган нафақалар - 15,6 млрд. сўмни ташкил қилди.

Бундай холат пенсия олувчилар сонининг ортиб боришига ҳам маълум бир маънода таъсир қўрсатди. Яъни 1990 йиллардан то 2002 йилгача пенсия олувчилар сони йилдан-йилга ошиб борди.

Натижада 1991 йилда жами пенсионерлар сони 215905 минг нафар бўлган бўлса⁷⁸, 1998 йилда жами пенсионерлар сони 2 млн 798,4 минг нафарга⁷⁹ етди, шулардан 574,4 нафари ногиронлик пенсиясини олувчилардир⁸⁰. 2005 йилнинг бошида ижтимоий ҳимоя органлари тизимида 32224,8 минг пенсионер жумладан, 49,9% аёллар ва 50,1% эркаклар. Пенсионерларнинг умумий сонидан аёллар орасидан ёшга доир пенсия олувчилар 74,2%, эркаклар орасидан 44,6%, ногиронлик учун 17,1% ва 18,3% қилиб белгиланди. 2008 йилда 539,2 нафар, 2009 йилда 600,4 нафар, 2010 йилда 535, нафарга ошган бўлса, 2011 йилга келиб уларнинг сони 451,1 нафарга камайди⁸¹. Бунинг сабаби Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2009 йил «Пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан 3-гуруҳ ногиронлиги бекор қилинди. Шунинг ҳисобига ногиронлик пенсияси олувчилар сони 2010 йилдан 2011 йилгача кескин камайган. Айрим манбаларда ушбу ҳол ногирон болалар туғилишининг камайиши билан изохланса-да, кейинги йилларда ижтимоий нафақа олувчи 16 ёшгача ногирон болалар сони ортиб борган.

⁷⁸ ЎзМДА, М.110-жамғарма, 1-рўйхат, 335-йифма жилд. 7-варажнинг орқаси.

⁷⁹ Агзамходжаев З. Социальная сфера: адресно на правовой основе/ Қадрият. Тошкент, 1998 йил 27 апрел, – №48

⁸⁰ Умурзаков Б.Х. Совершенствование системы социальной защиты нетрудоспособных слоев населения Республики Узбекистан в условиях формирования рыночной экономики. Дисс. канд.экон.наук. Ташкент: 1995. – С. 65.

⁸¹ Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. Социальное развитие и уровень жизни в Узбекистане. –Ташкент, 2012. –С.45.

Масалан, 2013 йилда нафақа олувчи болалар абсолют сон ва фоизлар ҳисобида 78356 нафарни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда 79238 нафарга, 2015 йилда 81530 нафарга ортди⁸². Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганлариdek, «Қариялар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш бўйича тасдиқланган дастурни амалга ошириш алоҳида назоратга олиниши керак. Ҳар бир имтиёз ва ижтимоий ҳимоя чораси ўз эгасига етиб бориши даркор»⁸³.

Ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий ёрдам тизимини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 7 декабрдаги қарори билан 2000-2005 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури⁸⁴ ва Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2006 йил 7 сентябрдаги қарорига асосан ишлаб чиқилган «2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқ манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий хизмат тизимини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Дастурига асосан 2007 йилдан бошлаб Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд ва Фарғона университетларида олий маълумотли ижтимоий хизмат ходимларини тайёрлаш тизими йўлга қўйилди, «Саховат» ва «Муруват» уйларига 2009 йил 1 ноябрда 552,8 млн сўмлик ҳомийлик ёрдами ажратилди. 2008 йил 9300 киши, 2009 йили 12078 нафар киши протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминландилар. 2008 йилда 2821, 2009 йилда 2662 нафар шахс ногиронлар аравачаси билан таъминландилар, 2008 йилда 1 304 нафар одам, 2009 йилда 1 225 нафар одам эшитиш мосламаси билан, 2008 йилда 1 510 нафар одам, 2009 – 1404⁸⁵ таъминланди. Аммо ушбу протез-ортопедия маҳсулотлари муҳтож бўлганларнинг

⁸² Ўзбекистон Республикасида бирламчи ногиронлик ҳолати ва унинг 2013-2015 йиллардаги солиштирма қўрсаткичлари таҳлили (тахлилий-статистик қўлланма). – Тошкент: Истиқбол, 2015. – Б. 46.

⁸³ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик –хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –104 б.

⁸⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004, 3-сон, 31-модда.

⁸⁵ Государственная программа по повышению социальной защиты инвалидов и их интеграции в общество на 2011-2015 гг.

барчасини тўлиқ қамраб ололмаяпти. Масалан, 2001 йилда 1234 нафар ногирон бола протез маҳсулотларига мухтожлик сезса, шулардан атиги 40% и таъминланган, 2010 йилда 1634 нафар мухтожларнинг 1304 нафари таъминланган. 2016 йилга келиб протез-ортопедия маҳсулотларига мухтожлар сони 2996 нафар бўлиб, 2525 нафари таъминланган⁸⁶. Шулардан 10% и Сирдарё вилояти ҳиссасига тўғри келади⁸⁷.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, «Ногиронлик гурухини аниқлаш ҳамда протез-ортопедия ва реабилитация техника воситалари билан таъминлашда тиббий-маслаҳат комиссиялари ва тиббий-мехнат эксперт комиссиялари фаолиятида бюрократик тартиб тамоиллар бартараф этилмаган⁸⁸.

Ногиронлар учун реабилитация техника воситалари ишлаб чиқариш бўйича корхоналарни модернизация қилиш талаб этилади. Республикада ногиронлар учун протез маҳсулотлари ва реабилитация техника воситалари ишлаб чиқариш бўйича 7 та корхона фаолият юритади, уларнинг атиги 2 таси замонавий талабларга жавоб беради. Бошқа корхоналарда фойдаланилаётган асбоб-ускуналар маънан ва жисмонан эскирган бўлиб, бу тайёрланадиган буюмларнинг, биринчи навбатда, протез-ортопедия буюмларининг сифати ва қулайлигига таъсир кўрсатади». ⁸⁹ Мавжуд муаммоларнинг барчаси ногиронларни протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминлаш борасидаги фаолиятнинг мониторинг қилиш тизими йўлга қўйилмаганлигидан далолат беради.

Ҳар йили давлат томонидан ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш учун миллярдлаб маблағ ажратилади. Масалан, «2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенснерлар ва ногиронларни аниқ манзилли

⁸⁶ Ўзбекистон Республикасида бирламчи ногиронлик ҳолати ва унинг 2013-2015 йиллардаги солиштирма қўрсаткичлари таҳлили (тахлилий-статистик кўлланма). –Тошкент: Истиқбол, 2015. – Б. 63.

⁸⁷ Сирдарё вилоят Давлат архиви, 322-жамғарма, 1-рўйхат, 61-йигма жилд. 18-варак.

⁸⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ногиронларни давлат томонидан кўллаб кувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши // Халқ сўзи, –Тошкент, 2017 йил 2 август, –151(6845).

⁸⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ногиронларни давлат томонидан кўллаб-кувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши // Халқ сўзи, –Тошкент, 2017, 2 август, – 151(6845).

ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий хизмат тизимиини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Дастурининг мантиқий давоми сифатида қабул қилинган 2011 йил 30 майдаги «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказининг 150 ўринга мўлжалланган даволаш корпуси таъмирланди. Самарқанд вилояти ногиронлар учун ребилитация марказида эса 75 ўринли янги реабилитация биносини қуриш ишлари якунланди⁹⁰. Кексалар ва ногиронлар истиқомат қиласидиган «Саховат» ва «Мурувват» уйларида ҳам ёлғиз қария ва ногиронлар учун уйидагидек шароит яратиш мақсадида 2012 йилда 9573,0 млн. сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи 33 та «Саховат» ва «Мурувват» уйларида, шулардан 8 таси «Саховат» уйи, 5 та «Болалар мурувват» уйи, 20 та эркаклар ва аёллар «Мурувват» уйлари бўлиб, уларда 7 минг нафарга яқин ёлғиз кекса-қариялар, ногиронлар давлат томонидан тўлиқ таъминотга олинганлар⁹¹. 2017-2021 йилларда барча «Саховат» ва «Мурувват» уйлари капитал реконструкция қилинади. Уларнинг моддий техник базаси тикланиб замонавий шароитлар яратилади⁹². Ушбу тиббий-ижтимоий муассасаларда аҳолининг муҳтож қатламлари ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган янги ижтимоий технологиялар жорий қилинди. Хусусан, алоқадор вазирликлар ва ташкилотлар ҳамда ҳокимиятлар билан ҳамкорликда 4,6 мингта реабилитация техник воситаларини (ногирон аравачалари, эшитиш мосламалари, ҳасса ва кўлтиқтаёқ ва бошқалар) вақтинча фойдаланишга бериш прокат пунктлари ташкил қилиниб, фуқароларга хизмат кўрсатмоқда. Бугунги кунда фаолият кўрсатиб келаётган 177 та мулоқотда

⁹⁰ Қосимов Ш.(Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази бўлим мудири) 2012 йил Реабилитация: Назария ва тажрибалар амалиётга / Қадрият. – Тошкент, 2012 йил 29 сентябр. – Б. 4.

⁹¹ Ўзбекистон республикасида алоҳида эҳтиёжли кишилар учун фаолият юритаётган муассаса ва ташкилотлар ҳақида маълумотнома, – Тошкент, 2008. – Б. 25-26.

⁹² Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б.56.

бўлиш ва хордик чиқариш марказларига 18 минг нафар ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар жалб қилиниб, бу ерда уларга амбулатор типда кундузги кўринишдаги ижтимоий хизмат турлари кўрсатилмоқда.

Тошкент шахрида тажриба тариқасида жорий этилган «Ҳаракатланишда қийналаётган фуқароларга бепул транспорт хизмат кўрсатиш» тизими республиканинг яна 192 та туман (шаҳар) ларида ҳам жорий этилиб, бу йўналишда 8057 нафар ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга бепул транспорт хизмати амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 23 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тиббий-ижтимоий муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори қабул қилинди ва бу билан вазирлик тасарруфидаги «Саховат» уйлари, «Мурувват» уйлари, болалар «Мурувват» уйлари, Уруш ва меҳнат фахрийлари учун Республика пансионати, Уруш ва меҳнат фахрийлари учун сиҳатгоҳларнинг намунавий низомлари тасдиқланиб, мазкур муассасаларда кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ва майший хизматларнинг кафолатланган стандарт шакллари белгилаб берилди.

2011 йилга келиб Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг «Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз фуқароларга уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»⁹³ ги Буйруғига асосан ижтимоий хизмат ходимларининг асосий вазифалари тизими ишлаб чиқилди. Унга кўра ижтимоий хизмат ходимлари томонидан ногиронлар учун зарур озиқ-овқат маҳсулотларини уйига етказиб бериш, кийимлари ва уй анжомларини тозалаб бериш, тиббий ёрдам кўрсатиш каби вазифалар юклangan ва улар аҳолининг ишсиз қатламидан саралаб олинади. Туман бадликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий

⁹³Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг «Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз фуқароларга уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги Буйруғи // Ўзбекистон қонун хужжатлари тўплами, 2011, 28-сон, 294-модда; 2015, 11-сон, 129-модда.

муҳофаза қилиш марказлари томонидан ижтимоий хизмат ходимларининг фаолияти мониторинг қилиб борилади ва ҳар ҳафталик натижага кўра унинг фаолиятига баҳо берилади. Лекин, меҳрибонлик уйлари, болалар уйларига ижтимоий хизмат кўрсатиш ва ҳимоя қилиш Республика реабилитация марказида бор-йўғи бир неча олий маълумотли ижтимоий хизматчи лавозими жорий этилган. Яъни, Республика бўйлаб атиги 40 та профессионал ижтимоий хизматчи лавозими мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2011 йил 30 майдаги «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказининг 150 ўринга мўлжалланган даволаш корпуси қайта таъмирлашдан чиқарилди. Самарқанд вилояти ногиронлар учун реабилитация марказида эса 75 ўринли янги реабилитация биносини қуриш ишлари якунига етмоқда. Шунингдек, мазкур қарорга асосан 2015 йилга қадар Тошкент, Наманган ва Фарғона вилоятларидағи Ногиронлар учун ҳудудий реабилитация марказларидағи даволаш корпушлари ҳам қайта таъмирланди.

2012 йил «Наврўз» ва «Мустақиллик» байрамлари арафасида 22 минг нафар ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга, кам таъминланган ва кўп болали оиласаларга салкам 3 млард. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 15700 нафар муҳтоҷ ногироннинг протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация техник воситаларига бўлган эҳтиёжи қондирилди. 2004 йилда Улардан 4594 нафарига протез-ортопедия маҳсулотлари, 1322 нафарига ногиронар аравачаси, 676 тасига эшитиш мосламаси ва қарийб 3,4 минг нафарига ҳасса ва қўлтиқтаёқлар бепул етказилди.

Бугунги кунда тизимдаги ногиронларни реабилитация қилиш марказлари томонидан ногиронларни якка тартибда реабилитация қилиш, бу борада соғликни сақлаш тизими билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида реабилитация

марказларида салкам 15 минг нафар ногиронлар реабилитация қилинди. 2012 йил 3 декабрь халқаро ногиронлар куни арафасида Мөхнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан Қоракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган ногиронларга 579 дона ногиронлар аравачаси, 55 дона эшитиш мосламаси, 550 та ҳасса ва 40 жуфт қўлтиқ-таёқлар ажратилиб, жойларда ўтказилаётган тадбирларда муҳтож ногиронларга етказилди⁹⁴.

Манзилли ижтимоий ҳимояни қучайтириш, ижтимоий қўллаб қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли қатламларининг турмуш даражаси сифатини ошириш, 2008-2013 йилларда Ўзбекистонда ногиронлар жамияти таркибидаги вилоят туман ногиронлар жамиятлари жисмоний имкониятлари чекланган турли ёшдаги аҳоли қатламларини қўллаб қувватлашга йўналтирилган 135 дан ортиқ лойиҳа учун 1 млард 614,5 млн сўмдан ортиқ маблағлар йўналтирилган. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини (2012 йил) амалга ошириш доирасида ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатламларига ижтимоий хизматлар кўрсатишга янада кенг жалб қилиш, уларнинг сифатини яхшилаш ва янги иш ўринлари яратиш йўлида жамоат фонди ва парламент комиссияси ўз тажрибасида давлат гранти ажратиш бўйича биринчи марта қўшма танлов ўтказди.

Ушбу танлов «Аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қисмига хизматлар кўрсатишга ННТ ларни жалб қилиш» мавзусида БМТ ТД Ўзбекистон Республикаси мөхнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда ўтказилди. Танловнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, Парламент комиссиясининг қарорига асосан ижтимоий муҳим деб топилган 19 нафар лойиҳа 280,0 млн сўмдан ортиқ маблағ билан қўллаб-қувватланди. Натижада ўзганинг кўмагига муҳтож бўлган жисмоний имконияти чекланган фуқароларга ва якка ёлғиз

⁹⁴Ўзбекистон ногиронлар жамияти жорий архив материаллари. Пресс релиз, 3-декабр «Халқаро ногиронлар куни»га бағишланган тадбир ва матбуот-анжуманига тайёрланган маъруза, – Тошкент, 2012 йил 3 декабр.

нафақаҳўларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш, протез-ортопедик маҳсулотлар, реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқиш оширилди, ижтимоий тиббий хизматлардан фойдаланиш имконияти кенгайтирилди⁹⁵.

Кексалар ва ногиронларни реабилитация қилишнинг бир тури сифатида Ногиронлар ва кексаларни бепул санатория-курорт йўлланмалари билан таъминлаш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномада (рўйхат рақами 2356, 2012 йил 27 апрель) кексалар ва ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийларга бепул йўлланмалар бериш тартиби белгилаб қўйилган. Республикаизда ногиронлар учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида «Товоқсой», «Олтиариқ», «Косонсой», «Тахиатош», «Маржон суви», «Нуронийлар» уруш ва меҳнат фахрийлари сиҳатгоҳи, Жиззах вилоятидаги «Қариялар» оромгоҳи каби 7 та сиҳатгоҳ ва оромгоҳлар мавжуд бўлиб⁹⁶. Ушбу санаторияларга ҳар йили 7 мингдан ортиқ ногиронлар даволанишга борадилар. Биргина Жиззах вилоятидаги «Қариялар» оромгоҳида йилига 1400 киши даволангандан бўлса, 2013 йилдан бошлаб йилига 2800 нафар дам оловчи даволаниш имкониятига эга бўлди⁹⁷.

2012 йилнинг ўзида 55 нафар ёлғиз кексалар диспансер кўригидан ўтказилди. Улардан 4 нафари сиҳатгоҳларда даволанди, 32 нафарига 325 минг сўмлик бепул дори-дармон етказиб берилди. Бир киши кўз ойнак ва яна бир киши ногиронлар аравачаси, 8 киши ҳасса билан таъминланди. Ушбу мақсадларга 528 минг маблағ сарфланди. «Олтиариқ», «Косонсой», «Маржон суви», «Нуронийлар» оромгоҳларига 45 нафари, 83 киши эса Жиззах қариялар пансионатига йўлланмалар билан таъминландилар. Бу имтиёз билан мустакилликнинг дастлабки йилларида (1993йил) 210 минг, 1994 йилда 915 мингга яқин пеционерлар фойдалангандан бўлсалар, 2014 йилга келиб 2900 нафар пеционерлар «Олтиариқ» ва «Товоқсой» санаторийларига йўлланмалар

⁹⁵СайдовА.Х., ТўраевА.Т. «Мамалакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни фаол амалга оширишда жамоат фонди ва парламент комиссияси фаолияти. (график ва статистик рақамлар). –Тошкент: ARTFLEX, 2015. – Б.44.

⁹⁶Ўзбекистон республикасида алоҳида эҳтиёжли кишилар учун фаолият юритаётган муассаса ва ташкилотлар ҳақида маълумотнома. – Тошкент: 2008. – Б.25.

⁹⁷ СайдовО. Соғлом танда-соғ акл/ Қадрият. –Тошкент, 2013 йил 19 январь. – №3. –Б.2.

олдилар⁹⁸. Шунингдек муҳтож ногиронлардан 6 нафарига ногиронлик аравачаси, 6 нафарига эшитиш мосламаси, 25 нафарига ҳасса, 4 нафарига кўлтиқтаёқ етказиб берилди⁹⁹. 2012 йилнинг ўтган тўққиз ойи якуни бўйича, реабилитация марказида жами 3433 нафар ногиронга (шу жумладан, 210 нафар бола) комплекс реабилитация тадбирлари ўтказилди. 22 нафар бемор ногироннинг чаноқ сон бўғимида эндопротезлаш жарроҳлиги амалга оширилди.

Япония томонидан беғараз грант ёрдами сифатида НРПММ га берилган тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар марказни янги ривожланиш марказига олиб чиқди. Натижада, ногиронларни функционал-диагностика ва тиббий ижтимоий реабилитация қилиш тадбирларининг сифати, иш кўлами самарадорлиги ортди. Грант орқали олинган барча тиббий аппаратуралар марказнинг клиник бўлимлари, жарроҳлик бўлими ва интенсив терапия бўлими, компьютер томография бўлинмаси, физиотерапия ва даволаш, бадан тарбия, функционал диагностика ногиронлиги бўлган шахсларга бепул хизмат кўрсатмоқда. Андижон вилоят марказидаги реабилитация маркази орқали уч йил давомида 1774 нафар ҳомийлик йўли билан қайта даволанди. 192 нафар ногиронга ортопедик хизмати кўрсатилди¹⁰⁰.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги «Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2705-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 1 августдаги Р-5006-сонли «Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши, 2017 йил 1 декабрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-

⁹⁸ ЎЗМДА, М.44-жамғарма, 1-рўйхат, 25-ийғма жилд. 13-варак.

⁹⁹ Зуфаров Ё.Ижтимоий ҳимоянинг муҳим кафолати/Қадрият. – Тошкент, 2012. – №12-14. – Б. 3.

¹⁰⁰ Кўшоқов Т. / Қадрият. – Тошкент, 2013 йил 22 апрель. – №14-16. – Б. 3.

тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди.

Ушбу қонун асосида ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ҳаёт сифатини яхшилаш тизимини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Айниқса уларни уй-жой билан таъминлаш, реабилитация ва абилитация қилиш, жамиятга ижтимоий мослаштириш борасида самарали ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 январдаги “Уй-жойлар қуришни ривожлантириш бўйича мақсадли Дастурларини самарали амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ-3480 сонли қарорига асосан 2018 йил Дастурига 22 145 та янгилангандан намунавий лойиҳалар бўйича арzon уй-жойлар қурилиши белгилангандан.

2019 йилларда ногиронлиги бўлган, кам таъминланган хотин-қизларга жами **3 мингта** уй берилиши режалаштирилган, шундан **1 минг 640 таси** сентябр ойигача берилиши мўлжалланган бўлиб, шу кунгача жами **1 минг 691 нафар** уй-жойга муҳтож, ногиронлиги бўлган хотин-қизларга уй-жой ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 апрелдаги “Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган фарзандларини тўлиқсиз оиласда тарбиялаётган ва уй жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арzon уйларни бериш тўғрисида”ги 285-сон қарорига мувофиқ, Хотин-қизлар қўмитаси қошидаги Хотин-қизларни ва оиласи қўлаб қувватлаш жамоат фонди орқали 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига **1207 нафар** уй-жойга муҳтож, оғир турмуш шароитидаги ва ногиронлиги бўлган хотин-қизлар учун жами **47,7 млрд.** сўмлик бошланғич тўлов миқдори тўлаб берилди. Умумий қилиб олганда, Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ёрдам ва ижтимоий хизмат кўрсатишнинг комплекс тизими яратилди.

Умумий қилиб олганда, Республика бўйича ҳар йили 100 минг нафардан ортиқ фуқарога ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун 150 миллиард сўм миқдоридаги маблағ ажратилади. Биргина Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида 95 мингдан ортиқ кекса ва ногиронлар ижтимоий ёрдам олишади. Шулардан 30 минг нафари соғломлаштириш масканларида, 17 минги реабилитация марказларида, 16 мингига уйда ижтимоий хизмат кўрсатилади, 12 мингига ҳар йили протез-ортопедия маҳсулотлари тақдим килинади. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ёрдам ва ижтимоий хизмат кўрсатишнинг комплекс тизими яратилди.

2.Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар.

Аҳолининг саломатлиги давлатнинг фаровонлигидан далолат берувчи энг асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам мустакилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб оналар ва болалар саломатлиги ва ногиронликнинг олдини олиш йўлида узлуксиз ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Уларга тиббий ёрдам сифатини ошириш ва бу борада қулайликлар яратиш ишларини барча худудларда юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмонан соғлом ва маънавий етук ёш авлодни тарбиялашда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг кейинги йилларда қабул қилган қарорлари, ҳар бир йилга ном берилишининг замирида ўз аксини топган. Масалан, 1999 йил «Аёллар йили», 2000 йил «Она ва бола йили», 2010 йил «Баркамол авлод йили» ва ҳ.к. Республикаизда соғлом наслни шакллантириш билан бир қаторда ногирон болаларни ҳам соғломлаштириш йўлида изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда ва бунинг учун мустаҳкам қонунчилик базаси ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун, «Фуқаролар соғлигини сақлаш

тўғрисида»ги Қонун, «Ўзбекистон республикасида ОИВ касаллигининг тарқалишига қарши курашнинг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг «16 ёшгача бўлган болаларни ногирон деб топиш ҳақидаги тиббий хулоса бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори, «Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни¹⁰¹, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг «Кексалар, ногиронлар ва ахолининг бошқа ижтимоий ҳожатманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида»ги Қонуни, «Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши каби 70 дан ортиқ норматив ҳуқуқий-хужжатлар билан тартибга солинади. Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига¹⁰² эга эканлиги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 40-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

Мамлакатда соғлиқни саклаш соҳасидаги ислоҳот босқичма-босқич олиб борилди. Биринчи босқич, 1991-1994 йилларда бутун эътибор оналар ва болалар соглигини муҳофаза қилиш хизматини такомиллаштириш, демографик кўрсаткичларни барқарорлаштириш, юкумли касалликларни камайтиришга каратилди.

Иккинчи босқич 1994-1998 йилларда дорихоналар ва бир қанча даволаш- профилактика муассасалари хусусийлаштирилди, амбулатория-поликлиника хизмати ривожлантирилиб кайта тузилди. Натижада, ахолининг касалхонада ётиб даволаниши 1997 йилдаги 18,3% ўрнига 2001 йилда 13,8% га камайди.

¹⁰¹ Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 18 марта 75-сонли «Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни // www.lex.uz

¹⁰² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – Б. 15

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқлари ижтимоий инфраструктурасини 2000 йилгача бўлган даврда ривожлантириш дастури тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ соғлиқни сақлаш соҳасида мутлако янги муассаса - қишлоқ врачалик пунктлари ташкил этиш ва ахолига дастлабки фельдшерлик ёрдами эмас, балки малакали врачалик ёрдами кўрсатиш кузда тутилди. Қишлоқ врчалик пункти учун ҳамма кўрсаткичлар - моддий таъминот, кадрлар, замонавий асбоб-ускуналар ва дори- дармонлар билан таъминлаш бўйича халқаро стандартларга мос келадиган маҳсус мезон ишлаб чиқилди.

1998 йилдан соғлиқни сақлашнинг ривожланишида янги давр бошланди - 1998 йил 10 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг фармони билан 1998-2005 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини кайта қуриш Давлат дастури қабул қилинди. Унда мамлакат ахолисига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш тадбирлари кўрсатиб берилди. Бу дастур асосида соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинини мустаҳкамлаш ва умумий врачалик амалиётини ривожлантириш тадбирлари амалга оширилди. Ҳамма вилоятларда қишлоқ врачалик пунктининг кенг тармоклари ташкил этилди, натижада икки босқичли, яъни қишлоқ врачалик пункти ҳамда туман марказий шифохонаси орқали тиббий ёрдам кўрсатиш йулга куйилди. Мазкур ишлар Жаҳон банки билан ҳамкорликда «Саломатлик» лойиҳаси асосида амалга оширилди. Бу соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини муассасаларини бошқариш ва молиялаштиришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва умумий амалий тиббий ходимлар тайёрлаш имконини берди¹⁰³.

Аммо ушбу тизим доирасида бажарилган ишлар барча вилоятларда ҳам бирдай амалга оширилмади ва натижада Республика миқёсида ногиронлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Бунинг асосий сабаблари сифатида

¹⁰³Файзулаев Т., Саримсоқов Т. Мустакил Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши (ўкув-услубий қўлланма). - Наманганд, 2013. -Б.185.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганлариdek, «Туғма ва наслий касалликларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича кўрилаётган чоралар кутилган натижани бермаяпти. Чақалоқларни перинатал скрининги кўригидан ўтказиш туғма нуқсонларни ўз вақтида аниқлашни ва ногиронликнинг кейинчалик олдини олишни таъминламаяпти»¹⁰⁴.

Масалан, мустақилликнинг дастлабки йилларида умумий аҳоли сони 22 миллион бўлиб, улар орасида ногиронлар сони 350 мингни ташкил қилган бўлса,¹⁰⁵ 1996 йилда 82551¹⁰⁶ нафар, 2017 йилга келиб умумий аҳоли сони 32 миллиондан ортиқ ва ногиронлар сони 600 мингдан ортиқни ташкил қилди¹⁰⁷. Айниқса, 1989 йилдан 1996 йилгача умумий ногиронлик 67,7% га ошди.¹⁰⁸

1996 йилдан ногиронлик суръатининг камайишида Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 ноябр куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ногиронлар реабилитацияси бўйича 1996-2000 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори асосида «Ногиронларни реабилитация қилиш Давлат дастури»нинг ишлаб чиқилиши мухим рол ўйнади. Дастурнинг амалга оширилиши натижасида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимида Республика Миллий реабилитация ва протезлаш марказининг ташкил қилиниши ва ҳар бири 50 ўринли жами 500 ўринга мўлжалланган 10 та ногиронлар учун миңтақавий реабилитация марказлари ҳамда поликлиника ва стационарларда реабилитация бўлимларининг очилиши асосида 1996-2000 йилларда ногиронларни реабилитация қилиш тизими ташкил қилинди¹⁰⁹ ва унда

¹⁰⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ногиронларни давлат томонидан қўллаб қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши // Халқ сўзи, – Тошкент, 2017 йил 2 август, – 151(6845).

¹⁰⁵ ЎЗМДА, М.110-жамғарма, 1-рўйхат, 335-ийғма жилд. 9-варакнинг орқаси.

¹⁰⁶ ЎЗМДА, М.110-жамғарма, 1-рўйхат, 2137-ийғма жилд. 1-варак.

¹⁰⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. www.lex.uz.

¹⁰⁸ Ўзбекистон Республикасида алоҳида эҳтиёжли кишилар учун фаолият юритаётган муассаса ва ташкилотлар ҳақида маълумотнома, – Тошкент, 2008. – Б. 12.

¹⁰⁹ Акбаров Р. Келажакка умид билан (Ўзбекистон ногиронлар жамиятнинг 2-қурултойи) / Қадрият. – Тошкент, 2001, 1 декабр, №35-40(150-155). – Б. 2.

неврология, хирургия, терапевтик бўлимлари ташкил қилинди. Дунё тажрибасида ногиронларни психологик реабилитация усули кенг қўлланилмоқда¹¹⁰. Ўзбекистонда ҳам шундай бўлим очилган бўлиб, психологик реабилитация учун ижтимоий психологик ёрдам бўлимида психолог томонидан ногиронларнинг ижтимоий белгилари, улар билан индивидуал сухбат ва аутотренинг, микрорелаксация турларини ўтказиш жараёнида bemорларни ҳаётга, меҳнатга ва турли маданий оқартув ишларига нисбатан ҳошиш, ишонч уйғотишга ёрдам кўрсатади. Психологик реабилитация ўтаганлар сони 65,5% ни ташкил қиласди¹¹¹.

«Ўзбекистон Республикаси ногиронлар реабилитацияси бўйича 1996-2000 йилларга мўлжалланган» Давлат дастурининг мантиқий давоми сифатида 1996 йил 29 августда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тўғрисида»ги Қонун ва 1997 йил 2 декабрдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан стационар даволаш профилактика муасссаларида даволанаётган онкологик, туберкулёз, психик касалликлар, нурланиш касалига учраганлар, инфекцион касалликлар, сфилис, ВИЧ, Эндокрин касалликка чалинганлар bemорларга дори дармонлар текин тарқатила бошлади. Болаликдан ногиронлар ва 1, 2 гурӯҳ ногиронлари ва ёлғиз кексалар даволаш профилактика муассасаларида овқат учун пул тўламайдилар.¹¹²

Ногиронларга бепул тиббий хизмат тизимини жорий қилиш, аҳолининг имтиёзли гурӯхларига кирувчи барча қатламларига тиббий хизматдан фойдаланишда имтиёзлар жорий қилиш тизими Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан 1998 йил 10 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони ушбу тизимни янада такомиллаштиришга аҳамият қаратилди. Натижада, 1991-1996 йиллар

¹¹⁰Хидирова Б. Не только лечение но и реабилитация/ Вечерний Ташкент. – Тошкент, 2003 йил 2 декабр, №233(10.036). –Б.3.

¹¹¹ Жуманиёзов Д. Юксак малака ва шунга яраша муолажа/ Қадрият. – Тошкент, 2011, 8 январь.– №1.

¹¹² Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 29 августдаги «Соғлиқни сақлаш тўғрисида»ги Қонун// Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 1997 , 3-сон, 114-модда

давомида ногиронлик тез суръатлар билан ўсиб борган бўлса-да, 2001 йилдан кейин пасайди¹¹³. Бунинг асосий сабабларидан бири, 1998 йилдан «Она ва бола скрининги» Давлат дастури доирасида амалий тадбирлар олиб борилиши натижасида ногирон болаларнинг туғилиши суръатининг пасайиши бўлса, иккинчи сабаблардан бири 1996-2000 йилларга мўлжалланган ногиронларни реабилитация қилиш давлат дастури доирасида олиб борилган тадбирлар сабабдир.

Унга кўра Бухоро, Фарғона, Жиззах, Навоий вилоятларида ортопедик марказлари очилди. «Травматолог-ортопедия ИТИ» қошида протезлаш цехи очилди, ҳамда ногиронларга тиббий хизмат кўрсатишда тиббий мутахассислар тайёрлашга эътибор қаратилиб олий ўқув юртларининг «Даволаш иши» янги ўқув режасига 18 соат ТМЭ ва ТМЭК фани киритилди¹¹⁴. Бундан ташқари 1998 йилда миллий реабилитация маркази мутахассислари Голландия ва Англияning марказлари фаолияти билан танишиб малака ошириб келдилар. Унга кўра таянч ҳаракат аъзолари касалликларини реабилитация қилиш самарадорлигини ошириш масаласига асосий эътибор қаратилди¹¹⁵. Худди шу йили Мехнат вазирлигининг 1998 йил 16 июлдаги қарори билан ижтимоий таъминот тизимида ишчи хизматчилар калассификациясига «Врач-реабилитолог-эксперт лавозими ва соғлиқни сақлаш вазирлигининг маҳсус буйруғи билан «Врач-реабилитолог-эксперт ортопед», «Врач-реабилитолог-эксперт-невропатолог» мутахассисликлари киритилди¹¹⁶.

Айниқса, малакали тиббий ёрдамнинг бепуллиги ва унинг барча учун бир хиллиги, аҳоли орасида фаол эмлаш ишлари олиб борилиши ҳисобига кўп юқумли касалликлар йўқ бўлиб кетди¹¹⁷(жумладан, безгак касаллиги, ичак инфекциялари ва паразитар касалликлар асоратлари, полиемилет билан

¹¹³ Ўзбекистон республикасида алоҳида эҳтиёжли кишилар учун фаолият юритаётган муассаса ва ташкилотлар хакида маълумотнома. –Тошкент, 2008. – Б. 12.

¹¹⁴ ЎзМДА, М.37-жамғарма, 1-рўйхат, 4453-йигма жилд. 8-варак.

¹¹⁵ ЎзМДА, М.37-жамғарма, 1-рўйхат, 4453-йигма жилд. 3-варак.

¹¹⁶ ЎзМДА, М.37-жамғарма, 1-рўйхат, 4453-йигма жилд. 4-варак.

¹¹⁷ Иноятов А.А. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот хукуки: Дарслик. –Тошкент, ТДЮИ, 2005. – Б. 11.

касалланиш суръати сезиларли камайган). Аммо реабилитация борасида ютуқлар билан бир қаторда муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, Жиззах вилоятида 1998 йилда 154 нафар ногирон реабилитацияни ўтаган бўлса, 1999 йилда 469 тага етди¹¹⁸. Лекин ушбу вилоятда реабилитация олиб борувчи мутахассислар етишмас ва ушбу тизим тўлиқ такомиллашмаган эди. Натижада 50 ўринга мўлжалланган реабилитация марказининг атиги 27 таси банд эди¹¹⁹. Самарқанд вилоятида эса реабилитация маркази биноси таъмирга муҳтож эди¹²⁰.

Умумий Республика бўйича таҳлил қилинса, жами республикадаги реабилитация марказлари ногиронларни реабилитация қилишга тўлиқ мослаштирилмаган, ҳамда малакали шифокорлар етишмас эди ва ушбу муаммо ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда. Олиб борилаётган чоратадбирларга қарамасдан Республика бўйича ҳавфли касалликлар ва ногиронлар сонида ўсиш кузатилган.

Орол денгизи атрофидаги экологик вазият туфайли лепра касаллиги 1991 йилгача 49,6% дан 84,6%га ўсган¹²¹. Айниқса, катталар орасида ногиронликнинг бошқа турларига нисбатан сил, спид, онкологик, юрак қонтомир тизими касалликлар билан касалланиш суръати ортди. 1995 йилдан 2002 йилгача сил билан касалланиш 46,8% га, спид билан касалланиш 1760 нафарга (25,6% га) ошган ва аҳолининг ҳар 100 мингта аҳолисининг 12% ини ташкил қиласди. 2000 йилдан буён сил билан касалланиш Ўзбекистонда 78,7% га ошди¹²².

Ушбу касаллик асосан Ўзбекистоннинг экологик вазияти оғир худудларига тўғри келади. Дунёда сил касаллигидан вафот этиш ҳолатлари АҚШ да 0,1%, Хиндистонда 24%, Туркияда 0,7%, Германияда 0,3%, Францияда 0,5%, Италияда 0,6%, Хитойда 3,5%, Японияда 1,7%, Кореяда

¹¹⁸ Жиззах Вилоят Давлат Архиви. 317-жамғарма, 1-рўйхат, 12-ийғма жилд. Вилоят ногиронлар учун минтақавий реабилитация маркази. 53-варап.

¹¹⁹ ЎзМДА, М.37-жамғарма, 1-рўйхат, 4460-ийғма жилд. 248-варап.

¹²⁰ ЎзМДА, М.37-жамғарма, 1-рўйхат, 4460-ийғма жилд. 249-варап.

¹²¹ ЎРИТХМДА. М.372-жамғарма, 1-рўйхат, 50-ийғма жилд. 28-варап.

¹²² Госкомстат Ўзбекистана. Узбекистан в цифрах. Статистический сборник. – Ташкент, 2010. – С. 47.

4,9% ни ташкил қиласа, МДХ давлатларидан Афғонистонда 39%, Россияда 16%, Қозоғистонда сил касаллигидан вафот этиш ҳолатлари 14%, Қирғизистонда 10%, Туркманистанда 10%, бўлса Ўзбекистонда 6,1% ни ташкил қиласи.¹²³ Ўзбекистонда сил касаллигидан вафот этиш ҳолатлари ривожланган мамалакатларга нисбатан юқорироқ бўлса-да, МДХ давлатлари ичидаги энг паст фоизга тўғри келади.

Сил касаллигига қарши курашиш учун Ўзбекистонда бугунги кунда 108 та диспансер, 71 та бўлим, 37 та кабинет, 12 та мустақил касалхоналар, 26 та санатория фаолият юритмоқда. Бундан ташқари сил билан касалланганларни даволашга ихтинослаштирилган 64 мактабгача ва 13 санатория туридаги мактаблар фаолият юритади. 1998 йилдан бошлаб ДОТС стратегиясининг амалга татбиқ этилиши натижасида силга қарши тиббий муассасалар зарур техник ва технологик жиҳатдан таъминландилар. 2001 йил «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги¹²⁴ қонуннинг қабул қилиниши ва 2004 йилдан бошлаб силга қарши болаларни эмлаш (БЦЖ) тизими такомиллашди. Республика бўйича сил билан касалланганлар энг кўп қайд этилган ҳудуд Қорақалпоғистон республикасига тўғри келганлиги учун 2006 йилдан бошлаб ПРООН билан ҳамкорликда «Қорақалпоғистонда аҳоли турмуш даражасини ошириш лойиҳаси» доирасида 11 та манзилгоҳларда аҳолининг сил касаллиги билан касалланиш даражасини аниқлаш ишлари олиб борилди. Лекин вилоятларда ушбу стратегия ҳақида етарли маълумотга эга бўлмагани учун ҳам ДОТС стратегияси суст олиб борилмоқда. Бундан ташқари, Сирдарё, Сурхондарё, Навоий вилояти, Тошкент шаҳарларида силга қарши кураш муассасалари етишмайди¹²⁵.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш

¹²³ Всемирная Организация Здравоохранения(ВОЗ). Мировая статистика здравоохранения. –Россия, 2013. – Б.32.

¹²⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. 2001.й., 10-сон, 52-м.

¹²⁵ Сайдова Г. Доклад о человеческом развитии 2006. Узбекистан. ПРООН, Б.48-49.

ҳақида»¹²⁶ Қарори ва 2008 йил 18 июнда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг қарорига асосан «Ногиронликнинг олдини олиш мақсадида ирсий касалликларни эрта аниқлаш тўғрисида»ги Давлат дастури қабул қилиниши асосида 1 478 322 нафар ёшлар тиббий кўриқдан ўтган бўлса, улардан 3989 нафарида психик касалликлар, 1417- сил, 489- сифилис, 369- наркомания и 371 – ВИЧ- инфекцияси касалликлари аниқланди. Бу билан қанчадан-қанча ногирон болаларнинг туғилиши олди олинди. Бундан ташқари «Она ва бола скрининг» марказлари фаолияти ҳам ногирон болаларнинг туғилишининг олдини олиш ва ирсий касалликларни эрта муддатларда аниқлаш имконини бермокда. Ушбу тадбирлар натижасида 404419 нафар ҳомиладор аёл тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларнинг 6266 нафарида туғма юрак пароги аниқланди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва “Соғлом авлод учун” жамғармаси Германиянинг Friedenzdorf interneshnl халқаро ҳайрия ташкилоти билан 2002 йилдан ҳамкорлик натижасида 2003-2014 йиллар давомида жами 4273 нафар лаб ва танглайнинг туғма нуқсони, ортопедик оёқ ва бўйиннинг туғма нуқсонлари бўлган болалар пластик жарроҳлик йўли билан соғломлаштирилди¹²⁷.

Неонтал скрининг марказларида 70% болаларда, яъни 2382 тасида гипотиреоз ва 423 тасида фенилкетонурия касалликлари аниқланди. 3391 нафар болада ақлий ривожланишда орқада қолиш ҳолатлари эрта ташхис натижасида аниқланиб бартараф этилди ва бундай ҳолатлар асосан қариндошлар ўртасида тузилган никоҳ ҳолатларида ва носоғлом муҳит ҳукмрон бўлган оиласарда кўпроқ қайд этилган. Мавжуд неонатал ва скрининг марказлари томонидан ногиронлик ҳолатлари эрта муддатларда аниқланган ҳомиладор аёлларнинг 70% и марказий шаҳар ҳудудларида истиқомат қилсалар, қолган 30% и қишлоқ ҳудудларида истиқомат

¹²⁶ Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августаги «Никохланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2003, 15-16-сон, 136-модда; 2007 й., 16-сон, 164-модда.

¹²⁷ Инамова.С. Соғлом авлод-соғлом келажак// Соғлом авлод учун. –Тошкент: 2014. №11. –Б.6.

қиласидар. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганлариdek: «Ушбу тадбирлар барча вилоятларда бирдай амалга оширилмаганлиги натижасида барча аёллар ҳам ушбу текширувларга жалб қилинмаган. Натижада ҳомиладор аёлларнинг 60% дан ортиғи скрининг текширишлари билан қамраб олинмаган. Касалликлар ўз вақтида аниқланмаганлиги оқибатида 3568 нафар бола туғма нуқсонлар билан туғилганлиги аниқланган.

Республикада чақалоқларга нисбатан ўтказилаётган перинатал скрининг тадқиқотлар фақат икки турдаги тадқиқотларни ўз ичига олади (қалқонсимон без гармони етишмовчилиги, ақлий қолоқликка олиб келадиган нуқсонлар) ҳамда бу туғма нуқсонларни ўз вақтида аниқлаш ва ногиронликнинг кейинчалик олдини олиш учун етарли бўлмаяпти. Ёш болаларни ялпи скрининг тадқиқ этишни ташкил этиш ва ўтказишдаги камчиликлар реабилитация тадбирларини амалга ошириш учун қулай фурсатнинг бой берилишига ҳамда болалар ногиронлиги пайдо бўлишига олиб келмоқда».¹²⁸ 2008 йил 11 июлда «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири амалга кирди. Қонуннинг З-боби тўла имконияти чекланган шахсларнинг реабилитациясига бағищланган бўлиб, унинг 14-моддасида «Ногиронларни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурига бағищланган бўлиб, ушбу дастур Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 марта 75-сонли «Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни,¹²⁹ 2009 йил 17 июндаги 166-сонли «Реабилитацион техник воситалар ёки хизматни ташкил қилиш билан боғлиқ компенсация тўлаш тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги»¹³⁰ Қонуни қабул қилиниши билан янада такомиллаштирилди. Унга биноан имконияти чекланганларни

¹²⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши // Халқ сўзи, – Тошкент, 2017, 2 август, – 151(6845).

¹²⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2009, 13-сон, 140-модда.

¹³⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Реабилитацион техник воситалар ёки хизматни ташкил қилиш билан боғлиқ компенсация тўлаш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2009, 25-сон, 286-модда.

реабилитация қилишда тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва реабилитация самарадорлигини жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2009 йил 5 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Мехнат Вазирлигининг имконияти чекланган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази жиҳозланишини яхшилаш бўйича Япония ҳукумати грантидан самарали фойдаланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»¹³¹ги Қарори қабул қилинди.

Реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури ҳар бир ногиронга алоҳида тузилади ва унда ногироннинг тиббий, касбий ва ижтимоий реабилитацияси индивидуал тарзда ишлаб чиқилади ҳамда уни амалга оширилиши назорат қилинади. Дастурда белгиланган тадбирларни бажарилиши учун тегишли барча ташкилот ва муассасалар раҳбарлари жавобгардирлар¹³².

2010 йилда аввал бўлгани каби хавфли ўсимталар билан касалланиш даражаси (100 минг кишига хасталангандар сони) аёллар орасида эркакларга кўра сезиларли даражада юқорироқ, аёлларда 73,6 ва эркакларда 61,1 ҳолат. Лекин аёллар орасида бу касаллик билан касалланиш даражаси 2010 йилда 2007 йилга нисбатан ҳар 100 минг киши нисбатида 78 ҳолатдан 73,6 ҳолатга тушди. Эркакларда 64,2 ҳолатдан 61,1 ҳолатга тушди. Фаол сил билан касалланиш даражаси 2010 йилда 2007 йилга нисбатан 11,7 фоиз пасайди. Аёллар ўртасида 22% дан 17,2 % га, эркаклар ўртасида 55,3% дан 50,6% га пасайди. Эркакларда 79,6 дан 71,2 га камайди.

2010 йилда руҳий бузилишлар билан касалланганлар сони 2007 йилга нисбатан сезиларли пасайди. Касалланиш ҳар 100 минг кишидан аёлларда 114,2 ҳолатга. Эркакларда 152,9 дан 148,1 ҳолатга камайди. Гиёҳвандлик ва

¹³¹ Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг «Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирлигининг ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази жиҳозланишини яхшилаш бўйича Япония ҳукумати грантидан самарали фойдаланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси, 2009 , 2-сон, 38-модда.

¹³² Солиев А. Ногиронларни реабилитацияси йўлида./ Қадрият. – Тошкент, 2012 йил 12 апрель. – Б. 2.

токсикомания билан касалланиш даражаси 0,9 ҳолатдан 0,6 ҳолатга камайди. Аёлларда бу касаллик эркакларга нисбатан 25 маротаба кам.¹³³

МДХ давлатлари билан қиёслаганда наркомания ва токсикомания бўйича Қозоғистон, Озарбайжон, Россия, Молдава, Украина, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Белоруссиядагига қараганда Ўзбекистонда камроқ бўлса¹³⁴ ҳам бошқа турдаги ногиронликлар сони кескин ортиб кетган. Жумладан, 2007 йилдан 2010 йилгача ҳавфли усимта касаллиги билан касалланганлар сони камайган бўлса-да, 2013 йилда 33221,09 мингдан 2015 йилда 40711,29 тагача ортган¹³⁵.

2009 йилда умумий ногиронлик 23577346 нафардан 2010 йилда 23871388 нафарга ошди¹³⁶. 2015 йилда 2013 йилдагига нисбатан 14,8% га ортган¹³⁷ бўлса, 2017 йилда 600 мингдан ошди¹³⁸. Республика бўйича бирламчи ногиронлик ўтган уч йил ичида касаллик тизимлари ўртасида ўсиш ҳолатлари аниқланган:

Биринчи ўринда қон айланиш тизими касалликлари, иккинчи ўринда ҳавфли ўсмалар, учинчи ўринда руҳий касалликлар, тўртинчи ўринда асад бешинчи ўринда суюк-мушак тизими касалликлари, олтинчи ўринда эндокрин тизими касалликлари туради. Республика Саломатлик ва тиббий статистика институтидан олинган маълумотларга асосан Ўзбекистон Республикасида аҳоли ўртасидаги умумий касалланишнинг 2010-2011 йиллар бўйича солиштирма статистика кўрсаткичи 100000 аҳолига нисбатан, жами 82626,76

¹³³ Ўзбекистон аёллари ва эркаклари. Статистик тўплам – Тошкент, 2012.– Б. 75.

¹³⁴ Щербакова Е. Демосков weekly. Евразийский демографический барометр. Институт демографии государственного Университета-высшей школы экономики. 21 июнь-31 июль, 2010. – №427-428.

¹³⁵ Ўзбекистон Республикасида бирламчи ногиронлик ҳолати ва унинг 2013-2015 йиллардаги солиштирма кўрсаткичлари таҳлили(таҳлилий-статистик кўлланма). –Тошкент: Истиқбол, 2017. – Б.33.

¹³⁶ Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, ногиронларни реабилитация килиш ва протезлаш миллий маркази. Республикада ногиронликни 2010-2011 йил якунлари бўйича солиштирма кўрсаткичлари ва сабабларига доир илмий таҳлилий ахборотнома. –Тошкент, 2012. – Б. 12.

¹³⁷ Ўзбекистон Республикасида бирламчи ногиронлик ҳолати ва унинг 2013-2015 йиллардаги солиштирма кўрсаткичлари таҳлили(таҳлилий-статистик кўлланма). – Тошкент: Истиқбол, 2017. – Б. 24.

¹³⁸ Ўзбекистон ногиронлар жамияти жорий архив материаллари. Ўзбекистон ногиронлар жамиятининг КР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимларида ногиронлар сони ҳақида маълумот.–Тошкент, 1.01.2017.

дан 80586,73тага камайганлиги (фарқи 2040,03; 2,5%) кузатилди. 2013-2015 йиллар 78356 дан 81530 тага ортган¹³⁹.

Республика ҳудудлари бўйича умумий касалланишнинг солиштирма кўрсаткичини яққол камайиш фарқи асосан Навоий (- 9813,06), Фарғона (- 9643,04), Хоразм (- 8629,97), Бухоро (-7805.24), Жиззах (-5394,81) вилоятларида кузатилган бўлса, унинг ортиши Наманган (+ 8038,64) ва Сурхондарё (+1864,79) вилоятларида қайд этилди.

Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистонда тиббий хизмат кўрсатиш тизими амалда тўлиқ қайта кўриб чиқилди. Ҳозирги вақтда бу борадаги ислоҳотларнинг асосий босқичларидан бири ниҳоясига етмоқда. Аҳолига бепул шошилинч ва юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун энг юксак талабларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган шифохона ва бўлимлар тармоғининг ташкил этилиши бу босқичнинг энг муҳим ва аниқ натижаси бўлганини таъкидлаш жоиз. Махсус ташкил этилган республика маркази бу тизимга раҳбарликни ва унинг фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминламоқда¹⁴⁰.

Жумладан, 2018 йилда қишлоқ врачлик пунктлари, шаҳар ва қишлоқ оиласвий поликлиникаларини ташкил этиш орқали бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш тизими такомиллаштирилди ҳамда аҳолининг ушбу хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди. Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг ягона марказлашган тизими яратилди, фуқароларга, жумладан, жойларда юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатувчи республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари тармоғи такомиллаштирилмоқда. Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қатор мақсадли миллий дастурлар амалга оширилди. Болаларнинг ирсий ва туғма касалликлар билан туғилишининг олдини олиш мақсадида республика ва ҳудудий скрининг марказлари ташкил этилди.

¹³⁹ Ўша асар. – Б. 24.

¹⁴⁰ Гафарали М.С., Касаев А.Г. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик тараққиёт асоси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2000. –Б.34.

Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги фармони муҳим аҳамият касб этди. Фармон билан тасдиқланган 2019–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ҳамда 2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури соҳа ривожида янги даврни бошлаб беради¹⁴¹.

Дунё тажрибасига қарайдиган бўлсак, бу борадаги ислоҳотлар узок йиллар давом этган. Мисол учун, тиббиёти ривожланган Францияда ушбу жараён 60 йил давом этган бўлса, Корея Республикасида бунга 40 йил вақт керак бўлган. Туркия эса бошқа мамлакатлар йўл қўйган камчиликлардан хулоса чиқарган ҳолда, 10 йил муддатда тиббиёт тизимини ислоҳ қилган. Биз чукур таҳлиллар ва ўрганишлар асосида 7 йил муддатда, яъни 2019–2025 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишдек улкан мақсад олдимизга қўйилди¹⁴².

Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бугинида, айниқса, қишлоқ жойларда жиддий ўзгаришлар руй берди. Самарасиз ишлаётган фельдшерлик-акушерлик пунктлари ва қишлоқ амбулаториялари урнида замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган З мингдан зиёд қишлоқ врачлик пункти ташкил этилгани бу соҳадаги катта қадам бўлди, десак, тўғри булади. Тиббиёт ходимлари меҳнатга хақ тулаш ва уларни рағбатлантириш тизимининг хар томонлама қайта куриб чиқилиши аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни сифат жиҳатидан яхшилаш имконини берди. Натижада кейинги 2-3 йилда соҳа ходимларининг иш хақи икки баробардан

¹⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони. www.lex.uz

¹⁴² Интернет материали. Улкан мақсадлар остонасида . https://www.medicalexpress.uz/r/public_health2/id/819/ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ахборот хизмати.

зиёд купайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан сўнгги вақтда инсон саломатлигини муҳофаза қилиш борасида тизимли ишлар бошланди. Аввало жойларда бу борада кўплаб муаммолар ҳамон сақланиб қолаётгани рўй-рост айтилди ва аҳолимизнинг барча қатлами учун қулай бўлган, сифатли ва замонавий тиббий ёрдам кўрсатиш, касалликларни барвақт аниқлаш вазифалари қўйилди. Шубҳасиз, бу ислоҳотлар марказида оналар ва болалар орасидаги ўлим ҳолларини камайтириш масаласи туради.

Соғлиқни сақлаш тизимида булажак оналар саломатлигини мунтазам назорат қилиб борадиган, соғлом болалар тугилишига хизмат киладиган кенг тармокли скрининг марказларининг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда катта.

Агар 1991 йилда оналар ўлими билан боғлиқ кўрсаткич хар 100 минг нафар аёлга нисбатан 65 тани ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу рақам 24 тага тушди. Юртимизда болалар ўлими билан боғлиқ сўнгги вазият давлат статистика кўрсаткичларига кўра, 2017 йилга қараганда 2018 йилда яхши томонга ўзгарган. Жумладан, 2018 йилда гўдаклар ўлими кўрсаткичи 9,9 промиллини ташкил этди (2017 йилда бу кўрсаткич 11,5 промиллига teng бўлган). 1991 — 2017 йилларда умумий ўлим кўрсаткичи 20 фоизга, оналар ва чақалоқлар ўлими 3,1 баробар камайди. Ўртача умр кўриш давомийлиги 1995 йилга нисбатан 4,6 йилга ошди ва бугунги кунда 73,7 йилни ташкил этмоқда¹⁴³. Гўдаклар ўлимининг структурасида 63,6 фоизни неонатал ўлим ташкил этади. “Соғлом она – соғлом бола” мақсадига эришишда демографик ҳолатни яхшилаш энг муҳим ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш тизимидағи, шу жумладан, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишдаги ҳолатни яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги

¹⁴³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. www.lex.uz

Фармони билан 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш Концепцияси тасдиқланган. Концепцияда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, болалар ва оналар саломатлигини муҳофаза қилишдаги муаммоларни ечиш учун мақсад ва вазифалар белгиланган¹⁴⁴.

2019-2021 йилларда Концепцияни амалга ошириш жараёнида “Фукароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонун, Президентнинг 2019 йил 7 сентябрда “Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди¹⁴⁵.

Республика болалар ихтисослаштирилган ва регионал кўп тармоқли тиббиёт марказлари давлат бюджети маблағлари ва халқаро молия институтлари ҳисобидан ташхислаш ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланиши болаларга халқаро стандартларга мувофиқ юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатища муҳим ўрин тутади. Болалар ўлимини камайтиришда эмлаш ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, бугунги кунда эмлаш календари 13 та антигенга қарши 12 вакцинани ўз ичига олган.

Ўзбекистонда овқатлантириш соҳасидаги муаммоларни ечиш интеграл ёндашув асосида олиб борилади. Оналар ва болалар орасида овқатланишини яхшилаш ҳамда микронутриентлар етишмовчилигининг олдини олиш мақсадида қисқа муддатли (6 ойгача бўлган болаларни истисносиз кўкрак сути билан эмизиш), ўрта муддатли (ун фортификацияси, тузни йодлаш) ва узоқ муддатли (шифокор ва ташкилотчилар учун “илк 1000 кун” дастури бўйича семинарлар, соғлом овқатланишга қаратилган аҳолининг овқатланиш одатларини ўзгартириш) тадбирлар ўтказилмоқда.

¹⁴⁴ <https://uza.uz/oz/society/onalar-va-bolalar-limining-oldini-olishga-doir-islo-otlar-z--18-10-2019> М. Пўлатова
Манба: “Оила даврасида” газетаси

¹⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 сентябрда “Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. www.lex.uz

Барча вилоят перинатал марказларида аёлларга ихтисослаштирилган, юқори технологияли жағон стандартлари талабларига жавоб берадиган каминвазив (лапароскопик) гинекология бўлимлари ташкил этилди. Бирламчи тизим муассасаларида “Аёллар маслаҳатхона”лари, кўп тармоқли марказий поликлиникаларда “Қизлар саломатлиги хонаси” ҳамда “Перинатал скрининг хонаси” ташкил этилди. 2017-2020 йиллар давомида 439 та объектда, жумладан перинатал марказлар, туғуруқ комплекслари ва бирламчи тизим муассасаларида қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, улардан 384 та (87,5 фоиз) объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. 2013-2019 йиллар давомида 159 дан ортиқ турдаги тиббий асбоб-ускуналар туғуруқ ва болалар тиббиёт муассасаларига етказилган. Ўз ўрнида жами 221 та тиббиёт муассасаси, жумладан туман, шаҳар марказий шифохоналари ва марказий кўп тармоқли поликлиникалар, оиласий поликлиникалар моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Турли йўналиш бўйича 212 та мутахассис Германиянинг нуфузли клиникаларида, Корея Республикаси Пусан университетида бир йиллик курсларда малака оширди.

Шуниси эътиборлики, бугун Ўзбекистонда чечак ва ич терлама, куйдирги, ўлат ва вабо каби юқумли касалликларга бутунлай барҳам берилди. Ўтган давр мобайнида юртимиизда аҳолининг ўртacha умр кўриш даражаси ҳам сезиларли равишда ортиб бормоқда. Бу борадаги умумий кўрсаткич 1990 йилда 67 ёшни ташкил этган бўлса, 2018 йилда 72,5 ёшни ташкил этди. Жумладан, эркаклар ўртасидаги ўртacha умр кўриш 66 ёшдан 70 ёшга, аёллар ўртасида эса 70 ёшдан 74,6 ёшга узайгани одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва турмуш шароитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг аниқ ва яққол натижаси сифатида баҳолаш ўринли бўлади.

Таянч иборалар:

Пенсиялар, стипендиялар, нафақалар, компенсация тўловлари, ижтимоий ҳимоя, иқтисодиёт тармоқлари, ички истеъмол бозори, нархнавони эркинлаштириш, ижтимоий ёрдам, тиббий хизмат.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев аҳоли саломатлиги масаласини қайси маъruzасида долзарб масала сифатида кўтарди?
2. Ўзбекистонда кам таъминланган аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш йўлида қандай ислоҳотлар амалга оширилмоқда?
3. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш борасида қандай ишлар қилинган?
4. Ўзбекистонда имконияти чекланган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш тизими неча босқичдан иборат?
5. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида қайси давлатлар билан алоқалар йўлга қўйилган?

3-БЎЛИМ. МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МАЊНАВИЙ ВА МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТ.

5-мавзу. Мањнавий қадриятларнинг тикланиши.

1. Тарихий хотиранинг тикланиши ва миллий ўзликни англаш.
2. Ўзбекистонда диний қадриятларнинг тикланиши ва бу борадаги мустақиллик йилларида олиб борилган ислоҳотлар.

1. Тарихий хотиранинг тикланиши ва миллий ўзликни англаш.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо мањнавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганлариdek, “Биз ҳозирги вақтда йирик бир лойиҳа-Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш бўйича катта ишларни бошлиб юбордик. Бу марказ аввало халқимизнинг яратувчилик даҳоси билан бунёд этилган ноёб меросни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, юртимиздан етишиб чиқкан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, халқаро миқёсда динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни йўлга қўйиш, бугунги мураккаб даврда ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, жаҳолатга қарши маърифат билан қурашиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадларни кўзда тутади”¹⁴⁶.

Тарихдан маълумки, Ўрта Осиё халқлари азалдан башарият тафаккур хазинасига илм-фан, маданият тараққиётига унутилмас ҳисса қўшиб келганлар. Аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратилган асрлар, маданиятнинг барча соҳаларига тааллуқли нодир асрлар,

¹⁴⁶ <http://uza.uz/oz/politics/adabyet-va-sanat-madaniyatni-rivozhlantirish-khal-imiz-mana-03-08-2017> Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси. 03.08.2017

қимматбаҳо фикр-мулоҳазалар ҳозирги кунда ҳам жаҳон халқлари маънавий дунёсини бойитиб, уларнинг маънавий камолотига хизмат қилиб келмоқдаки, бундан биз фаҳрлансанак арзийди.

Бугунги кунда маънавий меросимизни, қадриятларимизни тиклаш, халқимиз, жумладан, ёшларимиз маънавиятини бойитиш, ўзлигини англаш, хусусан келажагимиз бўлган, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрларни тайёрлаш уларнинг маънавиятини юксалтиришга эришиш ғоят муҳимдир.

Ўзбек халқининг бой маънавий қадриятларини қайтадан тиклаш, уларни халқимизга қайтариш мустақиллик даври тарихимизнинг ажралмас қисмидир. Шу маънода бу тарихни ёритмай туриб, умуман мусақиллик даврининг тўла тарихини яратиб бўлмайди¹⁴⁷.

Халқимиз сиёсий мустақиллик ва озодликни қўлга киритгач, ўз тақдирининг чинакам эгаси, ўз тарихининг ижодкори, ўзига хос миллий маданиятини соҳибига айланди. Мустақилликка эришилганидан сўнг Ўзбекистон раҳбарияти, энг аввало, халқимизнинг эҳтиёжи, орзуистаклакрини ҳисобга олиб, азалий байрамларни тиклашга ва янги истиқлол байрамларини шакллантиришга катта эътибор бера бошлади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Фармонлари асосида “Наврӯз”, “Рўза ҳайити”, “Курбон ҳайит” лари расман тикланиб, халқ ўртасида кенг нишонлана бошлади. Шунингдек, истиқлолни шарафлайдиган байрамлар “Мустақиллик куни” ва “Конституция куни” жорий этилди. Ўз навбатида, давлатимиз раҳбарияти советлар даврида пайдо бўлган барча байрамларни тақиқламади. Улар орасида умуминсоний ғоя ва қадриятларни тарғиб қилувчи “Янги йил байрами”, “Хотин-қизлар байрами” кабилар сақлаб қолинди.¹⁴⁸

Тарих хотираси, халқнинг жонажон ўлканинг, давлатимиз

¹⁴⁷ Тожибоев М.Т. ўзбекистон мустақиллиги шароитида миллий маънавий қадриятларнинг тикланиши ва ривожланиши. Дисс... тарих фанлари номзоди. –Андижон:2001.

¹⁴⁸ Қорабоев У. Ўзбекистон маданияти. –Тошкент: Тафаккур бўстони, 2011. –Б. 149.

худудининг ҳолис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади. Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда.

Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп бўлган. Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Муҳаммад ал-Хоразмий, ал-Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Захириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа кўплаб аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан хисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар. Уларнинг номлари, жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк хиссалари ҳозирги кунда бутун дунёга маълум¹⁴⁹.

Мамлакат маънавий хаётини янада яхшилашда 1994 йил 23 апрелда қабулқилган «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик Марказини ташкил этиштўғрисидаги Президент Фармони муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу йили 8 июнда эса Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармоннинг бажарилишини таъминлашга қаратилган маҳсус қарор қабул қилди. Унда Марказнинг асосий вазифаси ва фаолият йуналиши килиб ўзбек халқининг бой маънавий-маданий мероси, шарқона ва умуминсоний қадриятлар асосида мамлакат, миллат келажагини белгилайдиган илғор ғояларни юзага чиқариш, жамиятдаги соғлом кучлар, юксак истеъдод ва тафаккур соҳибларининг ақлий-ижодий салоҳиятини Ватан истиқболи сари йуналтириш,

¹⁴⁹Тожиахмедова М. Мустақиллик йилларида ўзбекистонда миллий ва маънавий қадриятларнинг тикланиши. XXI международная научно-практическая интернет-конференция. 30–31 Марта, 2014.-С.123.

миллатлараро дўстлик, хамжиҳатликнинг аҳамиятини ошириш, тинчлик ва барқарорликни сақлаш, минтақада яшаётган миллатларнинг маданий, маърифий, маънавий тараққиёт томирлари муштараклигини таркиб қилиш ва ҳоказолар қилиб белгиланди¹⁵⁰. 1996-йил сентябрда қабул қилинган «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ишини янада такомиллаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг фармони асосида шу йил январда Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ҳузурида «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси тузилди.

1996-йил 27-сентабрда Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Олтин мерос» хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Қарорига биноан мазкур жамғарма давлат томонидан моддий жиҳатдан қўллаб-куватланди. Бу қарорида ўтмиш миллий маданиятимизни янада тараққий эттириш, буюк аждодларимизнинг асрлар давомида яратган бебаҳо маданий-марифий меросини кўз қорачиғидай асраб-аввайлаш, келгуси авлодларга ёдгорлик қилиб қолдириш, халқимизнинг умуминсоний қадриятлар хазинасига қўшган улкан ҳиссасини бутун дунёга қайта танитиш, уни кенг тарғиб этиш, кишиларимиз, айниқса, ёшларимиз онгига миллий ғуур, миллий ифтихор, Ватанга муҳаббат ва истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини сингдириб бориш кераклиги ҳақида аниқ кўрсатмалар берилади¹⁵¹.

Мустақиллик йилларида буюк сохибкирон Амир Темурнинг 660 йиллиги бўлиб ўтди. ЮНЕСКО томонидан 1996 йил «Амир Темур йили», деб эълон қилинди. Шу йили ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида «Темурийлар даври, фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» мавзуида анжуман ва унга бағишлиланган қўргазма очилди. Мамлакатимизда «Темур ва темурийлар» музейи, Амир Темур номи берилган боғлар, кўчалар барпо

¹⁵⁰ Файзуллаев Т., Саримсоқов А. Мустакил Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши (ўқув- услубий қўлланма). - Наманганд, 2013. -Б.185.

¹⁵¹ Шамсутдинов Р., Мўминов Ҳ. Ўзбекистон тарихи. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Шарқ, 2013. –Б.567.

этилди¹⁵².

1996 йил 28 августда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Шаҳрисабз шаҳри “Амир Темур” ордени билан мукофотланди. 1996 йил 18 октябрда Тошкентда Амир Темур ҳайкали ва музейи, Шаҳрисабзда эса Амир Темур ҳайкали очилиш маросими бўлиб ўтди¹⁵³.

«Олтин мерос» хайрия жамғармаси «Халқ мероси дурдоналари» илмий анжуманларини, хориждан излаб топилган қўллётмалар, тарихий ҳужжатлар, халқ хунармандчилиги амалий санъат намуналари, ёдгорликларини таҳлил қилиш, кўрик танловлар ўtkазиш билан шуғулланмоқда. 1996-2002-йилларда «Олтин мерос» жамғармаси саъй-ҳаракатлари натижасида буюк алломаларимиз яратган кўплаб маданий-маънавий мерос намуналари мамлакатимиздан ва хорижий давлатлардан излаб топилди, жамланди ҳамда кутубхона ва музейларга жойлаштирилди. Шунингдек, у халқимизнинг расм-русларини, урф-одатларини, маросимларини ўрганиш, тиклаш, халқимизга қайтариш, уларнинг маъно-моҳиятини, ҳозирги кундаги аҳамиятини кенг оммага тушунтириш ишига катта ҳисса қўшмоқда¹⁵⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 майда қабул қилган “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида”ги Фармонида шундай дейилган: “Эл-юртимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида, халқимизнинг қадр-қиммати, ор-номусини, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда курбон бўлганлар хотираси миннатдор авлодлар ёдида абадий сақланиб қолади.

Истиқлол туфайли миллий маданиятимиз, жаҳон цивилизатсияси тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган буюк бобоқолонларимизнинг маънавий

¹⁵² Муртазаева Р.Х. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Академия, 2010. –Б.125.

¹⁵³ Тилаев Э.Р. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришлар(Жанубий вилоятлар мисолида). Дисс... тарих фанлари доктори. –Тошкент: 2010. –Б.34.

¹⁵⁴ Шамсұтдинов Р., Мўминов X. Ўзбекистон тарихи. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Шарқ, 2013, -Б.135.

мероси қайтадан ўрганилди ва тикланди. Халқимиз улардан баҳраманд бўла бошлади.

Мустақиллик йилларида халқимиз маънавияти юлдузлари бўлган буюк алломаларимизнинг таваллуд топган тарихий саналари Юнеско билан ҳамкорликда мамлакатимизда ва халқаро миқёсда кенг нишонланди:

1. 1991 йил – Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги;
2. 1992 йил – Бобораҳим Машраб таваллудининг 350 йиллиги;
3. 1993 йил – Захириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги;
4. 1994 йил – Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллиги;
5. 1996 йил – Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги;
6. 1997 йил – Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон таваллудининг 100 йиллиги;
7. 1998 йил – Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги;
8. 1999 йил – “Алпомиш” достони яратилганлигининг 1000 йиллиги;
9. 2000 йил – Бурхониддин Марғilonий таваллудининг 910 йиллиги;
10. 2000 йил – Камолиддин Бехзод таваллудининг 545 йиллиги;
11. 2001 йил – “Авесто” яратилганлигининг 2700 йиллиги;
12. 2002 йил-Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги;
13. 2005 йил-Маъмун академиясининг 1000 йиллиги;
14. 2006 йил-Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги;
15. 2007 йил-Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги;
16. 2007 йил-Марғilon шаҳрининг 2000 йиллиги;
17. 2009 йил-Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги¹⁵⁵.

Ислом оламининг алломаси Исо ат-Термизийнинг 1200 йиллиги, Махмуд аз-Замахшарийнинг 920 йиллиги, Нажмиддин Кубронинг 850

¹⁵⁵ Тожиахмедова М. Мустақиллик йилларида ўзбекистонда миллий ва маънавий қадриятларнинг тикланиши. XXI- международная научно-практическая интернет-конференция. 30–31 марта, 2014.-С.124.

йиллиги, Боховуддин Накшбандийнинг 675 йиллиги кенг кўламда нишонланди. Уларнинг бой асарлари нашрдан чиқарилди.

Барча вилоятлар ва шаҳарларда хар йили Бобур, Машраб, Огаҳийларга бағишланиб кечалар ўтказилди, Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллик таваллудига, «Алпомиши» достони яратилишининг 1000 йиллигига бағишлиланган турли кечалар, баҳслар ташкил этилди.

Маънавий ҳаётни такомиллаштириш мақсадида Имом ал-Бухорийнинг юбилейига бағишлиб, Қуръони Каримдан кейин иккинчи ўринда турадиган «Ал-жомеъ ас-саҳийҳ» (Ишонарли тўплам), «Ал-адаб ал-муфрад» (Адаб дурдоналари) ўзбек тилига таржима килиниб, нашрдан чиқарилди.

1998 йили Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги, Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги жаҳон миқёсида кенг нишонланди. Республикада юбилейлар муносабати билан алломалар ҳаётига бағишлиланган илмий анжуманлар ва бадиий кўргазмалар очилди.

Дунёда ҳеч бир ҳалқ ўзбекларчалик буюк маданий ва маънавий меросга эга эмас. Энди мустақиллик туфайли ана шу улкан харитани очиш, уни ўрганиш, ундан баҳраманд бўлиш имконияти туғилди. Халқимиз бундан фойдаланиш йулидан бормоқда.

Хусусан, ҳукуматнинг маҳсус қарорига биноан, 1999 йил 17 декабрь куни Хоразмда Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий таваллудининг 190 йиллиги, 18 декабрь куни эса Нукусда Ажиниёз Еусибай угли таваллудининг 175 йиллиги, 1998 йил 24 октябрь куни эса Фарғонада Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги кенг нишонланди. Юртбошимиз тантана қатнашчиларига йуллаган табригида улуғ аждодларимизнинг жамиятимиз ҳаётида тутган ўрни ниҳоятда бебаҳо эканлиги алоҳида таъкидланган.

Хусусан, шу даврда Беҳбудийнинг «Падаркуш» асари, Фитратнинг «Киёмат» қиссаси ва «Абулфайзхон» тарихий драмаси нашр қилинди. Чўлпоннинг айрим шеърлари «Гулистон» журналида, «Кеча ва кундуз» асари эса «Шарқ Юлдузи» журналида эълон қилинди. Кейинрок улар алоҳида китоб ҳолида нашр этилди.

Улут шоир Абдулҳамид Чўлпоннинг адабий-бадиий мероси халқимизнинг бебаҳо маънавий мулкидир. Унинг ҳар бир асари, ҳар бир шеъри одамларни ўзаро ҳамкорликка, ижтимоий адолат учун курашга, нохақликка нисбатан муросасизликка даъват этади¹⁵⁶.

Бу эзгу ишларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг саъй-ҳаракати ва ролини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Фикримизнинг далили сифатида Қашқадарё заминида буюк аллома, мотуридия таълимотининг йирик вакили, исломий эътиқод поклиги масаласида 15 га яқин китоб муаллифи Абу Муин Насафий, Шеробод туманида буюк ҳадисшунос аллома Абу Исо Мухаммад ат-Термизий, Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари, Тошкентда Имом Термизий номидаги масжид ва Сузук ота мақбаралари каби кўплаб зиёратгоҳларни обод қилиш борасидаги эзгу ишларни қайд этиш мумкин. Шунингдек, Юртбошимизнинг Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асраршга ғамхўрлигининг яққол намунаси сифатида 2017 йил 15 февралдаги “Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4956-сонли фармони, 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2995-сонли қарори, 2017 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3074-сонли қарори, 2017 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси хузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3105-сонли қарорлари халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятини тиклаш, буюк алломаларимиз, азиз-авлиёларимизнинг илмий, диний ва маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, чет элларда

¹⁵⁶ Файзуллаев Т, Саримсоқов А. Мустакил Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши (ўқув- услубий қўлланма). - Наманган, 2013. –Б.185.

сақланаётган, мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид маданий бойликларни аниқлаш, шу тарихий экспонатларнинг асл ёки кўчирма нусхаларини юртимиизга олиб келиш каби ишларни ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси ва топшириги асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “Наманган вилояти Тўракўргон туманида атоқли маърифатпарвар Исҳоқҳон Ибрат номидаги ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 14 апрелдаги “Хоразм Маъмун академиясининг фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 211-сонли, 2017 йил 15 июндаги “Алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган обьектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш соҳасидаги ишларни ташкил этишини тартибга солиш ва назорат қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 376-сонли қарорлари маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этишда алоҳида аҳамиятга эга меъёрий ҳужжатлар ҳисобланади. Демак, бугунги кунда Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини асрлаб-авайлаш, сақлаш ҳамда келажак авлодга бус-бутунлигича етказиш давлатимиз тараққиётида ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади¹⁵⁷.

Хулоса қилиб айтганда, халқимизнинг келажаги, энг аввало, унинг ўзига, маънавий қудратига ва миллий онгининг ижодий кучига боғлиқdir. Моддий фаровонликка табиий интилиш миллатнинг маънавий ва ақлий ўсиш эҳтиёжига ғов бўлмаслиги лозим. Маънавийлик ва маърифийлик халқимизнинг кўп асрлик тарихи давомида доимо унинг энг кучли ўзига хос хусусияти бўлиб келди.

¹⁵⁷Усмонов М. Маънавий ва маданий меросни асраларни ҳуқуқий асослари. ЎзДСМИ хабарлари — 2018/1(5) –Б.4

2. Ўзбекистонда диний қадриятларнинг тикланиши ва бу борадаги мустақиллик йилларида олиб борилган ислоҳотлар.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда диний қадриятлар тўла тиклана бошлади. Қарамлик даврида таҳқирланган диний қадриятларимиз мустақиллик нури билан қайта тикланди, исломшунос алломаларимизнинг улуғ номи ва илмий мероси тикланди.

Мустақиллик шарофати боис мўтабар қуръони карим ва ҳадисларни чоп этиш имконияти қўлга киритилди. 2001-йилда Қуръони Каримнинг Абдулазиз Мансур таржимаси, 2004-йилда эса илмий-тарихий изоҳлари билан Муталлиб Усмон ва бошқалар таржимаси чоп этилди. Ҳозирги кунда Мўйи муборак мадрасасида Ўзбекистон Мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланаётган VII асрга оид «Усмони Қуръон» мусҳафи ва нодир қўлёзмалар сақланмоқда¹⁵⁸.

1991 йилда ҳаж қилиш баҳтига 350 киши сазовар бўлган бўлса, 2001 йили хожиларнинг сони 3801 кишига етди. Жами мустақиллик йиллари ҳаж ибодатини адo этишга муваффақ бўлганларнинг сони 31.057 кишини ташкил қилди. 1991 йил Биринчи Президент фармони билан Рамазон ва Қурбон ҳайит кунлари умумхалқ байрами, деб эълон қилинди. Халқимиз асрлар давомида *нишонлаб* келган байрамларидан бири — «Навруз» умумхалқ байрами сифатида қайта тикланди.

«Мовароуннахр» диний бошқармаси фаолияти республикамиз ҳаётида ўз ўрнини эгаллади. Дин инсон руҳини поклаши, одамлар ўртасида меҳроқибат туйгуларини мустаҳкамлаши, миллий қадрият ва анъаналарни асрашга хизмат қилиши билан жамият ҳаётида муҳим ўрин тутиб келган. Ўзбек юрти азалдан қадимий динлар ривож топган макондир. Ҳозирги кунда кўп миллатли Ўзбекистон Республикасида ислом дини билан бир қаторда ўн еттига диний конфессиялар ёнма-ён яшаб келмоқда.

¹⁵⁸ Шамсутдинов Р., Мўминов Х. Ўзбекистон тарихи. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Шарқ, 2013. –Б.265.
- 120 -

1994 йили рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси ташкил этилганлигининг 125 йиллиги юбилейи, Ўзбекистон евангел-лютеран жамоаси ташкил этилганининг 100 йиллигига бағишиланган «Бир осмон остида» шиори билан мусулмон ва христиан динлари вакиллари ўртасида ўтказилган муроқот катта аҳамият касб этди. Тошкентда 2000 йилнинг сентябрида ЮНЕСКО рахнамолигида «Жаҳон динлари тинчлик маданияти йўлида» мавзууда динлараро муроқот, халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда АҚШ, Франция, Россия, Эрон, Исломия, Хиндистон, Хитой, Ватикан каби ўттизга яқин мамлакат, шунингдек, халқаро диний муассасалар вакиллари катнашдилар. Анжуманни ўтказиш учун айнан Ўзбекистон танлангани бежиз эмас. Зоро, бу ўлкадан дунёга донғи кетган буюк алломалар, ислом оламида катта хурматга эга бўлган буюк зотлар етишиб чиқсан. Ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистонда дин ва виждан эркинлиги мустаҳкам қарор топган ва барча диний конфессиялар биргаликда мустаҳкам тинчликни сақлаш, диний экстремизм ва халқаро террорчиликка карши дадил кураш олиб бормоқда. АҚШ собиқ давлат секретари Мадлен Олбрайт 2000 йил апрелида Тошкент Синагогида ибодат қилгандан кейин шундай деган эди: «Ўзбекистонда, яна такрор айтаман, Ўзбекистонда барча динларга бир хил эътибор берилаётгани, виждан эркинлиги тўла таъминланганини мени жуда қувонтириди. Бу жиҳатдан Ўзбекистонни бугун дунёга ибрат қилиб кўрсатса арзиди».

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2018 йил 15 июнь куни Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази қурилиш майдонига ташриф буюриб, иншоот пойдеворига рамзий тамал тоши қўйди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев сўнгги бир ярим йил ичида халқимизнинг миллий-диний қадриятларини тиклаш, маърифий исломни ривожлантириш, буюк аждодларимизнинг динимиз соғлигини таъминлашга кўшган улкан ҳиссасини кенг ўрганиш ва тарғиб этиш юзасидан кўплаб ташабbusларни бошлаб берди. Давлатимиз раҳбари БМТ минбаридан туриб исломнинг дунё миқёсидаги ўрнига, аждодларимизнинг динимиз ривожига кўшган ҳиссасига юксак баҳо берди ҳамда “Маърифат ва диний

бағрикенглик” деб номланган махсус резолюцияни қабул қилиш тақлифини илгари сурди. Самарқандда Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Тошкентда Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилди, дин масаласидаги жаҳолатга барҳам беришни кўзда тутувчи “Жаҳолатга қарши – маърифат” шиори жорий қилингани Ўзбекистоннинг диний бағрикенглик соҳасидаги ташаббусларининг яққол ифодаси сифатида дунё ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди. Бундан бир йил муқаддам – 2017 йил 15 июня мамлакатимиз ҳаётида илк бор имом-хатиблар билан ўтказилган учрашувда Шавкат Мирзиёев муқаддас динимиз поклигини асраш масаласи жамиятда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси, тинч-осуда ҳаётимизни таъминлашнинг муҳим шарти эканини таъкидлаб, бу борада муҳим вазифаларни белгилаб берган эди. Ўтган даврда мазкур йўналишда изчил ишлар амалга оширилмоқда. Юртимизда маънавий муҳитни асраш, дин йўлида адашган фуқароларни соғлом ҳаётга қайтариш бўйича кенг миқёсли ишлар бажарилди. Ўзбекистон Ислом академияси, Мир Араб олий мадрасаси ва бошқа исломий таълим муассасалари ташкил этилди¹⁵⁹.

Бугунги кунда Ислом цивилизацияси маркази дунёдаги 20 дан ортиқ худди шундай марказлар билан алоқалар ўрнатди. Жумладан, Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази, Туркиядаги қатор илмий-текшириш институтлари, Истанбулдаги Тўпқопи музейи, Франция ислом маркази, Париждаги Лувр музейи, Санкт-Петербургдаги Эрмитаж давлат музейи ва бошқа қатор етакчи марказлар билан ҳамкорлик ўрнатилиб, бу борада 7 та меморандум имзоланди. Марказ кутубхонаси шакллантирилмоқда. Бугунга қадар унга 400 дан ортиқ ноёб қўлёзмалар харид қилинди, юртдошларимиз ўзларидаги қадимий қўлёзмаларни топширмоқда. Бу халқимизнинг имон-эътиқод, маънавият ва маърифатга интилишидан, эзгу ва савобли ишларга бош қўшаётганидан далолатдир.

¹⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 23 июнянди ПҚ-3080-сон Қарори. www.lex.uz

Куни кеча ШХТнинг Циндао саммитида қабул қилинган ШХТ давлат раҳбарларининг Ёшларга қўшма мурожаати ҳам Ўзбекистон ташаббусидир. Давлатимиз раҳбари тадбирга йигилган диний уламолар ва барча юртдошларимизни Рамазон ҳайити билан табриклаб, шундай улуғ айём кунларида марказ қурилишининг бошланаётгани замирида эзгу ният, чуқур маъно-мазмун мужассам эканини таъкидлади. Бу марказни қуришдан мақсад ислом маърифатини, буюк аждодларимизнинг бой меросини авваламбор халқимизга, дунё ҳамжамиятига етказишидир. Бунинг учун буюк боболаримиз меросига ўзимиз муносиб бўлишимиз, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишимиз зарур. Бошлаган ҳамма саъй-харакатларимиз ёшлар таълимтарбиясига, халқимиз тинчлик-осойишталигига, ёруғ келажагига замин яратади, деди Президентимиз¹⁶⁰.

Биз бугун юртимизда янги ҳаёт барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни, коммунистик мафкура ва ахлоҳ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган мафкуравий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги барчамизга аён бўлиши керак.

Бундай узоқни кўзлайдиган, аниқ мақсадларга эга бўлган турли хуруж ва ғаразли интилишлар, хорижий марказлар томонидан катта куч ва маблағ сарфланаётган харакатлар ва бу каби хавф-хатарлар бизга қандай заарли оқибатлар олиб келишидан огоҳ бўлишимиз даркор.

Бундай бало-қазоларга қарши курашда, фарзандларимизнинг маънавий дунёсини ҳимоя қилишда нималарга таянишимиз зарур? Аввало тўғри тарбия, соғлом турмуш ғояси, фақатгина қаттиқ ирода ва иймон-эътиқод ҳисобидан бунга эришишимиз мумкин.

Айнан ана шундай ўз кучига ва иродасига ишонган, кенг фикрлайдиган билимли ва маданиятли ёшларимиз хар қандай бузгунчи оқимларга

¹⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2018 йил 15 июнь куни Тошкент шахридаги Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази қурилиш майдонига ташрифидаги нутқи.

берилмасдан, ҳаётда уз йулини топиб олиши мұқаррар.

Шу нүктай назардан мамлакатимизни 1991-2019 йиллар давомида ислох қилиш ва янгилаш борасида қулга киритилган натижаларни сархисоб қиласа эканмиз, бугун ушбу босқич миллий давлатчиликни шакллантириш ва республиканизни барқарор ривожлантиришда мустаҳкам замин бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Тарихан қисқа вақт ичиде совет давридаги эски маъмурий-буйруқбозлик тизимиға барҳам берилди, миллий давлатчиликни шакллантиришнинг хуқуқий асослари яратилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ташкил этилди, ижтимоий ва фуқаролик институтлари фаолияти йулга кўйилди, иқтисодиётни эркин бозор муносабатларига ўтказиш жараёни амалга оширилди.

Энг муҳими, аҳолининг онгу тафаккурида туб ўзгаришлар руй берди, уларнинг узоқ йиллар мобайнида коммунистик мафкура ва совет мафкураси тамойиллари асосида шакллантирилган фикрлаш тарзи ва дунёқарashi, бир сўз билан айтганда, одамларнинг ўзи ўзгарди. Бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан, мамлакатимизнинг келажагини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда қурадиган янги авлод вакиллари ҳаётга кириб келмоқда.

Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган туб сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ўзгаришларни ортга қайтариб бўлмаслиги, ислоҳотлар мұқаррарлигининг ишончли кафолатидир.

Мухтасар қилиб айтганда, Ватанимиз ва халқимиз тарихида муҳим ўрин тутган кейинги 28 йилда том маънода туб ўзгаришлар амалга оширилди, халқаро муносабатларнинг teng ҳуқуқли субъектига айланган, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ва мустаҳкам ўрнига эга бўлган - Ўзбекистон деб аталган янги демократик давлат барпо этилди. Бугун ана шу мустаҳкам пойdevor асосида мамлакатимизни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги даври - миллий тараққиётимизнинг кейинги мантиқий босқичи изчил давом этмокда, деб хулоса ясаш мумкин.

Таянч иборалар:

Маънавий мерос, илмий-ижодий муассаса, олтин мерос, фан, маданият ва маориф, қўлёзмалар, тарихий ҳужжатлар, халқ ҳунармандчилиги намуналари, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, халқаро жамғарма, «Ижтимоий фикр».

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Халқаро Ислом цивилизацияси қачон ташкил этилди?
2. Қайси шаҳарларда халқаро мақом фестивали ўтказилмоқда?
3. Тарихий обидаларни реконструкция қилиш ва уларни ЮНЕСКО рўйхатига киритиш борасида қандай амалий ишлар қилинмоқда?
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг қайси қарорида маънавият-тарғибот марказининг фаолиятини янги босқичга кўтариш белгиланган?
5. Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг янги шиори?
6. Республика маънавият кенгашининг асосий вазифалари нималардан иборат?

6-мавзу.“Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Жисмоний тарбия ва спорт.

- 1.Мустақилликнинг дастлабки йилларидағи таълим соҳасидаги ислоҳотлар. “Таълим тўғрисидаги” Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш” миллий Дастурининг қабул қилиниши.
2. Таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг янги босқичга кўтарилиши. Мактабгача таълим вазирлигининг ташкил топиши ва коллеж ва лицейларнинг ислоҳ қилиниши.
3. Ўзбекистон республикасида мустақиллик йилларида жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши.

1.Мустақилликнинг дастлабки йилларидағи таълим соҳасидаги ислоҳотлар. Таълим тўғрисидаги қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ёш авлоднинг таълим-тарбиясига катта эътибор қаратиб келмоқда. Шу боисдан ёшлар таълим-тарбияси давлат сиёсатининг устивор даражасига кўтарилди. Бунга жамиятимиздаги сўнгги йиллардаги ижобий ўзгаришлар мисол бўла олади.

«Мактаб-бу ҳаёт-мамот масаласи, келажак масаласи. Уни давлат, хукумат ва ҳокимларнинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун жамиятнинг иши, бурчига айланиши керак», — дейди Президент Ш.М.Мирзиёев¹⁶¹.

Болаларга доир давлат сиёсатини Бола хуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида бу талабларни тўла рўёбга чиқариш юзасидан қонунчилик, маъмурий ва бошқа йўналишда чора-тадбирлар белгиланган. Болалар хуқуқини тартибга солувчи

¹⁶¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маъруzasи www.lex.uz.

Ўзбекистон қонун хужжатлари тизимини мамлакат Конституцияси, оила кодекси, Мехнат кодекси, “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа бир қанча қонунлар ташкил этади.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, улар асосида ишлаб чиқилган УЎТДС ва БМТ нинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциясидан келиб чиқкан ҳолда маҳсус таълим мазмунининг янгилануви жараёни бошланди¹⁶².

МДҲ мамлакатлари, жумладан Ўзбекистонда таълим даражаси кўрсаткичи жуда юқори. Ўзбекистонда таълим кўрсаткичи 0,99 ни ташкил этса, айни пайтда дунёда бу кўрсаткич 0,77 ни ташкил қиласди. Ўзбекистон таълим кўрсаткичи бўйича Европа иттифоқи таркибига кирадиган Мальта (0,86), Румыния (0,90), Хорватия (0,90), Марказий Американинг саноати энг ривожланган мамлакати Коста Рика (0,87) ва Хитой Гонконгидан (0,87) олдинда. Бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон нефть ҳисобидан бойиб кетган Бахрайн ва Бруней (0,88), Қувайт (0,87), Қатар (0,86), БАА (0,71), шунингдек иқтисодий ва техник ривожланиш соҳасида катта муваффақиятга эришган Мексика (0,86) ва Малайзиядан (0,84) олдинда¹⁶³ туради.

Мустақиллик йилларида ҳалқ таълимини ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлаш тизимини мустаҳкамлаш соҳасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Янги олий ўқув юртлари ташкил этилиб билимларнинг янги тармоқлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. 2004-йил 21-май - Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг «2004-2009-йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Таълимни ислоҳ қилиш қўйидаги тамойиллар асосида олиб борилди:

- таълим тарбиянинг инсонпарварлиги ва демократиявийлиги;
- таълим тизимининг узлуксизлиги, изчиллиги, илмийлиги ва дунёвийлиги;

¹⁶² Халқ таълими тизимида алоҳида эътиборга муҳтоҷ бўлган болалар таълим тарбиясининг ташкил этилиши. Маълумотнома, -Б.18.

¹⁶³ Сайдова.Г. Ўзбекистонда таълим: талаб ва таклиф мутаносиблиги.-Тошкент, 2007-2008, -Б.28

- таълимда умуминсоний ва миллий-маданий, маънавий қадриятларнинг устуворлиги;
- эътиқоди, динидан қатъи назар, барча фуқаролар учун таълим олиш имкониятлари яратилганлиги;
- таълим муассасаларининг сиёсий партиялар ва ҳаракатлар таъсиридан ҳолилиги¹⁶⁴.

Ўзбекистон мустакиллигига эришган дастлабки кунлардан бошлаб энг муҳим масалалардан бири эскича тафаккур, эътиқодидан қутилган, истиқлол учун, ўз она-юрти учун хизмат қиласиган кадрлар тайёрлаш масаласи бўлди. Эски тузумни аста-секин таг-томири билан тугатиб, батамом янги, жаҳоннинг илғор тараққий этган мамлакатлари йулидан борадиган ҳақиқий демократик жамият қуриш эндиликда янгича фикрлайдиган қўйидан тортиб юқори тоифадаги кадрларга боғлиқ бўлиб қолди.

Ўзбекистонда таълимнинг инсонпарварлигининг муҳим факторларидан бири соғлом болалар қатори имконияти чекланган болалар учун ҳам таълимнинг барча шаклларида teng имкониятлар яратиб берилганлигидир. Бундай болалар улар учун маҳсус ишлаб чиқилган таълим дастурлари бўйича таълим муассасаларида ўқиш ва тарбияланиш ҳамда ўз жисмоний, ақлий қобилияtlари ва ҳоҳишиларига мос бўлган таълим олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий –психологик комиссиянинг тавсияси бўлган тақдирда жисмоний ёки руҳий ривожланишларида нуқсони бўлган болалар ва ногирон болаларнинг ота оналари ўз ҳоҳиш истагига кўра ҳамда боланинг қизиқишиларидан келиб чиққан ҳолда таълим муассасаси турини(яъни умумтаълим ёки ихтисослаштирилган) танлаш ҳуқуқига эга¹⁶⁵.

Улар учун узоқ муддатли даволанишга муҳтож бўлган болаларни соғломлаштириш ва уларга таълим бериш учун уларнинг нуқсон турлари ва унинг даражаларини инобатга олган ҳолда давлат томонидан тўлиқ ёки

¹⁶⁴ Жўраев Н. Ўзбекистон тарих: (Миллий истиқлол даври) З-китоб /Масъул мухаррир Н. Абдуазимова. – Тошкент: “Шарқ”, 2011. –Б.324.

¹⁶⁵ Хўжамбердиев М. Ўзбекистонда инклузив таълимнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуклари. №3/2013. –Б.42.

қисман таъминланадиган қуидаги турдаги таълим масканлари фаолият юритади¹⁶⁶.

1.Махсус мактаб ва санатория туридаги мактаб интернатлардаги таълим.

2.Уйда якка тартибдаги таълим;

3.Инклузив таълим.

Махсус мактаб ва санатория туридаги мактаб интернатларнинг ўзи ҳам 2турга бўлинади. Улар:

1. Махсус мактаблар

2. Санатория туридаги мактаб интернатлар.

Бундан ташқари болалар мурувват уйлари ҳам мавжуд бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимиға киради. Болалар мурувват уйларига ақлий ривожланишида нуқсони бўлган, руҳий касал, таълим олиш ва меҳнат килишга, касб ўрганишга лаёқатсиз 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган ногирон болалар жойлаштирилади¹⁶⁷. Бугунги кунда Республикаизда 5 та имконияти чекланган болалар учун “Мурувват” интернат уйларида 1,5 минг нафардан зиёд ногирон болалар давлат таъминотига олинган¹⁶⁸.

Ихтисолаштирилган таълим муассасаларининг сони эса, саксон бештани ташкил қилиб, саккизта турга бўлинади. Мазкур муассасаларда 8турдаги: кузи ожиз, заиф кўрувчи, кар ва заиф эштувчи, ақли заиф, руҳий ривожланиши сустлашган, таянч харакати аъзолари харакати бузилган, нутқида мураккаб нуқсони бўлган болалар таълим тарбия оладилар. Уларнинг таълим-тарбияси болаларнинг индивидуал хусусияти ва

¹⁶⁶ Закон Республики Ўзбекистан “Об образовании”(ст.23) от 29.08.1997г. Умарова.Н. Алоҳида эҳтиёжли болалар учун махсус мактабдаги таълим. Декабрь 2014 <http://turkiston.uz/index.php/dolzarbmavzu/97-2012-01-18-12-15-38.html>

¹⁶⁷ Равные права- равные возможности. –Ташкент: SIM-ASIA, 2011, -С.41, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг бўйруғи билан тасдиқланган ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидағи Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати, “Саховат” ва “Мурувват” уйларига расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги қоидалар тўғрисидаги (рўйхат рақами 1848, 2008 йил 29 август) конуни. www.lex.uz

¹⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ахборот хизмати. <http://muruvvat.uz/index.php/uz/yangiliklar/item/33>, Сайдова.Г. Ўзбекистонда таълим: талаб ва таклиф мутаносиблиги.-Тошкент, 2007-2008, -Б.28

қобилиягини ҳамда дифференциал ёндашувни эътиборга олган холда, 13 турдаги ўқув режа асосида амалга оширилади. Махсус мактабларнинг таълим жараёнида болаларнинг соғлигини тиклаш, даволаш, реабилитация, ижтимоий хаётга мослаштириш, коррекцион таълим тарбия, ижтимоий меҳнатга ўргатиш каби тадбирларни амалга ошириш болаларнинг касаллик турига кура белгиланади. Ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ақлий ривожланишида камчилиги бўлган болалар учун махсус меҳнат-таълим мактабида таълим олиш имкониятига эга¹⁶⁹.

Бундан ташқари, мамлакатимизда йигирма иккита санаторий туридаги мактаб-интернат мавжуд бўлиб, 6087 нафар болалар таҳсил оладилар. Бундай таълим муассасаларида сколиоз билан касалланган, сил ва нафас олиш органларининг сурункали хасталикларига чалинган болалар даволаниш ҳамда махсус шароитларда таълим олиш имкониятига эга. Жумладан, суюк касаллигига чалинганлар учун жами 10 та мактаб интернатда 2877 нафар ногирон болалар ва сил касаллигига чалинганлар учун 13 та мактаб-интернат бўлиб, уларда 3210 нафар ногирон болаларга ўрта таълим маълумоти берилади¹⁷⁰, сурункали касалликларга чалинган заиф болалар учун санатория типидаги 5 та мактаб-интернатида 1541 нафар бола таҳсил олмоқда¹⁷¹.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида 19347 нафар ногирон болалар бўлиб, уларнинг 12717 нафари махсус мактабларга жалб қилинган. 5513 нафар бола санатория туридаги мактаб интернатларда таҳсил олган¹⁷².

Махсус мактаб интернатларга борувчи болалар 1991 йилда 18169 нафарни ташкил қилган бўлса¹⁷³, 2020 йилга келиб ногирон болалар сони 17708 тага камайган. Яъни, кейинги 5 йил мобайнида нонормал ривожланган болалар туғилиши 1,3 баробарга камайди. 6 — 15 ёшгача бўлган болалар

¹⁶⁹ Шомахмудова.Р.Ш. Инклузив таълим (халқаро ва Ўзбекистондаги тажрибалар). -Тошкент, 2011, -Б.5, Тенг хукуқлар-тeng имкониятлар. -Ташкент: SMI-ASIA? 2011, -Б.128, Тўхташев.С. Махсус мактаб-интернат болаларида тарбиявий ишларни олиб боришнинг коррекцион хусусиятлари// Мактаб ва хаёт. -2010. -№6. -Б.9.

¹⁷⁰ Мингийиллик ривожланиш максадларининг маъruzasi. -Ўзбекистон, 2006, -Б.120.

¹⁷¹ Сайдова.Г. Ўзбекистонда таълим: талаб ва таклиф мутаносиблиги.-Тошкент, 2007-2008, -Б.28

¹⁷² ЎзМДА Ф.М-26, оп.1, д.219. Сводный статистический отчет МНО РУз и статистические отчеты облУно о школах для детей с недостатками умственного и физического развития на начало 1992-1993 уч. года. 12-варак.

¹⁷³ ЎзМДА Ф.М-26, оп.1, д.220. Сводный статистический отчет МНО РУз и статистические отчеты облУно о школах для детей с недостатками умственного и физического развития на начало 1992-1993 уч. года. 8-варак.

ўртасида ўткир респиратор вирус инфекциялари билан касалланиш — 9,7 %га, пневмония билан — 49,1 %, бронхит билан — 32,8%, сколиоз билан касалланиш — 32,7 %га пасайди¹⁷⁴. Биргина 2010 йилдан 2012 йилгача бўлган давр оралиғида ногирон болалар сони 105102 тадан 96047 тага камайган.

Буни биринчи сабабларидан бири Ўзбекистонда ногирон болалар туғилишининг камайиши билан изоҳланса, иккинчидан 1996 йилдан инклузив¹⁷⁵ таълим тизими жорий қилиниши муносабати билан кўпгина болалар соғлом болалар қатори умумий мактабларда таҳсил олмоқдалар. Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар сони 1692 тадан 2540 тага ортди. Махсус мактаб интернатларда таҳсил оловучи кар ва заиф эшитувчи болалар сони 3026 тадан 5100 тага ортди. Бунинг сабабаби, умумтаълим мактабларида эшитмайдиган болаларни соғлом болалар билан бирга ўқитиш учун керакли шароит ва мутахассислар мавжуд эмас. Бундай таълим тайёрланмаган боланинг руҳий ва жисмоний ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин¹⁷⁶. Шу жумладан, интеллекти нормал бўлган бироқ кўришда нуқсони бор болаларнинг ҳам умутаълим мактабларида таълим олиши бироз қийин¹⁷⁷. Шунинг учун ҳам бундай болалар махсус мактаб интернатларда таҳсил олишни маъқул кўрадилар.

Йил 29-30-август кунлари Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессияси бўлиб ўтди. 27-августда «Таълим тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрирда) ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди.

Мазкур дастурнинг мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мағкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий

¹⁷⁴ 2014-2018 йилларда Ўзбекистонда ахолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида. 2014 йил 1 август

¹⁷⁵ Инклузив таълим бу ривожланишида нуқсони бор болалар ва ўсмирларни соғлом тенгдошлари билан биргаликда таълим олиши ва умумий таълимга кўшилиб ўқишидир.

¹⁷⁶ Равные права- равные возможности. -Ташкент: SIM-ASIA, 2011, -С.48.

¹⁷⁷ Ўша манба, -Б.50.

тизимини яратишидир. Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш қуйидаги вазифалар ҳал этилишини назарда тутади:

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат мұхитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик хукуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш;

- кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш;

- кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиқсан ҳолда қайта қуриш;

- таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестатсиядан ўтказиш ва аккредитация қилиш сифатига баҳо беришнинг холис тизимини жорий қилиш;

- янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи норматив, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш;

-таълим, фан ва ишлаб чиқариш самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек нодавлат тузилмалари, корхоналар ва

ташқилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш;

- узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимиға бюджетдан ташқари маблағлар, шужумладан чет эл инвестицияларини жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш каби вазифаларни амалга оширишни назарда тутади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мазкур мақсадларни амалга оширишни қўйидаги босқичларда малга оширади:

1. Биринчи босқич (1997 — 2001 йиллар) мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун хуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш.

2. Иккинчи босқич (2001 — 2005 йиллар) Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар Мажбурий умумий Ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимига, шунингдек ўқувчиларнинг қобилияtlари ва имкониятларига қараб, табақалаштирилган таълимга ўтиш тўлиқ амалга оширилади. Таълим муассасаларини маҳсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдириш таъминланади, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилади.

3. Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар) тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш. Таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базалари янада мустаҳкамланади, ўқув-тарбия жараёни янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланади¹⁷⁸.

¹⁷⁸ Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда; Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлар тўплами, 2007 й., 15-сон, 150-модда)

«Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 13 майдаги 204-сон қарорига мувофиқ касб-хунар коллежлари ташкил қилина бошлади. 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб — таянч педагогика институтлари ва университетлар талабаларини тайёрлаш дастурига янги таълим, касб-хунар дастурлари ҳамда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқитиши услубиёти бўйича махсус курслар киритилди¹⁷⁹.

Вилоятларда ҳам янгидан-янги ўқув юртлари очилди. Биринчи Президент И. Каримовнинг 1992 йил 28 февраль Фармони билан 8 вилоят педагогика институтларига университет мақоми берилди. Бу республика ҳукуматининг изчил маданий-маърифий сиёсатининг яна бир далили бўлди. Вилоятларда олий университет таълимини ташкил этиш, бу жойларда илмий-маърифий ишларни ривожлантиришга, энг олис вачекка шаҳарларни маданий-маърифий марказга айлантиришга асос бўлди.

2000 йил бошларига келиб, мамлакатимизда 61 та олий, 258 та ўрта махсус ўқув юртлари, шу жумладан, 75 та коллежларда 360 мингдан ортиқ талаба билим олмоқда. Мустақиллигимиз келажаги ёшлар қўлида экан билимдон, маънавиятли, мустақил фикрлаб, мустақил иш юритадиган ёшларни, юртбошимиз таъбири билан айтганда, жамиятимизнинг энг катта бойлиги, миллатимизнинг интеллектуал, ақл-заковат бойлиги бўлмиш йигит-қизларимизни тарбиялаш мамлакатимиз ҳаётида биринчи даражали вазифа этиб қўйилмоқда.

¹⁷⁹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги “Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. www.lex.uz

2. Таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг янги босқичга кўтарилиши.

Мактабгача таълим вазирлигиниг ташкил топиши ва коллеж ва лицейларнинг ислоҳ қилиниши.

Таълим тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда инновацион ва креатив фикрлайдиган замонавий кадрлар тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавият эгалари этиб тарбиялаш, шу мақсадда таълим тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Маълумки, мураккаб ўтиш йилларида мактаблардаги маънавий-маърифий муҳит, ўқитувчи касбининг обрўйи, нуфузи пасайиб кетгани, янги давр педагогларини тарбиялаш, педагогика фанини ривожлантириш, инновацион таълим технологияларини жорий этишга етарли эътибор берилмагани соҳада бир қатор жиддий муаммоларни келтириб чиқарди. Кейинги йилларда ана шу муаммоларни самарали ҳал этиш, кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан томонидан халқ таълими тизимига оид 6 та фармон ва қарор, Вазирлар Маҳкамасининг 21 та қарори қабул қилиниб, бу соҳадаги ислоҳотларнинг ҳуқуқий-меърий асослари мустаҳкамланди. Ота-оналар, жамоатчиликнинг истаклари инобатга олиниб, юртимизда 11 йиллик мактаб таълими тизими тикланди. 2017-2019 йилларда юртимизда 157 та умумтаълим мактаби

янгидан қурилди¹⁸⁰.

Улуғ алломаларимиз – Мирзо Улуғбек ва Мұхаммад Хоразмий номидаги иқтидорли болалар мактаблари, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Исҳоқхон Ибрат, Мұхаммад Юсуф, Ҳалима Ҳудойбердиева номлари билан аталған ижод мактаблари, “Темурбеклар мактаби”, Президент мактаблари, хусусий мактаблар сингари янги ва замонавий намунадаги таълим даргоҳлари ташкил этилгани юртимиз фарзандлари учун таълим-тарбия олиш борасида янги имкониятлар очиб бермоқда. Таълим-тарбия ишларини самарали олиб боришда эркак ўқитувчиларнинг алоҳида ўрни ва таъсири борлиги ҳисобга олиниб, кўрилган аниқ чора-тадбирлар натижасида ҳалқ таълими тизимиға 12 минг 871 нафар эркак ўқитувчи қайтди.

Педагог ходимлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича катта ишлар килинмоқда. Охирги 3 йилда ўқитувчиларнинг иш ҳақи ўртача 2,5 баробар оширилди. Узоқ туманларга бориб ишлаётган педагог кадрлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича аниқ мезонлар белгиланди. Уларга 50 фоизгача қўшимча ойлик устамалар тўланмоқда. Бу олис ҳудудларда етишмаётган мингдан зиёд ўқитувчини жалб этиш имконини берди. Нафақа ёшида фаолиятини давом эттираётган ўқитувчиларга пенсияси тўлиқ миқдорда берилмоқда¹⁸¹.

Бугунги кунда республикада 114 та олий таълим муассасаси мавжуд бўлиб, улардан 93 таси маҳаллий ҳамда 21 таси хорижий олий таълим муассасаси ва уларнинг филиаллари ҳисобланади. Жумладан, сўнгги 3 йилда янги 6 та олий таълим муассасаси, 17 та филиал ва 14 та хорижий олий таълим муассасаси филиали ташкил этилди.

¹⁸⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.01.2020. www.lex.uz

¹⁸¹ «Мактаблар учун маблагни аямаймиз» — Президент таълим масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маъруzasи. 23.08.2019 <https://kun.uz/news/2019/08/23/maktablar-uchun-mablagni-ayamaymiz-president-talim-masalalariga-bagishlangan-videoelektor-otkazdi>

Кадрлар буюртмачилари таклифлари асосида Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига 329 та таълим йўналиши ва 582 та магистратура мутахассислиги киритилди.

2019-2020 ўқув йилида 59 та олий таълим муассасасида сиртқи таълим, 10 та олий таълим муассасасида кечки таълим шакли жорий этилди.

Республика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар сони бакалавриат таълим йўналиши бўйича 410 минг, магистратура мутахассислиги бўйича эса 13 минг нафарни ташкил қилиб, сўнгги 3 йилда 1,7 бараварга ошди.

Талабаларнинг 54,8 фоизи гуманитар ва педагогик, 25,2 фоизи ишлаб чиқариш-техник, 5,2 фоизи ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ, 5,9 фоизи қишлоқ ва сув хўжалиги, 4,4 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, 4,5 фоизи хизмат кўрсатиш билим соҳаларига оид таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича таҳсил олмоқдалар.

Магистратура талабаларининг 40,8 фоизи гуманитар ва педагогик, 23,3 фоизи ишлаб чиқариш-техник, 13,3 фоизи ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ, 5,9 фоизи қишлоқ ва сув хўжалиги, 13,5 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, 3,2 фоизи хизмат кўрсатиш билим соҳаларига оид таълим йўналишлари бўйича таҳсил олмоқдалар.

2019-2020 ўқув йили учун қабул параметрлари 121 мингтани ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 18 фоизга, 2016 йилга нисбатан эса 92 фоизга ошди.

Республиканинг 16 та олий таълим муассасасида 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш фаолияти йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида Нанотехнологияларни ривожлантириш маркази, Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти, Биофизика ва биокимё институти, Интеллектуал дастурий тизимлар илмий-амалий маркази ташкил этилди.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларидаги илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар сони 84 тани ташкил қилмоқда (2017 йилда 48 та). Сўнгги 3 йилда 1 693 нафар профессор-ўқитувчи докторлик диссертациясини ҳимоя қилиши натижасида олий таълим муассасаларида илмий даражага эга педагог ходимлар сони 9 636 нафарга етди (шундан 2 130 нафари фан доктори (DSc), 7 506 нафари фан номзоди (PhD) ҳамда республика олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти 5,1 фоизга ошишига эришилди.

Сўнгги 3 йилда олий таълим муассасаларининг 1 611 нафар профессор-ўқитувчиси хорижий олий таълим муассасаларида стажировка ўташи ва малака ошириши таъминланди. Халқаро ҳамкорлик доирасида хорижий олий таълим ва илмий муассасалар магистратура мутахассислигига 112 нафар, докторантурасига 51 нафар ёшлар таълим олишга қабул қилинди.

"Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали 46 нафар профессор-ўқитувчининг Канада, Буюк Британия ва Италия давлатларида стажировка ўташи таъминланди.

2017-2019 йилларда таълим жараёнига 1 154 нафар хорижлик юқори малакали педагог ходим ва олим жалб этилди (АҚШдан 94 нафар, Европа мамлакатларидан 445 нафар, Осиё мамлакатларидан 299 нафар, МДҲ мамлакатларидан 316 нафар)¹⁸².

Олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, худудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги фармонига мувофиқ, Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Унда 48 та мақсадли қўрсаткичларга эришиш бўйича аниқ механизмлар белгиланди. Масалан, 2030 йилга бориб ўқувчилар

¹⁸²Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси (ЎзР Президентининг 08.10.2019 й. ПФ-5847-сон Фармонига 1-илова). www.lex.uz

билимини баҳолаш бўйича PISA халқаро дастури рейтингида Ўзбекистоннинг жаҳондаги етакчи 30 та мамлакат қаторидан жой эгаллаши мақсад қилиб қўйилган¹⁸³.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси, Молия ва Халқ таълими вазирликларига 2020 йилда халқ таълими ходимлари ойлик иш ҳақини ошириш юзасидан кўрсатмалар берилди. Узоқ қишлоқлардаги мактабларга ўқитувчиларни жалб этишни янада рағбатлантириш учун уларга уй-жойлар, автотранспорт учун кредитлар бериш ҳам кўзда тутилган. Бу ишлар давлатимиз томонидан изчил давом эттирилади. Лекин бу – масаланинг бир томони. Иккинчи томондан, ўқитувчи ва мураббийларнинг ўзи ҳам билим ва касб маҳоратини ошириш, жамоат ишларида фаол иштирок этиш, ҳалол меҳнати ва ташаббускорлиги билан бу касбнинг обрўсини ошириши кераклигига ургу берилди.

Мактаблардаги маънавий-тарбиявий ишларни янгича асосда ташкил этиш, “Миллий ғоя”, “Одабнома”, “Динлар тарихи”, “Ватан туйғуси” каби фанларни бирлаштирган ҳолда, ягона “Тарбия” фанини жорий қилиш зарурлиги қайд этилди. Мактабларга буюк алломалар, давлат ва сиёsat арбоблари, машҳур саркарда аждодларимизнинг номларини бериш муҳимлиги таъкидланди.

10-11-синфлар жорий этилиб, колледжларда контингент қисқариши муносабати билан мавжуд моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш мақсадида 7 та коллеж ва академик лицей негизида янги 3 та олий таълим муассасаси филиаллари ва 1 та олий таълим муассасаси ташкил этилмоқда.

Ҳозирги кунда илму фан соҳасида ҳам рақобат муҳити ҳаётий зарурат бўлиб қолди. Бусиз эса тараққиёт булмайди. Илм-фандаги рақобат янги-янги фикр ва гояларга туртки беради, киши дунёқарашини кенгайтиради. Қайси университет ўз ихтиrolари, илмий хулоса ва ишланмалари билан ном

¹⁸³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.04.2019 й. Пф-5712 “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони www.lex.uz

чиқарса, уша университетнинг нуфуз ва эътибори оша боради¹⁸⁴.

Тўртинчидан, вилоятларнинг келажак тараққиёти ана шу худудлардаги олий таълим марказлари билан бевосита боғлиқ. Вилоятларда ишлаб чицаришни янада ривожлантириш учун янги соҳаларни эгаллаш, янги ихтисосликларни ташкил этиш, зарур кадрларни шу жойларда тайёрлаш имконияти туғилди.

Олдиндан марказда ўқиган кадрларни вилоятга юбориш масаласи анчамунча муаммо эди. Вилоятларда университетлар филиаллари ташкил этилиши билан бу муаммонинг ҳам ечими топилди.

Бешинчидан, вилоятлардаги университетлар воситасида дунёning энг илғор, машҳур ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилиш имкониятлари пайдо бўлди. Бу эса ўз навбатида дунё тажрибасини ҳаётга тезроқ олиб кириш, фан ва техникани янги ўзанга буриш, шу асосда мамлакат тараққиётини жадаллаштириш имконини берди.

Кадрлар тайёрлаш соҳалари таркибий тузилиши лойиҳасида ёшларни олий ўқув юртларига янада кўпроқ қамраб олиш бўйича батафсил маълумот берилди. 2018-2019 ўқув йилида мамлакатимиз олий ўқув юртларига 96 минг 950 талаба қабул қилинган бўлса, 2019-2020 йилда 123 минг 170 нафар юнит-қиз ўқишига жалб этилади. Бу кўрсаткични 2022-2023 ўқув йилида 180 мингтага етказиш режалаштирилган¹⁸⁵.

Олий таълимга инновация инвестицияларини – хорижий таълим-илм технологияларини жалб этиш борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2018 йилда юртимизда Россиянинг 2, Жанубий Кореянинг 2, Латвиянинг 1 олий таълим муассасаси филиаллари ташкил этилди. Жорий йилда Ҳиндистоннинг 2, Россиянинг 2 ва АҚШнинг 1 олий

¹⁸⁴Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 2019 йил 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишлиланган видеоселектор йигилишидаги маърузаси <http://aza.uz/oz/politics/maktab-talimini-rivozhlanirish-umumkhal-arakatiga-aylanishi-23-08-2019>

¹⁸⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 24 майдаги Ўзбекистон Миллий университетида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан учрашувдаги нутки <http://aza.uz/oz/documents/2019-2023-yillarda-mirzo-ulu-bek-nomidagi-zbekiston-milliy-u-18-06-2019>

таълим муассасаси филиали талабаларни қабул қиласди. Улардаги таълим жараёнига 832 нафар хорижий мутахассис жалб этилган.

Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида ташкил этиладиган ёшлар академияси ҳам илм-фан вакилларини қўллаб-қувватлашга хизмат қиласди. Ушбу академияга инновацион фикрлайдиган иқтидорли талабалар ва 40 ёшгача бўлган олимлар, ташаббускор ёшлар аъзо бўлади. Академияда сунъий интеллект, қайта тикланадиган энергия манбалари, робот техникаси ва меҳатроника, фармацевтика, биотехнология, дастурлаш, саноат дизайнни, 3D моделлаштириш каби йўналишларда илмий ишлар олиб борилади.

Мактабгача тарбия Ўзбекистон халқ таълими тизимида биринчи босқичдир. Бу босқичда хилма-хил тоифадаги, турлича муассасаларни кўриш мумкин. Яъни болалар яслилари, болалар боғчалари, ясли боғчалар, соғломлаштириш боғчалари, аклий, жисмоний жиҳатдан ногирон болалар боғчалари, хонадон боғчалари, мавсумий боғчалар ва хакозолар шу тизимга киради¹⁸⁶.

Мактабгача таълим тизимини яхлит узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини сифатида янада такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик ва жисмоний ривожлантирувчи замонавий таълим дастурлари ва технологияларини таълим-тарбия жараёнига жорий этиш, уларнинг мактабга тайёргарлик даражасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги Қарори асосида мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди.

Янги вазирликнинг асосий вазифалари босқичма-босқич барча болаларни мактабгача таълимга камраб олиш, мамлакатда ўзаро рақобат

¹⁸⁶ Инновация вазирлиги ҳузурида ёшлар академияси ташкил этилади. <https://mininnovation.uz/uz/news/innovatsiya-vazirligi-huzurida-yoshlar-akademiyasi-tashkil-etiladi>

қилувчи давлат ва нодавлат МТМлари тармоғини яратиш, амалиётга мактабгача таълим ва болаларни тарбиялашнинг муқобил шаклларини жорий этишдан иборат. Мактабгача таълим тизими раҳбар ва педагог кадрларини замонавий технологиялар ва методлар базасида қайта тайёрлаш, шунингдек болаларни тарбиялашнинг муносиб шароитларини яратиш режалаштирилган¹⁸⁷.

Барча МТМлар маҳкамавий тегишлигидан қатъи назар янги вазирлик тизимиға ўтказилади. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида 50, 70, 100, 120 ва 150 ўринга мўлжалланган қўшимча давлат ва нодавлат МТМларни ташкил этиш, шунингдек мактабгача таълимнинг муқобил шаклларини татбиқ қилиш йўли билан болаларни мактабгача таълимга тўлиқ қамраб олиш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳозир 9467 мактабгача тарбия ва таълим муассасалари мавжуд бўлиб, 1,3 миллион кичкитойларни ўз бағрига олган. Уларнинг тарбияси билан 100 мингдан ортикрок педагог ходимлар шуғулланмокдалар. Хусусий МТМ лар сони 2017 йилда 200 дан ортиқ бўлган бўлса, 2019 йилга келиб бу кўрсаткич 600 га яқинни ташкил қилмоқда. Рақамлар кун сайин ошиб бормоқда, чунки хусусий МТМлар ва Давлат-хусусий сектори ҳамкорлиги асосидаги МТМлар очилмоқда.

Кейинги йилларда мактабгача тарбия, ўрта маҳсус ва олий таълимнинг ишлаб чиқилган концепциялари асосида таълимнинг барча даражалари учун ўқув дастурларининг эскилари қайта кўриб чиқилиб, янгилари ишлаб чиқилмоқда.

2018 йилда мактабгача тарбия, болалар муассасалари ва оилалар учун 17 номдаги ўқув-методик қўлланмалар, республика ҳудудида истиқомат килувчи халқларнинг 7 тилида 58 номдаги янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва умумий таълим мактаблари дастурлари ишлаб чиқилди ва нашрга тайёрланди. Уларнинг 51 таси эълон қилинди ва ўқув юртларида

¹⁸⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон карорига илова Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси

фойдаланиш учун қабул қилинди¹⁸⁸.

Юртимизда сўнгги йилларда таълим сифатини яхшилаш, тизимда янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш ҳамда инновацион технологияларни кенг жорий этиш, ривожланган давлатлар билан тажриба ва ахборот алмашиш, меҳнат ресурсларига, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, техник ривожланиш ҳамда модернизация жараёнлари билан боғлик эҳтиёжни инобатга олган ҳолда таълим муассасаларида ўкув дастурлари, мутахассислик йўналишларини янгилаб бориш, тайёрланаётган мутахассислар билан меҳнат бозори ўртасидаги талаб ҳамда таклиф мутаносиблигига эришиш борасидаги ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда.

3. Ўзбекистон республикасида мустақиллик йилларида жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан спортга катта эътибор қаратиб келинган. Чунки спорт айнан баркамол авлодни тарбиялашдаги энг муҳим воситалардан бири бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон спортчилари томонидан мустақиллик йилларида олимпиада ўйинларида, осиё ўйинларида, чемпионат ва кубокларда 6700 тадан ортиқ турли даражадаги медаллар қўлга киритилди. Ўзбекистон спортчилари 5 та Осиё ўйинларида иштирок этиб, 232 та медални қўлга киритдилар. Улардан 53 таси олтин, 83 таси қумуш, 96 таси бронза медалидир. Буларнинг барчasi бежизга эмас, балки аҳоли ўртасида спортни ривожлантириш масаласига алоҳида аҳамият қаратилаётгани, болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар натижасидир.

1992 йилда қабул қилинган «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Конуннинг 13-моддасига биноан «Давлат ташкилотлари жойларда маҳсус спорт соғломлаштириш мажмуалари, спорт иншоотлари ва бошқа

¹⁸⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини бошкаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори. www.lex.uz

шароитларни яратиб беришни ўз зиммаларига оладилар»¹⁸⁹

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳрири 2015 йил 4 сентябрда қабул қилинди. Мазкур Қонунда Ўзбекистон ҳукуматининг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳуқуқиймеъёрий асослари Конституция ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мос равища яратилди. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб берди: жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириши давлат томонидан қўллаб-қувватлаш; ҳар кимнинг жисмоний тарбия ва спорт билан эркин шуғулланишга бўлган ҳуқуқини таъминлаш; жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат ҳамда жамоат бошқарувини уйғунлаштириш; фуқароларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ҳуқуқларининг давлат кафолатларини белгилаш; жисмоний тарбия ва спорт соҳасида камситишга ҳамда зўравонликка йўл қўймаслик; жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи шахслар, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари иштирокчилари ҳамда томошабинларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш; спортнинг барча турлари ва таркибий қисмларини ривожлантиришга кўмаклашиш; ногиронлар ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахслар, шунингдек, юқори даражада ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли гурухлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга кўмаклашиш; Ўзбекистоннинг миллий спорт турлари ва ҳалқ ўйинларини ривожлантириш ҳамда оммалаштириш учун шарт-шароитлар яратиш; фуқароларни жисмоний тарбиялашнинг узлуксизлиги ва давомийлигини таъминлаш; халқаро ҳамкорликни амалга ошириш шулар жумласидандир¹⁹⁰.

¹⁸⁹Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонун/Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000, 5-сон. 147-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2005, 37-38-сон, 277 модда. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги 2015, 4 сентябрдаги ЎРҚ-394-сонли Қонунига мувофиқ янги таҳрира қабул қилинган.

¹⁹⁰Шакиржанова К.Т. Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши. Замонавий таълим / 2016, №9.-Б.12.

Шу ўринда Ўзбекистонда спортнинг ривожланиш тарихи бир неча босқичларга бўлинади:

Биринчи босқич, 1991-1997 йилларни ўз ичига олиб, республикамиз ҳаётида туб бурилиш ясаган бу даврни Республикада жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришга қаратилган тегишли қонунлар, Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ишлаб чиқилди. Уларда спортнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий асослари белгланиб, спорт турларини ривожлантириш чора-тадбирлари кўрсатиб берилди.

Шу даврларда кўплаб оммавий спорт тураларини ривожлантиришга катта эътибор берила бошлади. Хусусан, 1992 йилдан миллий кураш бўйича жаҳон чемпионатлари, 1994 йилдан теннис бўйича “Президент кубоги” халқаро турнири, 1996 йилдан “Тошкент опен” халқаро аёллар турнирлари каби турнирлар ўtkазила бошлади. Ўзбекистон ilk бор мустақил жамоа сифатида 1994 йилда қиши Олимпия ўйинларида иштирок этиб биринчи олтин медални қўлга киритди. (Л.Черязова). Тошкентда 1996 йил 14 августда Олимпия музейи ташкил этилди. Уни Халқаро Олимпия Кумитасининг Президенти X. А. Самаранч мамлакатимиз Биринчи Президенти И. Каримов билан бирга тантанали равишда очиб берди. X. А. Самаранчнинг Ўзбекистон спортини ривожлантириш борасидаги катта хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. 1996 йилда Ўзбекистон бокс федерацияси спорт бўйича йўриқчиси Артур Григорян ўз вазни бўйича Германияда ўтказилган жаҳон чемпионатида қатнашиб катта ютуқларга эришди. У мутлақ чемпион «Олтин камарини» қўлга киритди. Унинг спорт соҳасида ютуқлари мамлакат Президенти томонидан юксак баҳоланди¹⁹¹.

1997 йил Ўзбекистон Республикаси спорти тарихида, умуман олганда, муваффақиятли йил бўлди. Саралаш мусобақаларида ғолиб чиққан 77 спортчимиз 13 спорт тури бўйича Австралияning Сидней шаҳрида бўлиб ўтган XXVII Олимпиада уйинларида қатнашишга муяссар бўлдилар.

¹⁹¹ Абдуллаева З.А. Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиш тарихи.(1991-2006й). Дисс... тарих фанлари номзоди. –Тошкент:2009. –Б.12.

Олимпиадачиларимиз 1 олтин, 1 кумуш ва 2 бронза медалларини қўлга киритиб, 200 мамлакат ўртасида 4-ўринни эгалладилар. Республика курашчилари, боксчилари, теннисчилари, дзюдочи ва каратечилари мустақил Ўзбекистонимизни бутун жаҳонга танитмоқда.

Мамлакатда «Соғлом авлод» Давлат дастури ишлаб чиқилди ва кенг кўламда амалга оширила бошланди. Ушбу дастурга мувофиқ, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги миллий маънавиятни тиклашга катта эътибор берилди. Миллий ўйин ва спорт турлари бўйича ҳар йили мусобақалар ўтказиш одат тусига кирди.

Иккинчи босқич, 1998-2006 йилларни ўз ичига олиб, бу давр ҳам юқоридаги амалий ишларни узвий ва мантиқий давоми сифатида жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиш даври бошланди. Бу даврда давлатимиз раҳбарияти томонидан миллий спорт турлари, профессионал ва оммавий спорт, аёллар ва болалар спорти, халқ миллий ўйинларини ривожлантириш учун маҳсус қарорлар қабул қилиниб, чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Учинчи босқич, 2007 йилдан то ҳозирги кунгача бўлган даврни ўз ичига олади¹⁹². Бу босқичда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъruzасида мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим ва самарали омили бўлган жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. 1991-2020 йиллар давомида Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланишини тўртта асосий йўналишларда кузатиш мумкин: оммавий спорт, болалар спорти, хотин-қизлар спорти, юқори натижалар спорти. Оммавий спортни ривожлантириш мақсадида аҳолини оммавий тарзда қамраб оладиган мусобақалар орқали барча ижтимоий қатламга мансуб аҳоли вакиллари спортга жалб қилинмоқда. Ҳар йили ёшлар, ишчи ва

¹⁹²Ўша манба, 38-бет.

хизматчилар, маданият, ҳукуқ-тартибот, мудофаа ходимлари ўртасида баскетбол ва волейбол бўйича «Камолот кубоги», миллий ўйинлар бўйича «Алпомиш» спорт мусобақалари, ёшларнинг «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақалари, аёлларнинг «Тўмарис» спорт фестивали, «Жасорат-иродагалаба» ногиронлар спорт мусобақалари, ўқувчи ва талабаларнинг «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» узлуксиз спорт мусобақалари мунтазам ўtkazilmokda. Спортнинг оммавий ўйин тури – футболни янада ривожлантириш мақсадида барча вилоятлар ва шаҳар марказларидағи стадионлар қайта таъмирланди, футбол майдонлари реконструкция қилинди, футбол мактабинтернатлари ташкил этилди, футболнинг профессионал клублар тизимиға ўtkaziliшининг асосий тамойиллари белгиланди. Шунингдек, спортнинг ўйин турлари қаторида катта теннис мамлакатимизнинг барча ҳудудларида оммавий равишда тез суръатлар билан ривожланмоқда. 2015 йилда Ўзбекистон спортчилари жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа ҳалқаро турнирларда 860 дан ортиқ медални қўлга киритишига эришдилар. Шунинг 311 таси олтин, 274 таси кумуш ва 276 таси бронза медалларидир. Спортчиларимиз, айниқса, енгил атлетика, бадиий гимнастика, бокс, кураш, дзюдо, таэквондо, от спорти бўйича муваффақиятли иштирок этишмоқда.¹⁹³

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 5 марта “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида илгариги давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари негизида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ташкил этилиб, унинг вазифа ва ваколатлари кенгайтирилди. Спортчиларни танлаб олиш – селекция ишларини такомиллаштириш бўйича янги тизим жорий этилиб, бу ўзининг дастлабки натижаларини бера бошлади. Август-сентябрь ойларида Индонезияда ўtkazilgan Осиё ўйинларида спортчиларимиз 21 та

¹⁹³ Шакиржанова К.Т. Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши. Замонавий таълим / 2016, №9. –Б.12.

олтин, 24 та кумуш ва 25 та бронза – жами 70 та медални қўлга киритди. Мамлакатимиз олтин медаллар сони бўйича 5-ўринни эгаллагани ўзбек спорти тарихида энг яхши натижа бўлди¹⁹⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев айтганлариdek, “Биз халқаро спорт майдонларида Ўзбекистоннинг нуфузи ва обрў-эътиборини оширишга катта ҳисса қўшган спортчиларимиз билан фахрланамиз. Шу билан бирга, олий спортда эришилган ютуқлар билан чегараланмасдан, оммавий спортга ҳам катта эътибор беришимиз керак”. Шу боис Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Ёшлар иттифоқи, тегишли вазирликлар билан биргаликда таълим муассасаларидаги спорт иншоотлари ҳамда бўш турган объектларда спорт секцияларини очиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни кўриши зарурлиги таъкидланди. Аҳоли, айниқса, ёшларни спортга кенг жалб қилиш учун “Алпомиш” ва “Барчиной” тестларини мусобака тарзида ўтказишни ҳамда уч даражадаги кўкрак нишонлари билан тақдирлашни жорий қилиш вазифаси қўйилди¹⁹⁵.

2016 йилда Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтган сўнгги Ёзги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон спортнинг 13 тури бўйича иштирок этди. Бразилия шаҳрида бўлиб ўтган ўйинларда боксчиларимиз Хасанбой Дўстматов, Шаҳобиддин Зоиров ва Фазлиддин Гоибназаров, Бектемир Мелиқўзиев мамлакатимизга олтин ва кумуш медаллар олиб келишди. Андижонлик Руслан Нуриддинов эса 105 килограмгача бўлган мутлақ вазнданаги ўзининг биринчи жаҳон рекордини ўрнатди. Оксана Чусовитина - бизнинг фахримиз, гимнастикачимиз, жаҳон аренасида мамлакатимизни шарафини 10 йилдан ортиқ муддатдан буён ҳимоя қилиб келаётган, 7 та ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этган дунёдаги ягона Олимпия чемпиони. 2020 йилги Токио Олимпиадасида у гимнастика бўйича энг яхши жисмоний имкониятларини

¹⁹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 5 март “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. www.lex.uz

¹⁹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 20 сентябрь куни жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилишдаги нутқи. www.lex.uz

намойиш этади ва, эҳтимол, муносиб мукофотини мамлакатимизга олиб келади. Бу каби «узоқ умр кўрувчи олимпиячилар» қаторига Артур Тоймазов (кураш), Абдулла Тангриев (дзюдо), Денис Истомин (теннис)ларни қўшиш мумкин.

Хозирги пайтда Ўзбекистонда аҳоли билан жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишини амалга оширадиган 15085 бирламчи ташкилотлар - жисмоний тарбия жамоалари фаолият кўрсатмоқда. Улардан 9501 таси умумтаълим мактабларида, 710 таси коллеж ва лицейларда, 62 олий ўқув юртларида, 4812 таси меҳнат жамоаларида, 12092 таси қишлоқ жойларида ишламоқда.

Республикада юқори малакали спортчиларни тайёрлашга ихтисослаштирилган 536 болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, 5 олимпия ўринбосарлари билим юртлари, 8 республика олий спорт маҳорати мактаблари фаолият кўрсатмоқда.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда 2000 йил май оидан ўтказиб келинаётган «Универсиада», «Баркамол авлод», «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари аҳамиятини алоҳида кўрсатиш лозим.

2004 йилдан бошлаб Ўзбекистон Грецияда бўлиб ўтган паралимпия ўйинларида илк бора иштирок этишни бошлади. Ушбу спорт ўйинида 144 та давлатдан 3969 та спортчи спортнинг 19 та тури бўйича иштирок этди. Бу ўйинда илк бор кўзи ожизлар футболи ва аёллар учун ўтириб ўйналадиган аёллар воллейболи ва ногиронлар аравачасидагилар учун теннис ўйини қўшилди. Унда Хитой 141 та медални, Буюк Британия 94 та, Канада 71 та медални қўлга киритди. Ўзбекистондан 1 нафар спортчи иштирок этиб медални қўлга кирита олмаган ва 76 ўринни эгаллаган бўлса-да, бу ўйин Ўзбекистон спортчилари учун тажриба мактаби бўлди.

2016 йилдаги Рио де-Жанейродаги спорт ўйинларида иштирок этиш учун 31 нафар паралимпиячи Параосиё ўйинларида йўлланмани қўлга киритдилар. 2016 йилдаги паралимпия ўйинларида 31 нафар спортчи иштирок этиб, жаҳонда 16 ўринни эгалладилар. 2016 йилгача бўлган қисқа 12

йиллик давр мобайнида спорт соҳасида катта ютуқларни қўлга киритди. Паралимпия ўйинларига йўлланма берувчи халқаро Параосиё ўйинларида эса ҳатто 27 нафар иштирокчи 31 та медални қўлга киритган. Бу бир нафар спортчи 2 тадан медални қўлга киритганигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси спортини янада ривожлантиришда 2019 йил 13 февралда 2019 — 2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган 5 та ташаббус ҳам муҳим рол ўйнайди. Болалар ўртасида спорт ўйинларини ривожлантириш масаласи иккинчи ташаббусда илгари сурилган.

Диёrimизда 12 мингдан зиёд спорт иншоотлари борлиги, лекин ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спортга қамраб олиш даражаси етарли эмаслиги қайд этилди. Умумтаълим мактабларининг спорт анжомлари билан жиҳозланиш кўрсаткичи мамлакат бўйича 56 фоизни, жумладан, Сурхондарё вилоятида 12 фоизни, Хоразмда 14 фоизни, Қорақалпоғистонда 15 фоизни ташкил этади, холос. Ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш борасидаги чора-тадбирлар белгилаб берилди. Туман ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарларига мутахассислар билан биргаликда ёшларнинг спорт турларига қизиқиши ҳамда спорт иншоотларининг жиҳозланиш даражасини ўрганиб, шу асосда таклифлар бериш, Вазирлар Маҳкамасига уларни амалга ошириш учун зарур маблағлар манбасини аниқлаш вазифаси юклатилди.

Олис ва чекка қишлоқларда енгил конструкцияли сендвич панеллардан кичик спорт заллари ва сунъий қопламали майдонлар қуриш, ташаббускор тадбиркорларга спорт иншоотлари ташкил этиш учун ер ажратиш зарурлиги таъкидланди. Бундай тадбиркорларга Ўзмиллийбанк томонидан “Ёшлар – келажагимиз” дастури доирасида имтиёзли кредитлар ажратилади. Жойлардаги спорт мактабларига халқаро мусобақаларда ғолиб бўлган таниқли спортчиларни раҳбар этиб тайинлаш, шунингдек, спортчиларни

олий ўқув юртларининг махсус сиртқи бўлимларида мақсадли ўқитиш яхши натижа бериши қайд этилди. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари сонини кўпайтириш юзасидан топшириqlар берилди.

Ушбу ислоҳотлар Республикада жисмоний тарбия ва спортни фаол ривожлантириш, аҳолининг барча қатламларини, айниқса ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзининг фойдаси ва устунлигини кенг тарғиб қилиш, мамлакатда яратилган жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт инфратузилмасидан тўлақонли ва самарали фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, янада такомиллаштиришга хизмат қиласи.

Таянч иборалар:

Олий ўқув юрти, мактаб, таълим, илм-маърифат, узлуксиз таълим, таълим босқичлари, бакалавр, магитература, миллий ғоя, истиқлол мафкураси, таълим тўғрисидаги қонун, кадрлар тайёрлаш миллий дастури, инновация, илмий ишланмалар.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий тамойиллари нималардан иборат?
2. Кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича халқаро ҳамкорлик борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?
3. Мактабгача тахлим вазирлигининг ташкил этиши ва унинг фаолиятининг самарадорлигини оширишга оид қандай чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда?
4. Олий таълим муассаларини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси нечта банддан иборат?
5. Ўзбекистон Инновация ривожланиш вазирлиги қачон ташкил этилди?

6. Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларида спортни ривожлантириш мақсадида қандай амалий ҳаркатлар қилинди? Ўзбекистон Миллий Олимпия Қўмитаси қачон ташкил топган?

7. Спортнинг қайси турлари бўйича мамлакатимизда федерациялар фаолият кўрсатади?

8. Ўзбек миллий курашини ривожлантириш учун қандай ишлар амалга оширилди?

9. Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциациясининг ногиронлар спортини ривожлантиришдаги фаолияти нималардан иборат?

7-Маевзу.Мустақиллик йилларида фан ва маданиятнинг ривожланиши.

1. Ўзбекистонда илм фаннинг ривожланиши ва инновацион илмий ишланмаларнинг янги босқичга кўтарилиши.
2. Ўзбекистонда мусиқа ва театр санъатининг ривожланиши.
3. Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилишда бешта ташаббуснинг тутган ўрни.

1.Ўзбекистонда илм фаннинг ривожланиши ва инновацион илмий ишланмаларнинг янги босқичга кўтарилиши.

Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида қадимдан бошлаб илм-фаннынг ҳамма соҳаси, айниқса, астрономия, математика, тиббиёт, кимё, меъморчилик, маъданшунослик, фалсафа, мусиқа, тилшунослик, адабиётшунослик ривожланган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон олимлари отабоболари яратиб кетган илмий меросни чуқурроқ ўрганиб янада бойитдилар. Ўзбекистон олимлари ўз миллий асарлари ва кашфиётлари билан жаҳон илм-фани ва маданиятига муносиб ҳисса қўшдилар. Республикаизда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Давлат ва жамият қурилиши академияси, Банк-молия академияси, Нукус ва Самарқандда Ўзбекистон Республикаси ФАНИНГ бўлимлари очилган. Илмий-тадқиқот ишлари халқ хўжалигининг турли тармоқларида фаолият кўрсатадиган илмий-тадқиқот институтлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари, илмий марказлари, шунингдек, университетлар ва бошқа олий ўқув юртларида ҳам олиб борилади. Илмий кадрлар Фанлар академиялари тизимида ҳам, олий ўқув юртлари, халқ таълими тизимида ҳам тайёрланади. Фақат Олий ва Ўрта маҳсус таълим тизимидағи ўқув юртларида 600 дан ортиқ фан докторлари ва деярли 6 мингга яқин фан номзодлари ўқитувчилик ва илмий фаолият билан шуғулланадилар.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатда илм-фанга алоҳида эътибор берилди. Халқ хўжалиги ва маданий ҳаётнинг тобора ортиб бораётган талабларидан орқада қолаётган илмий тадқиқот институтлари тугатилди. Турмуш тақозо этган янги институтлар очилди. Республикализ Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 апрелидаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси ФАНИНГ янги Низоми тасдикланди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1992 йил 8 апрелидаги Фармони ҳамда уни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фанлар ривожланишини давлат томонидан қўллаб-кувватлаш тадбирлари ва инновация фаолияти ҳақида» ги Қарор ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг мазкур фармонининг ижросини таъминлашга йўналтирилган қарори илм-фан тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Республика Фанлар академияси қошида илмий ишланмаларни ички ва ташқи бозорда тарғиб этувчи ва тарқатувчи инновация тижорат маркази ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг фармонига биноан Республика Вазирлар Маҳкамаси хузурида Олий Аттестация комиссияси ташкил этилиши муносабати билан Фанлар Академиясининг мавқеи ортди. 1997-йилда Биринчи Президент фармони билан Хоразм Фанлар академияси қайта тикланди.

Республикамизда илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг фаолияти янада такомиллаштирилди, шунингдек, Давлат ва жамият қурилиши Академияси, Банк-молия Академияси, Нукус ва Самарқандда Ўзбекистон Республикаси ФАНИНГ бўлимлари очилган. Илмий тадқиқот ишлари халқ хўжалигининг турли тармоқларида фаолият кўрсатадиган илмий тадқиқот институтлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари, илмий марказлари, шунингдек, университетлар ва бошқа олий ўқув юртларида ҳам кадрлар Фанлар Академияси тизимида ҳам, олий ўқув юртлари, халқ таълим тизимида ҳам, олий ўқув юртлари, халқ таълими тизимида ҳам тайёрланмоқда.

Ўзбек олимларининг фан-техника соҳасидаги ютуқлари нафақат

Ўзбекистон, балки жаҳон ҳамжамиятида ҳам тан олина бошланди ва купчилик олимларимиз давлатимиз мукофотлариға сазовор бўлдилар ва хорижий давлатлар академиялариға хақиқий ҳам фахрий аъзоликка сайландилар. Ўзбекистон Республикасининг Фанлар академияси ал-Хоразмий номидаги, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги олтин медалларни таъсис этди. 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси ФАНИНГ академиги Х.Ф.Фозилов табиий ва техникавий соҳада катта ютуқларга эришгани учун ал-Хоразмий номидаги Олтин медалнинг биринчи соҳиби бўлди¹⁹⁶.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Олтин медал биринчи бўлиб шу иили ижтимоий ва гуманитар фанлар соҳасида катта ютуқларга эришгани учун филология фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг аъзоси У. И. Каримовга насиб этди.

1991 йил октябр ойида эса геология-минералогия фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси ФАНИНГ академиги И.Х. Ҳамробоевгеология ва геофизика соҳасида эришган муваффакиятлари учун Хабиб Абдуллаев номидаги Олтин медалнинг биринчи соҳиби бўлди. У АҚШ да чиқадиган «Глобал тектоника ва металлогения» халқаро илмий журнал» таҳририятига аъзо этиб сайланди.

«Фан ва техникада ким ҳақиқатанким?», деб номланган жаҳон фан ва техникасининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган энг буюк олимларнинг ҳаёти ва илмий фаолияти тўғрисидаги асосий маълумотларни ўз ичига олган комуера Ўзбекистон Республикаси ФАНИНГ академиги П.К., Хабибуллаев киритилган. Ўзбек олими бу шарафга Ўзининг қаттиқ ва юмшоқ, жисмлар иссиқлиқ физикасининг катта муаммоларини, энергетиканинг физика-техникавий муаммоларни ишлаб чиқсанлиги учун мұяссар бўлган.

Мустақиллик йилларида (1996) ФАНИНГ 40га яқин илмий маркази ва тадқиқот лабораторияларида йирик олимлар фаол меҳнат қилмоқдалар.

¹⁹⁶ Рахимов Б.С. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти. дисс...тарих фанлари номзоди. –Тошкент:2008. –Б.134.

Ўзбекистон Республикаси ФА институтлари олимлари хорижий давлатлар олимлари билан ҳамкорликда илмий алоқаларни кенгайтириб бормоқдалар. Натижада, 1992 йил декабр ойида техника фанлари доктори F.F. Умаров К.Э. Циолковский номидаги Космонавтика халқаро академиясининг аъзоси бўлди. У мазкур Халқаро академиянинг аъзоси бўлган биринчи ўзбек олимидир. Шунингдек, Ўзбекистонлик М.С. Булатов, С.М. Сутягин, И.И. М.С. Очилдинов ЮНЕСКО Информация халқаро академиясининг хақиқий аъзолигига, 1994 йил октябр ойида Худоёр Оллоёров, 1995 йил феврал ойида Азамат Шамсиев Нью-Йорк ФАнинг фахрий аъзолигига, Экология ва ҳаёт фаолияти хафвсизлиги халқаро академиясининг хақиқий аъзолигига З.С. Салимов, А.А. Аъзамхўжаев, 1997 йил октябрида У. Тожихонов вазариповлар Табиат ва жамият фанлари халқаро академиясининг аъзолигига академик Э. Юсупов эса Туркия Фанлар академиясининг хақиқий аъзолигига сайландилар. Америка биология институти Ўзбекистоннинг етакчи олимларидан бири Омонулла Файзуллаевга унинг жаҳон фани ва маданияти тарақкиётига қўшган ҳиссасига асосланиб «2001 йил инсони» унвонини берди ҳамда мазкур институтнинг маслаҳатчилар кенгаши аъзолигига сайлади¹⁹⁷.

Сўнгги йилларда Фанлар академияси томонидан жалб этилган бюджетдан ташқари маблағлар, шунингдек, экспорт қилинаётган илмий маҳсулотлар ҳажми 2 баробардан қўпроқ ошиди. 2012 йилда 2010-2011 йилларга нисбатан Фанлар академияси олимларининг ишланмалари учун олинган патентлар сони ҳам қарийб 5 марта кўпайди, уларни лицензиялаш жараёни фаоллашди.

Шу билан бирга, Фанлар академияси илм-фан ва таълим тизими интеграциялашувини изчилилк билан мустаҳкамламоқда. Унинг илмий муассасалари ҳузурида олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда 26 та илмий-ўқув маркази ва ихтисослаштирилган кафедралар ташкил этилган бўлиб, уларда ҳозирги пайтда талаб катта бўлган мутахассисликлар бўйича магистр

¹⁹⁷ Шамсутдинов Р., Мўминов Х. Ўзбекистон тарихи: Ўқув қўлланма.-Тошкент: “Шарқ”, 2013. –Б.345.

ва бакалаврлар тайёрланмоқда. Ана шу марказ ва кафедралар базасида бакалавриат ва магистратура босқичи талабалари нафақат энг сўнгги тадқиқот ишланмалари билан танишиш, балки уларда бевосита иштирок этиш имконига эга бўлмоқда. Академия институтларининг етакчи таълим муассасаларига интеграциялашуви олий ўқув юртларида ҳам илм-фанни ривожлантириш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Фанлар академияси янгиланиш йўлини босиб ўтди, қатор ютуқларга эришди ва халқаро эътирофга сазовор бўлди. Чунончи, Фанлар академияси муассасаларининг жаҳондаги йирик илмий марказлар билан тўғридан-тўғри илмий алоқалари тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосида сезиларли равишда кенгайиб бормоқда. Хитой, Жанубий Корея, Япония, АҚШ, Франция ва Германиядаги илмий марказлар ва институтлар билан ҳамкорлик самарали ривожланаётир. Масалан, 2006-2012 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси икки томонлама илмий ҳамкорлик тўғрисида 16 халқаро шартнома тузиб, уларни амалга оширмоқда, унинг илмий муассасалари эса дунёning турли давлатларидағи илмий ташкилотлар, марказлар, университетлар ва музейлар билан ҳамкорлик тўғрисида қирқ бешдан зиёд халқаро шартнома ижросини таъминлашда иштирок этмоқда¹⁹⁸.

2016-2020 йилларда илм-фан ва инновацион ишланмаларни такомиллаштириш соҳасидаги ислоҳотлар янги босқичга кўтарилди. Республикада илмий ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Ушбу вазирлик Ўзбекистон Республикасини инновацион ва илмий-техник ривожлантириш соҳасида жамият ва давлат ҳаётини ҳар томонлама ривожлантиришга, мамлакатнинг

¹⁹⁸Интернет материали. Илм-фан – мамлакат тараққиётининг муҳим омилларидан бири.
<http://med.uz/ses/khorazm/uz/news/detail.php?ID=35778>

интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади¹⁹⁹. 2017-2019 йиллар давомида инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини кўллаб-куватлаш жамғармаси томонидан ҳозирги кунга қадар 21 нафар ёш олимларнинг хориж мамлакатларига илмий стажировкалари ташкиллаштирилди. Жалб қилинган хорижий юқори малакали олим ва мутахассисларнинг харажатларини молиялаштиришга 17,0 минг АҚШ доллари ҳамда 70 млн. сўм миқдорида маблағ йўналтирилди. Фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондига 117 турдаги жами 158,1 млн. сўмлик (20,1 минг АҚШ доллари) ноёб кўлёзма ва тарихий манбалар мазкур кўлёзма эгалари – жисмоний шахслардан харид қилинди. 2018 йил 20 августда ёш олимлар учун қисқа муддатли илмий стажировкаларга юбориш мақсадида танлов эълон қилинди, 8 нафар ёш олим танловдан мувафаккиятли ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 апрелдаги ПҚ-3674-сон қарорига мувофиқ «Юқори технологиялар ўқув-экспериментал маркази» давлат корхонаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги давлат илмий муассасаси шаклидаги Илгор технологиялар марказига айлантирилди. Илмий ва инновацион лойиҳаларини тижоратлаштиришни кўллаб-куватлаш мақсадида Илгор технологиялар маркази базасида инновацион старт-ап акселератори ва инкубатор ташкил этилиб, фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда 25 стартап жамоалар ўз фаолиятини бошлаш учун учун махсус ўқув тренингларидан ўтмоқдалар. Ҳозирги вақтда марказда жами 2,7 млрд. сўмлик 18 та лойиҳа (фундаментал, амалий, инновацион ва ёш олимлар) амалга оширилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 сентябрдаги 721-сон «Инновацион фаолиятни янада кўллаб-куватлаш тўғрисида»ги Қарорига кўра, «Яшнобод инновацион технопарки дирекцияси» Давлат унитар

¹⁹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони. www.lex.uz

корхонаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги тасарруфидан чиқарилиб, Инновацион ривожланиш вазирлиги тузилмасига ўтказилди.

2018 йил 13 сентябрда Беларусь Республикаси, 1 октябрда Ҳиндистон Ҳукуматлари билан фан, техника ва инновациялар соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битимлар имзоланди. «INNOWEEK» давомида Инновацион ривожланиш вазирлиги ва манфаатдор ҳамкор хорижий ташкилотлар, компаниялар ўртасида 30 дан ортиқ ўзаро англашув битимлари ва ҳужжатлари имзоланди. Хусусан:

Инновацион ривожланиш вазирлиги ва БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистон Республикасидаги Доимий вакиллиги ўртасида давлат бошқарувида инновацияларни тадқик қилувчи Инновациялар лабораториясини ташкил этиш тўғрисида англашув меморандуми имзоланди. Лабораторияни ташкил қилиш ва унинг фаолиятини молиялаштириш учун БМТ Тараққиёт дастури томонидан 400 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтириш назарда тутилган;

Cambridge Innovation Park China Center билан таълим, ахборот технологиялари, тиббиёт, энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги ва коммунал хўжалиги соҳаларида ҳамкорликни назарда тутган ўзаро англашув тўғрисида меморандум имзоланди²⁰⁰. Меморандумга мувофиқ Хитой тарафи Хитойда мавжуд 6 та технопарк уланган Кембридж инновацион паркига Ўзбекистонда очиладиган инновацион марказлар уланишига амалий кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2020 йилга «Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб ном бериш Республиқада инновацион фаолият ва илм-фаннинг жаҳон стандартларига мос равишда ривожланишига замин яратади.

²⁰⁰ Жорий архив материали. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолияти бўйича хисобот (2018 йилнинг 29 ноябрь санасига қадар)

2. Ўзбекистонда мусиқа ва театр санъатининг ривожланиши.

Мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий қайта қуришлар қаторида маданият соҳасида ҳам тубдан ўзгаришлар руй берди. Бу аввало, театр санъати, миллий мусиқа, меъморчилик, адабиёт соҳаларида яққол кўзга ташланади ва янги-янги театр даргоҳлари қуриб ишга туширилди. 1991 йил Фаргонада, 1993 йил Хивада давлат қўғирчок театрлари иш бошлади, 1994 йил Кашкадарё ва Наманган вилояти театрлари қошида қўғирчок гурӯхлари очилди. Андижонда жамоатчилик асосида ишлаб келаётган ёшлар театри давлат тасарруфига олиниб, у 1994 йилда Аббос Бакиров номидаги Андижон ёшлар ва болалар театрига айлантирилди.

1993 йил августида Тошкент шаҳрида иш бошлаган ҳашаматли «Туркистон» саройи нафақат махаллий театр ва томоша гурӯхларининг чиқишлирига, балки, узоқ ва яқин мамлакатлардан ташриф буорадиган саҳна гурӯхлари ва атоқли артистларнинг чиқишлирига ҳам мўлжалланди.

Маданият мутахассисларининг ижодий фаолияти, уларнинг моддий ва техникавий ускуналари, замонавий бинолар билан таъминланди. 2001 йилнинг давлат бюджетидан маданият ва санъат муассасаларини ривожлантириш учун 12 миллиард 703 миллион сўм (бу кўрсаткич 2000 или 9 -млрд. 463 млн. сўмни ташкил қилган эди) ажратилиши фикримизнинг далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 1995-йил 20-октабрдаги «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-кувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1998-йил 26-мартдаги «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги фармонлари асосида театрлар давлат бюджети ҳисобига қўллаб-кувватланди. Фармонга биноан Маданият ишлари вазирлиги тизимида ва театр ижодий ходимлари уюшмаси қошида 1998-йилда «ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди.

Театр билан бир вақтда мусиқа санъати ҳам ривожланиб борди. Республика маданият ишлари вазирлиги, 1992-йилда ташкил этилган «Халқ ижоди ва маданий- маърифий ишлар республика Маркази», унинг вилоятлардаги бўлимлари мусиқа ва қўшиқчилик санъатини, ҳаваскорлик ва фолклор жамоалари фаолиятини ривожлантириш, унутилган халқ оҳангларини тиклаш мақсадида турли хил кўрик-танловлар, фестиваллар ташкил этдилар. 1996-йилда ўтказилган барча вилоят, шаҳар ва туманларида «Ўзбекистон - Ватаним маним» қўшиқ танловида 54 мингдан зиёд қўшиқчилар қатнашди. 1997-йил 25 август - 2 сентябр кунлари Самарқандда бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» биринчи Халқаро фестивалида дунёниг 40 дан ортиқ мамлакатидан ижрочилар, санъатшунослар, жамоат арбоблари иштирок этди, фестивалда янграган ўзбек оҳанглари, куй-қўшиқлари жаҳон узра таралди. 2013 йил 26-30-август кунлари ўтказилган IX халқаро мусиқа фестивали бутун дунё миқёсида эътироф этилганлиги, бу тантананинг нуфузи нақадар ошганини қўрсатади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг қўйидаги сўзларини келтириш жоиз: “...Халқимизнинг маънавий савиясини ошириш, ёш авлодни юксак инсоний ғоялар, она Ватанга меҳрва садоқат руҳида тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятларасосида камол топтиришда мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамиятибекиёсdir”²⁰¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017-йил 3-август куни Тошкент шаҳри мамлакатимиз ижодкор, зиёлилари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилиши Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабига –“Ипотекабанк”ининг ҳомийлик қилиши эса олий хореография институти ва унда таҳсил олаётган ёшлар учун ҳам ўқитувчи педагоглар учун ҳам жуда катта ютуқ бўлди. 2017-2018-йилларда 3 гурӯх ўқитувчиларни малака оширишлари учун хориж сафарларига юбордилди. Ўз ҳоҳиши бўлган иқтидорли

²⁰¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 августдаги ”Ўзбекистон композиторлари ва бастиякорлари ўюнмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ти ПҚ-3212-сонлиқарори (Электрон ресурс //www.aza.uz).

талабаларнинг барчаси ҳар йили жаҳон миқёсида бўлиб ўтадиган турли конференциялар, танловларга, байрам-у тантаналарда қатнашиб, ўзбек ҳалқининг маънавий мероси ҳисобланган миллий рақсларини бутун дунёга тараннум этиб келишмоқда.

3. Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилишда беш ташаббуснинг тутган ўрни.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2019 йил 3 апрелда ёшларимизга бўлган эътиборни янада кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўнимкамларини шакллантириш, юртимиз ёшлари ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган 5 та ташаббусни амалиётга жорий этиш масалалари бўйича ийғилиш ўtkазди. Маълумки, давлат раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурган эди.

Биринчи ташаббус ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишлирини оширишга, истеъодини юзага чиқаришга хизмат қиласди.

Иккинчи ташаббус ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

Учинчи ташаббус аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.

Тўртинчи ташаббус ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

Бешинчи ташаббус хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутади.

Маданият вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигига ҳокимликлар билан биргаликда туман ва шаҳарларда маданият марказлари ва умумтаълим мактабларида ёшларнинг қизиқишидан келиб чиқиб, қўшимча 1,5 мингта тўгарак ташкил этиш вазифаси қўйилди. Ташаббускор истеъдодли ёшлар ва маҳаллий ҳомийларни жалб этган ҳолда, маданият марказларида бадиий-ҳаваскорлик жамоалари, ёшлар театр-студиялари ва “Ёшлар клублари” ташкил қилиш зарурлиги таъкидланди. Таниқли санъаткор ва истеъдодли ижодкорларни туманлардаги маданий ишларга қўмакчи сифатида бириктириш яхши натижа бераётганини инобатга олиб, бу тажрибани бутун мамлакатга ёйиш бўйича кўрсатмалар берилди. Унга мувофиқ, таниқли артистлар туман ва шаҳарларга ижодий маслаҳатчи сифатида бириктирилиб, ўша жойларда маданият ва санъатни ривожлантиришга масъул бўлади, туман ва шаҳарлар ҳокимлари эса ушбу ишларга моддий ва ташкилий жиҳатдан ёрдам беради. Мусиқа ва санъат соҳасида олий маълумотли кадрларни кўпайтириш масаласига ҳам эътибор қаратилди²⁰².

Мустақиллик йилларида ўзбек адабиёти, адабиётшунослик фани тараққиётида ҳам янги саҳифалар очилди. Асарлари заарли, ўзлари миллатчи, деб ноҳақ баҳоланганд Чўлпон, Отажон Хотим, Вадуд Махмуд, Мунаввар Қори сингари миллатпарвар ёзувчи, маърифатпарварлар ижоди холисона ўрганилиб, уларнинг асарлари чоп этилди, театр саҳналарида ўз ўрнини эгаллади.

Маърифатпарварлар фаолиятининг асл моҳиятини, адабий, маданий, сиёсий ҳаётдаги ўрнини руиि-рост қўрсатиш бошланди. Ўтмишда диний ва сарой адабиёти вакили, деб тамға босилган буюк шоир ва мутафаккирлар ҳаёти ва ижоди ўрганилиб, асарлари халққа кайтарилди.

²⁰²Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 19 март куни ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўнімларини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига бағишлиланган видеоселектор йиғилишидаги нутки.<https://tma.uz/uz/5-tashabbus/>

Мустақиллик шарофати боис мўътабар Қуръони Карим ва ҳадислар чоп этилди, истеъдодли олим Ҳамидулла Караматовнинг «Қуръон ва Ўзбек адабиёти» номли китоби нашр этилди. Айтиш мумкинки, бундай асарларнинг халқимиз қалбига етиб бориши бутунлай янги, соғлом, соғ миллий ғояларимизнинг, мақсад ва интилишларимизнинг сифат даражасини белгилайди. Адабиёт соҳасидаги ва кўплаб нашр этилган бошқа асарлар миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг буюк ҳаётбахш кучини кўрсатади.

Мустақиллик даври адабиётининг байроқдорлари Ўзбекистон Қаҳрамонлари Саид Аҳмад, Абдулла Орипов, Эркин Вохидов, Ўзбекистон халқ шоирлари Муҳаммад Юсуф, Хабиб Саъдуллаевлар ижодий фаолияти билан бутун халқимиз фахрланади.

Миллий истиқлол давридаги ўзбек адабиётшунослиги олдида турган муҳим вазифаларни ҳал этишда Озод Шарафиддинов, Бегали Каримов, Наим Каримов, Эркин Каримов, Аҳмад Алиев, Нажмиддин Комиловларнинг асарлари алоҳида ўрин эгаллайди. Т. Маликнинг романлари, О. Матжон, О. Хожиева, X.Султонов, А. Суюн, Й. Эшбек, X.Дустмуҳаммад, Ш. Салимова сингари шоир ва адибларнинг бадиий (баркамол, ғоявий етук асарлари ўзбек миллий истиқлол адабиётига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Мустақиллик йилларида маданий-маърифий муассасалар ишларида ҳам кескин ўзгаришлар юз берди. Бу муассасаларнинг сони 1997 йили 9442 та бўлса, булардан 60 таси музейлар, 2657 та клублар, 6725 та кутубхоналардир. Мустақиллик йиллари бу муассасалар аҳоли ўртасида маданий-маърифий тарбиянинг ўчоғига айланди.

Аҳоли ўртасида маданий-маърифий ишларни ташкил килувчи муассасалардан бири кутубхоналар бўлиб, уларнинг сони 1996 йили 6723 та эди. Кутубхоналарда жами китобхонлар 6 млн. 211 кишини ташкил килса, шундан 4 млн. 425 минги қишлоқ туманларида эди. Кутубхона ходимларидан 65 фоизи олий ва ўрта маълумотли мутахассислардир.

Таянч иборалар:

Мусиқа ва театр, Фанлар Академияси, илмий тадқиқот институти, ахборот технологиялари, тиббиёт, энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги, технопарк, миллий қўшиқчилик санъати, халқаро фестивал, миллий рақс ва хореография олий мактаби, бешта ташаббус.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Ёшларнинг мусиқа, рассомчилик адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишлигини оширишда бешта ташаббуснинг роли нималардан иборат?
2. Темурийлар даври тарихи давлат музейи қачон ташкил этилди?
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонининг илм фанни ривожлантиришдаги ўрни.
4. Ўзбек киноматографлари томонидан яратилган қайси фильмлар халқаро танловларда иштирок этди.

4-БҮЛІМ. ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ.

8-мавзу. Миллатлараро муносабатлардаги барқарорлик.

Тинчликсевар мустақил ташқи сиёсат асосларининг ишлаб чиқилиши.

1. Ўзбекистон Республикасининг тинчликсевар ташқи сиёсати асосларининг яратилиши, унинг тамойиллари.
2. БМТ, ЕХХТ билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши.
3. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Ўзбекистон..
4. Ўзбекистон ва МДХ.

1. Ўзбекистон Республикасининг тинчликсевар ташқи сиёсати асосларининг яратилиши, унинг тамойиллари.

XX асрнинг 90 йилларига келиб дунё сиёсий харитасида катта ўзгаришлар содир бўлди. Чунки бир-бирига қарама-қарши СССР ва АҚШ етакчилик қилганикки ижтимоий-сиёсий тузум, икки ҳарбий-сиёсий блок барҳам топди. Собиқ Иттифоқнинг парчаланиши натижасида унинг таркибидаги 15 та мустақил давлат, жумладан мустақил Ўзбекистон давлати вужудга келди.

Истиқлол шарофати билан Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий қиёфаси тубдан ўзгарди. Суверен мустақил давлат сифатида Ўзбекистон ўзининг ички ва ташқи сиёсатини эркин белгилаш имкониятини қўлга киритди. Республикада улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, барча соҳаларида ислоҳотлар амалга оширилди. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, мамлакатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари ва асосий тамойиллари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт истиқболлари учун қулай жўғрофий-сиёсий имкониятларга эга эканлиги ҳам мустақил ташқи сиёсат юритиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиш учун имкон берди. Хусусан, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги ўрни, бу ҳудудда истиқомат

қиласидан халқарнинг қадимдан ҳамфир бўлиб келгани Марказий Осиё минтақасида ташқи сиёсат юритишда ижтимоий зарурат ҳисобланиб келинмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистонда халқаро ташкилотларнинг фаолиятини ўрганиш ва улар билан дипломатик алоқаларни йулга қўйиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Аммо XX асрнинг сўнгги йиларида халқаро вазиятнинг ўзгариши жаҳон тараққиётининг ҳолатини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Энди дунёning геосиёсий ҳолати янги қиёфада намоён бўлди. Жаҳоннинг турли минтақалари, яқин ва узок ҳудудларида қарама-қаршилик ўчоқлари кучайиб, бир сўз билан айтганда, ҳавф-хатар тобора ўсиб бораётганини назарда тутмоқ керак. Шу боис Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган ташқи сиёсатини, унинг мамлакатимизнинг миллий манфаатларига жавоб берадиган стратегик устувор йўналишларини аниқ белгилаб олиш нихоятда долзарб масалалардан бирига айланди.

«Халқаро ҳамжамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларда мустақил давлат, халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида қатнашади, унинг мақсадлари мустаҳкам тинчлик, қуролсизланиш, ўз ҳудудини қурол-яроғлардан ҳоли қилиш, ядровий қуролни ва бошқа оммавий қирғин қуролларини йўқотиш, суверен давлатлар ўртасидаги низо ва зиддиятларни ҳал этишда куч ишлатиш ва тазийкка йўл қўймасликдан иборат», дейилади 1991 йил 31 августда Олий Кенгашнинг VI сессиясида қабул қилинган «Мустақиллик ҳақидаги баёнот»да ўз ташқи сиёсатининг асосий йулини белгилаб олган Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямизнинг 17- моддасида бу йўлни қонун билан мустаҳкамлади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий устувор тамойиллари қўйидагиларни ташкил этади:

- миллий-давлат манфаатларини устун қўйган ҳолда ташқи сиёсатда давлатларнинг суверен тенглигини ҳисобга олиш;

- умумбашарий қадриятларни устун қўйган ҳолда низоли можароларни тинч йул билан ҳал этиш;
- ташқи сиёсатдаги teng ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорликни ўрнатишда бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- барча тинчликсевар давлатлар билан ташқи алоқаларни ўрнатишга интилиш;
- халқаро ҳукуқ нормаларини тан олган ҳолда жаҳон ҳамжамиятида халқаро талабларга риоя қилиш;
- ташқи сиёсатда кўп томонлама алоқаларни ўрнатишда халқаро ташкилотлар доирасида алокаларни кенгайтириш масалалари киритилди.

Ўзбекистон бутун жаҳон жамоатчилиги олдида халқаро ҳуқуқнинг умумжаҳон эътироф этган нормаларига содиклигини конституция даражасида ҳам мустаҳкамлади. Конституция халқаро ҳукуқ тамойиллари ва нормаларининг бутун бир мажмуи — БМТ Уставига, Инсон ҳуқуqlари умумжаҳон Декларациясига ва инсон ҳуқуқларига оид бошқа халқаро ҳукуқ битимларидан — Хельсинки битими, Париж ва Мадрид хартияларига асосланди. Шунингдек, асосий қонунга киритилган қонунларни ривожлантириш мақсадида «Дипломатик муносабатларни ўрганиш тартиби», «Ўзбекистонда халқаро шартномаларни тузиш, ижро этиш ва бекор қилиш» ҳақида актлар ҳам қабул қилинди. Уларда ташқи сиёсатнинг хар томонлама асосланган тамойиллари ўз аксини топди.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдонда олиб бораётган ташқисиёсатини, унинг мамлакатимизнинг миллий манфаатларига жавоб берадиган стратегик устувор йўналишларини янада такомиллаштириш бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири бўлиши табиийдир. Шу боис 2012 йил сентябрь ойида «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Унда Ўзбекистон Республикасининг турли ҳарбий сиёсий блокларга кирмаслиги, ўзининг суверенитети ва худудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлиши ҳамда ўз худудида хорижий

давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги, очик, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бориши каби тинчликпарварлик тамойилларига йўғрилган эзгу-мақсадлар мужассамдир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, қон-қонимизга сингиб кетган бизга тинчлик ва омонлик керак, тамойилини амалга ошириш барчамиз учун долзарб вазифадир. Шубҳасиз, тинчлик дипломатиясини тарғиб қилиш ва қўллаб-қувватлаш халқлар ҳамда давлатлар ўртасидаги дўстлик, юксалиш ва тараққиёт омилидир.

Дунё янгиланиши жараёнида ҳар бир давлат ўз тараққиёт олами жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиш учун ҳаракат бошлади. Шулар қаторида Ўзбекистон ҳам жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиши. Шу ўринда айтиб ўтмоқ лозимки, бу тамойиллар ёш суверен давлатнинг асосий ташки сиёсий доктринасини ифода этиш билан бирга давлатлараро муносабатлар йўналишларининг ривожланиши ва кенг доирадаги ташқи муаммоларни ҳимоя қилиш имконини берди. Мамлакатимизнинг жаҳон халклари тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсати унинг жаҳон миқёсида мустақил давлат сифатида тезда тан олинишини таъминлади. Тошкентда АҚШ, Туркия, Германия, Франция, Буюк Британия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа ривожланган мамлакатларнинг элчихоналари очилди. Шунингдек, Ўзбекистонда 88 та хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг, 24 та ҳукуматлараро ва 13 та ноҳукумат ташкилотларнинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ўз навбатида Ўзбекистоннинг элчилари дунёдаги 20 дан ортиқ йирик давлатларда фаолият кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон ташқи сиёсат ҳамда дипломатик муносабатларни амалга ошириши учун қулай имкониятларга эга. Бу биринчидан, мамлакатимизнинг қулай географик жойлашуви, иккинчидан, мамлакат ҳудудининг минерал ва фойдали қазилмаларга бойлиги, учинчидан, давлат миқёсида иқтисодий-ижтимоий сиёсатни амалга ошириш учун имконият берадиган барқарорлик, байналмилаллик принципларининг

пойдевор аҳамияти мужассамлигидандир²⁰³.

Мустақил Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосини очиқ-оидинлик, тенг ҳуқуқлик, демократик принципларга содиқлик, умуминсоний қадриятларни улуғлаш, республика ижтимоий ҳаётидаги демократик жараёнга таъсир қилиш кабилар ташкил этади ва Республика ташқи сиёсати тинчлик ва хавфсизлик учун умумжаҳон эътироф этган очиқ, яқдиллик талабларига асосланади.

2.БМТ, ЕХХТ билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши.

Халқаро муносбатларнинг ҳозирги ривожланиш босқичида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тутган ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Ўзбекистон ушбу ташкилотга 1992 йил 2 марта тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. БМТнинг ихтисослаштирилган муассасалари тизими мавжуд бўлиб, Ўзбекистон уларни деярли барчасининг фаолиятида фаол иштирок этмоқда. Булар қуйидагилар ҳисобланади: БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО), Халқаро Мехнат ташкилоти (ХМТ), Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ва бошқалар²⁰⁴.

Бу воқеа республиканинг мустақил давлат сифатида халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин олишида ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. 1993 йил феврал ойига келиб Тошкентда БМТ ваколатхонаси очилди. Худди шу йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги Ўзбекистон Биринчи Президенти И.А. Каримов маъруза қилди. Биринчи Президент И.А. Каримов бу маърузасида Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТнинг доимий ишлайдиган семинарини чакириш, БМТ хавфсизлик кенгашида юзага келаётган можароларни таҳлил қилиш ва истиқболни белгилаш бўйича махсус гурӯҳ тузиш, Марказий Осиёни ядроиз зона, деб эълон қилиш, бу минтақада

²⁰³ Юнусова М., Мўминов X. Ўзбекистонда геосиёсат ва геосиёсий вазият асослари.–Андижон, 2009.68-б.

²⁰⁴ ҲамидоваМ. Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан ҳамкорлигининг халқаро-ҳукукий жиҳатлари. – Тошкент: 2008.-Б.123.

кимёвий модда ҳамда бактериологик қуролни тақиқлаш бўйича халқаро назорат ўрнатиш, Марказий Осиёда наркобизнесга қарши ҳамкорликда курашиш учун БМТнинг минтақавий комиссиясини тузиш, Орол муаммосини ҳал қилиш масаласи бўйича БМТнинг маҳсус комиссиясини тузиш кабиларни айтиб ўтди²⁰⁵.

2000 йилнинг сентябрь ойида БМТнинг Минг йиллик Саммити бўлиб ўтди ва унда БМТнинг Минг йиллик Декларацияси, яъни халқаро ҳамжамиятнинг инсон тараққиёти ва инсон хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ҳаракат дастури бир овоздан қабул қилинди. Бу ҳужжатга биноан Минг йиллик ривожланиш мақсадлари, яъни 192 давлат ва 23 халқаро ташкилотлар томонидан 2015 йилга келиб қашшоқликни бартараф қилиш, одамларнинг билим даражасини кўтариш, атроф-мухитни ҳимоя қилиш, инсон хуқуқ ва эркинликлари тенглигини таъминлаш, касалликларга қарши курашиш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш борасида эришиш керак бўлган вазифаларга оид мажбуриятлар белгиланди. МРМга эришиш билан боғлиқ ҳолатлар 8 та мақсад, 21 та вазифа ва 60 кўрсаткичларга асосланган ҳолда баҳоланади²⁰⁶.

2010 йилнинг сентябрь ойида Нью-Йоркда, аъзо-давлатлар томонидан ўз зиммаларига олган Минг йиллик ривожланиш мақсадларида белгиланган мажбуриятларни бажарилиш ҳолатига бағишлиланган БМТнинг маҳсус саммити бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов саммит ялпи мажлисидаги ўз маърузасида таъкидлаганидек: “илгари ўзининг бир томонлама ривожланган хом-ашё етиштиришга йўналтирилган иқтисодиёти, ҳалокатли пахта яккаҳокимлиги авжга чиқкан, қолоқ ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаси, жон бошига истеъмол даражаси паст бўлган мамлақатимиз мустақил ривожланиш йилларида янги

²⁰⁵ Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг Бмт бош ассамблеясининг 48-сессиясидаги маъруза.<https://uz.denemetr.com/docs/768/index-29514-1.html>

²⁰⁶“Мингйиллик Декларациясида белгиланган ривожланиш соҳасидаги мақсадларни амалга ошириш тўғрисида”ги маъруза. 2010 йил. 74-б.

ва улкан марраларни қўлга киритди ва бунинг натижасида унинг қиёфаси тамомила ўзгарди, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади”²⁰⁷.

Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан ўзаро кўп томонлама ҳамкорлигининг устувор йўналишлари бу–хавфсизлик, таҳдидларга қарши курашиш, оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик, Афғонистон масаласини тинч йўл билан ҳал этиш, бу мамлакатни қайта тиклаш, экологик муаммоларни бартараф этиш, Марказий Осиёни ядро қуролидан ҳоли худуд сифатида эътироф этиш, Орол фожеаси оқибатларини бартараф этиш, таълим, фан ва маданиятни ривожлантириш, тарихий анъаналар, тарихий шахслар ва меъморий ёдгорликларни асраш, қайта тиклаш, уларни умумбашарий обидалар сифатида жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини эътироф этиш ва бошқалардир. Бу борада Ўзбекистон БМТ доирасида кўплаб ташабbusларни илгари сурди. Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ доирасида 1997 йилда Афғонистон муаммоси юзасидан “6+2 гуруҳи” мулокот гурухини ташкил этилди, Марказий Осиё Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли худуд, деб эълон қилинди, Орол муаммоси ва минтақавий экологик масалалар юзасидан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда БМТнинг 2000–2015 йилларга мўлжалланган Мингйиллик ривожланиш мақсадлари (Millennium Development Goals) амалга оширилди ҳамда 2015–2030 йилларга мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари (Sustainable Development Goals) глобал дастури юзасидан турли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда БМТ ва Ўзбекистон ҳамкорлиги янги босқичига кўтарилиган. Хусусан, 2017 йил 19 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев АҚШда бўлиб, БМТнинг 72-сессиясида нутқ сўзлади. Мазкур нутқ Ўзбекистоннинг БМТ доирасидаги халқаро ташабbusларида янги тенденцияларни намоён қилди. Ўзбекистон Президенти

²⁰⁷ Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг БМТ Бош ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисдаги нутқи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. –Б.9.

ўз нутқида мамлакат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришлар ҳамда аниқ ва асосли манбаларга эга бир нечта ташаббусларни илгари сурди²⁰⁸.

Яъни глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳукуқий хужжат – БМТнинг Ёшлар ҳукуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш, БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган маҳсус резолюциясини қабул қилиш, БМТ Хавфсизлик Кенгашини босқичма-босқич ислоҳ қилиш каби глобал характердаги таклифлари жаҳон жамоатчилигига катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёевнинг мазкур нутқи мавжуд муаммоларга маҳаллий, минтақавий ва глобал даражада аҳамият қаратиб, уларнинг ечимиға прагматик ёндашилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этди. Ушбу ташаббуслар халқаро миқёсда қўллаб-қувватланиб, 2018 йил 22 июнь куни “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” ва 2018 йил 12 декабр куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган маҳсус резолюциялари қабул қилинди. Шунингдек, 2017 йил ноябрь ойида БМТ шафелигига Самарқандда “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик”, 2018 йил 27 март куни Тошкентда “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида халқаро анжуманлар ташкил этилди²⁰⁹.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳондаги йирик халқаро ташкилот БМТ билан ҳамкорлиги масалалари ва бу борадаги ютуқлар Ўзбекистоннинг энг

²⁰⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи.<http://aza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>

²⁰⁹ БМТ Бош Ассамблеясининг “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” резолюцияси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2018 йил 22 июндаги баёноти.

янги тарихи саҳифаларида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уни янада бойитди.

Ўзбекистон БМТга аъзо бўлиб кирганмдан сўнг ЕХХТнинг Прагадаги йигилишида МДҲ таркибидаги давлатларни ушбу ташкилотга аъзо бўлиб кириши масаласи кутарилди. 1992 йил 26 февралга келиб Ўзбекистон ҳам бу ташкилот кенгашининг яқунловчи хужжатига имзо чекди. Ўзбекистоннинг 1996 йил Лиссабон саммитида иштироки республика раҳбариятининг хавфсизлик доирасига кирувчи карашларини баён этишга ҳам имкон берди. Унда Ўзбекистон раҳбарияти томонидан «хавфсизликнинг, шу жумладан, Европа хавфсизлигининг чегараси йук. Шундан келиб чиққан ҳолда, бизнинг фикримизча, Европада хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг роли, аҳамияти, колаверса, маъсулияти Европа билангина чегараланиб қолмаслиги, ундан ташқаридан келаётган хавфни ҳам ҳисобга олиши керак бўлади», деб айтилган сўзлари алоҳида аҳамият касб этди. 1996 йил 18-19 ноябр кунлари мазкур ташкилотга аъзо 54 мамлакат раҳбарларининг Туркияning Истамбул шаҳрида бўлиб ўтган учрашувида Европада хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилди. Мазкур йиғилишда Биринчи Президент И.А.Каримов глобал аҳамиятга эга бўлган тероризмга қарши марказ тузиш хақидаги таклифини киритди ва турли кабих ниятдагиларга ёрдам бераётган ташкилотларни илдизи билан йўқотиш орқалигина мамлакатлар хавфсизлигини таъминлаш мумкинлигини алоҳида таъкидлади. XX аср охири XXI аср бошлари халқаро тероризмга қарши кескин кураш даври бўлди. Бу курашга Ўзбекистон ўзининг катта ҳиссасини қўшмокда. Буни АҚШ сенаторларидан Либерман тасдиклаб: «Ўзбекистон сиз бизнинг Афғонистондаги аксилтеррорчиларга қарши курашимиз муваффақиятли бўлмас эди», дейди²¹⁰.

Бугунги кунда Ўзбекистон ЕХХТ раҳнамолигидаги қўплаб анжуманларга мезbonлик қилиб келмоқда. Ўзбекистоннинг ЕХХТ билан ҳамкорлиги мустаҳкамланиб, ўсиб бораётганлигига 2002-йил 6-7-апрел

²¹⁰ Интернет материали. Саммит в Стамбуле (1999). <https://ru.wikipedia.org/wiki/%>

кунлари ЕХХТ Бош котиби Й. Кубишнинг мамлакатимизга ташрифи ҳам яққол мисол бўла олади. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида минтақалараро хавфсизликни таъминлашда халқаро ташкилотлар фаолиятидан, уларнинг дастурларидан ҳам кенг фойдаланиши истиқболли натижаларни кўрсатди. Кўпгина минтақавий ташкилотлар, чунончи, НАТО ЭКО, Ислом конференцияси Қўшилмаслик ҳаракати ва бошқалар билан ҳам самарали ҳамкорликлар йўлга кўйилди²¹¹.

2017 йилнинг 18-19 октябрь қунлари Тошкентда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) ОАВ эркинлиги масалалари бўйича вакилии оғиси томонидан ташкил этилган “Марказий Осиёда очик журналистика” деб номланган XIX регионал Марказий Осиё конференцияси бўлиб ўтди.

Конференция давомида 80 нафар иштирокчи, шу жумладан, журналистлар, ҳукуматлар, фуқаролик жамияти ташкилотлари вакиллари ва илмий доиралар вакиллари халқаро эксперталар билан Марказий Осиёда ОАВ эркинлигининг жорий муаммоларини мухокама қилиб олдилар. Мисол учун, анжуманда ОАВ тарқатиш тенденциялари масалалари, рақамли муҳит ҳамда адоватни авж олдириш шароитида ОАВ эркинлигини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муммолар кўтарили. Форумда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Мўғулистон вакиллари иштирок этишди²¹².

Ушбу халқаро ташкилотлар билан алоқаларни йўлга кўйиши мамлакатимизнинг халқаро майдондаги сиёсий мавқеига, кенг ҳамкорликлар йўлидан илгарилаб боришига шубҳасиз ижобий таъсир кўрсатди. Бу халқаро ташкилотларнинг кўплаб вакиллик органларининг пойтахтимиз Тошкентда муваффақиятли фаолият кўрсатаётганлиги ҳам шундан далолат беради.

²¹¹ Саидов А. Инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлар. Ўзбекистон Республикасини ЕХХТга аъзолигининг 20 йиллигига бағишлиданади. — Тошкент: Инсон ҳуқуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2012. —Б. 368.

²¹² Интернет материали. Ўзбекистон ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашига якунлари сарҳисоб қилинди. <http://uza.uz/oz/politics/zbekistonning-i-t-tash-i-ishlar-vazirlari-kengashiga-raislig-03-08-2017>

3. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Ўзбекистон.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти-субмintaқавий халқаро Ўзбекистон ва Шанхай ташкилот бўлиб, унинг таркибига дастлаб асосчилар сифатида 6 та давлат (Қозогистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон) кирди. ШХТнинг расмий тили рус ва хитой тили рамзи эса оқ байроқ бўлиб, унинг марказида ташкилотнинг герби жойлашган. Ташкилотнинг штаб-квартираси Пекинда жойлашган.

Хозирги вақтда ШХТда 8 та аъзо-давлат, 4 та кузатувчи-давлат ва 6 та мулоқот учун ҳамкор-давлат фаолият юритмоқда. Бошқача айтганда, у Евроосиёнинг бешдан уч қисмини ва дунё аҳолисининг қаришиб ярмини қамраб олган. Буни рақамларда ифода этадиган бўлсак, ШХТ таркибидаги мамлакатларнинг умумий майдони 34 млн. квадрат километрдан иборат. Бу улкан маконда 3,2 миллиард аҳоли яшайди. Шу тариқа ушбу ташкилот жуғрофий жиҳатдан ва аҳоли сони борасида жаҳоннинг энг йирик тузилмаларидан бирига айланди. Ўтган даврда ШХТга аъзо давлатлар турли цивилизациялар тўқнашуви, “совуқ уруш” ва бошқа ҳар хил салбий ёндашувлардан воз кечди. Ташкилотнинг барча аъзолари ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик, адолат ва манфаатли амалий ҳамкорлик тарафдоридир. Энг муҳими, мазкур минтақавий ташкилот барқарор ва соғлом руҳда ривожланмоқда. Бугунги кунда Хитой билан ШХТга аъзо бошқа давлатлар ўртасидаги савдо айланмаси 20 баробар ортган. Бу кўрсаткич 2018 йил якунлари бўйича 12 миллиард АҚШ долларидан 255 миллиард долларга етди. Жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 20 фоиздан зиёди ШХТга аъзо давлатлар ҳиссасига тўғри келмоқда²¹³.

1996 йил Шанхайдаги Хитой, Россия, Қозогистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлат раҳбарларининг саммити бўлиб ўтди. Саммитда чегара худудлари бўйича ҳарбий соҳада ўзаро ишончни мустаҳкамлаш билан боғлиқ

²¹³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 13-14 июнь кунлари Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн тўққизинчи мажлисида сўзлаган нутки.<https://aza.uz/oz/politics/bishkek-sammiti-sh-t-doirasidagi-manfaatli-amkorlikning-besh-17-06-2019>

шартномани имзоланиши натижасида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти вужудга келди. 1997 йил Москвада юқорида номлари кўрсатилган беш давлат раҳбарларининг иштирокида саммит бўлиб ўтган. Саммитда чегара худудларида қуролли кучларни қисқартириш тўғрисида Битим (1997-йил 24-апрел) имзоланади. Алмати (1998), Бишкек (1999)да болиб ўтган саммитларда «Шанхай бешлиги»нинг ҳолати янада мустаҳкамланиб, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муносабатлари янги босқичга кўтарилди. 2000-йил 5-июн Душанбеда «Шанхай бешлиги» давлатлари бошлиқларининг учрашуви ботган. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси биринчи марта кузатувеҳи сифатида иштирок этган. Шуни айтиш лозимки, «Шанхай бешлиги» Душанбеда «Шанхай форуми»га айлантирилади²¹⁴.

2001 йил 14-15-июн кунлари Хитойда навбатдаги Шанхай саммити бўлиб ўтади. Ушбу саммитда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов иштирок этди ҳамда Шанхай форумига тўла ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. Натижада Шанхай форуми «Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти - ШХТ», деб ўзгарилилди. Саммитда «ШХТ ни тузиш тўғрисида»ги Декларация ҳамда «Террорчилик, айрмачилик ва экстремизмга қарши кураш тўғрисида “Шанхай конвенцияси” имзоланди.

2002 йилнинг 6-7-июнида ШХТга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг навбатдаги Санкт-Петербург саммити бўлиб ўтди. Махкур саммитда ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Декларацияси, ШХТХартияси, ШХТга аъзо давлатлар ўртасида Минтақавий антитеррор тузилмаси (МАТТ) ҳақидаги Битим имзолаш масаллари ҳал қилинди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ва маҳсус хизматларининг терроризмга қарши курашдаги фаолиятини мувофиқлаштиришни назарда тутган минтақавий антитеррор тузилмаси тузилди.

ШХХТ нинг 2005-йил 5-июл ШХТнинг Остона саммитида Эрон, Покистон, Ҳиндистон ва Мўғилистон кузатувчи мақомга эга бўлиб ташкилот

²¹⁴Бабаходжаев М. Суверенный Узбекистан: вопросы внутренней и внешней экономической политики. – Тошкет: «Ташгосив», 2005. –Б.56.

таркибига кирди. Олий даражадаги бу учрашувда минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалалари, жумладан, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, унинг иқтисодий инфратузилмасини биргаликда тиклаш юзасидан фикр алмашилган.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг асосий мақсад ва вазифалари:

- аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишонч, дўстлик ва яқин қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш;

- минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, янги демократик, адолатли ва оқилона сиёсий ҳамда иқтисодий халқаро тартибни шакллантиришга кўмаклашиш мақсадида турли йўналишларда ҳамкорликни ривожлантириш;

- терроризм, сепаратизм ва экстремизмнинг барча кўринишларига қарши биргаликда кураш олиб бориш, гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғнинг ноқонуний савдоси ҳамда трансмиллий жиной фаолиятнинг бошқа турлари, жумладан, ноқонуний миграцияга қарши курашиш:

- сиёсий, савдо-иқтисодий, мудофаа, хукуқ-тартиботни сақлаш, табиатни муҳофаза этиш, маданий, илмий-техникавий таълим, энергетик, транспорт, молия-кредит ва бошқа соҳаларда самарали минтақавий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш;

- аъзо давлатлар халқлари турмуш даражаси ва шароитларини узлуксиз яхшилаш мақсадида тенг шерикчилик асосида минтақада ҳар томонлама ва барқарор иқтисодий ўсиш, ижтимоий ҳамда маданий тараққиётга кўмаклашиш;

-жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувда ёндашувларни мувофиқлаштириш;

-аъзо давлатларнинг халқаро мажбуриятлари ҳамда миллий қонунчилигига мос равища инсоннинг хукуқ ва эркинликларини таъминлашга кўмаклашиш;

- бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан муносабатларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш;

- халқаро низоларнинг олдини олиш ҳамда уларни тинч йўл билан ҳал этилишида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш;

- XXI асрда вужудга келадиган муаммоларнинг ечимини биргаликда излаб топиш²¹⁵.

Хозирда тинчлик, барқарорлик ва минтақавий ҳамда миллий ҳавфсизликни таъминлашда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти роли ва аҳамияти йилдан йилга ошмоқда. Бевосита бу ташкилотга аъзо бўлган давлатларнинг сони ҳам ошди. Уларнинг сони 10 тага етди. Ўзбекистон Республикаси ушбу ташкилот доирасида мустақил ҳаракат қилиб, ШХТнинг фаолиятида фаол қатнашиб келмоқда.

2013-йил 12—13-сентабр Бишкекда ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мазкур анжуманда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов ўз маъruzасида Суря ва Афғонистонда рўй берадиган воқеаларга тўхталиб, Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл билан бартараф этиб бўлмаслиги, унинг сиёсий ечимини топиш, БМТ шафелигига музокаралар ўтказиш ва қарама-қарши кучларнинг муросага келишига эришиш бирдан бир тўғри йўл эканини уқтириб ўтди. Музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликка доир масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди²¹⁶.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити 2016 йил 23-24 июнь кунлари бўлиб ўтди. Қозогистон Президенти Нурсултон Назарбоев раислигига ўтган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Хитой Ҳалқ Республикаси раиси Хи Жинпинг, Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбаев, Россия Президенти Владимир Путин, Тожикистон Президенти Емомали Раҳмон, кузатувчи мақомидаги мамлакатлар делегациялари раҳбарлари —

²¹⁵ Шарипов М.Ш. Марказий Осий ҳавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда Шанхай ҳамкорлик ва ҳавфсизлик ташкилотининг аҳамияти дисс...сиёсий фанлари номзоди. –Тошкент:2007. –Б.56.

²¹⁶ Интернет материали. ШХТ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг Тошкент мажлисида қандай масалалар кўрилди? <https://kun.uz/news/2019/11/03/shht-hukumat-rahbarlari-kengashining-toshkent-majlisida-qanday-masalalar-korildi>

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Беларус Республикаси президенти Александр Лукашенко, Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди, Мұғалистан Республикаси президенти Тсакхиагин Элбекдорж, Покистон Ислом Республикаси бош вазири Навоз Шариф, Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Иброҳим Раҳипур иштирок этди. Мажлисда ШХТ Бош котиби Рашид Алимов, ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитаси директори Евгений Сисоев қатнашди²¹⁷.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антонио Гутеррес, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби Сергей Лебедев, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти Бош котиби ўринбосари Аманжол Жанқулиев, АСЕАН Бош котиби Ле Лионг Мин иштирок этди²¹⁸.

Ташкилотнинг 2016 йилги Тошкент саммитида Ҳиндистон Республикаси ва Покистон Ислом Республикасининг ШХТга аъзо давлат мақомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумлар имзоланган эди.

Саммитда Ҳиндистон ва Покистон ташкилотга аъзо сифатида қабул қилинди. Ҳиндистон ва Покистоннинг ШХТ аъзоси мақомига эга бўлиши ташкилот имкониятларини кенгайтириб, халқаро майдонда долзарб муаммоларни хал этиш, минтақа ва дунёда хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашда кўп томонлама механизм сифатида ташкилот ролини янада оширишга хизмат қиласи.

Саммит иштирокчилари ШХТ ишбилармонлар кенгаши ва банклараро бирлашмаси фаолиятига оид ахборотларни тинглаб, уларнинг фаолиятини ижобий баҳолади. Ушбу тузилмаларга Ташкилот доирасида барқарор ижтимоий-иктисодий ривожланишни таъминлаш борасида, хусусан,

²¹⁷ 2016 йил 23-24 июнь кунлари Кўксаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси.<http://aza.uz/oz/politics/shankhay-amkorlik-tashkilotining-toshkent-sammiti-24-06-2016>

²¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 23-24 июнь кунлари Кўксаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида сўзлаган маъruzasi.
<http://aza.uz/oz/politics/shankhay-amkorlik-tashkilotining-toshkent-sammiti-24-06-2016>

макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётнинг юқори технологик тармоқларини жадал ривожлантириш, саноат инфратузилмаларини модернизациялаш, сармоявий лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш, ишбилармон доиралар ва молиявий тузилмалар ўртасида бевосита алоқаларни ривожлантириш орқали амалий кўмак беришга йўналтирилган фаолиятни кенгайтириш бўйича ўзаро алоқаларни фаоллаштиришни тавсия этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқида саммит иштирокчилари эътиборини Афғонистондаги вазиятни яхшилаш зарурлигига қаратиб, у ерда содир этилаётган давомли терактлар дунёning барча мамлакатлари учун хавф солаётганини алоҳида таъкидлади. Ушбу таҳдидларга ҳамкорликда, жаҳон ҳамжамияти ҳаракатларини бирлаштирган ҳолда қарши курашиш зарурлигини қайд этди.

Ёшларни турли ёт ғоялардан асраш, уларнинг замонавий таълим-тарбия олиши, комил инсон бўлиб вояга етишида давлатлараро ҳамкорликнинг аҳамияти катта.

Самарқанд шаҳрида Ислом ҳамкорлик ташкилоти Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг ташкил этилиши миллатлараро, маданиятлараро муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлади, - деди Мирзиёев.

Ўзбекистон ШХТга аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, бир макон-бир йўл лойиҳаси доирасида транспорт-коммуникация соҳасини жадал ривожлантириш тарафдори эканини қайд этди. Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон темир йўлининг қурилиши мамлакатимизнинг жаҳон бозорига чиқишида алоҳида аҳамиятга эга. Шавкат Мирзиёев ШХТ давлатлари темир йўл соҳаси раҳбарларининг учрашувларини ташкил қилиш зарурлигини таъкидлади. ШХТнинг доимий фаолият юритувчи халқ дипломатияси марказини ташкил этиш ғоясини илгари сурди.

Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси яқунлари бўйича қабул қилинган Остона декларациясида амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид асосий ёндашувлар, кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун барча саъй-ҳаракатларни йўналтиришга қаратилган муштарак интилишлар ўз ифодасини топган²¹⁹.

ШХХТ нинг кейинги учрашуви 2018 йил 9-10 июнь кунлари Хитойнинг Циндао шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Н. Моди, Қозогистон Республикаси Президенти Н. Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғизистон Республикаси Президенти С. Жээнбеков, Покистон Ислом Республикаси Президенти М. Ҳусайн, Россия Федерацияси Президенти В. Путин, Тожикистон Республикаси Президенти И. Раҳмон ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев иштирок этдилар. Мажлисга Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин раислик килди.

Аъзо давлатлар раҳбарлари 2017 йилги Остона саммити яқунларининг ижросини ҳамда жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида кечётган жараёнлар асносида ШХТни янада ривожлантиришга доир биринчи галдаги вазифаларни кўриб чиқдилар. Томонларнинг ўзаро келишилган позицияси қабул қилинган Циндао декларациясида ўз ифодасини топди. Аъзо давлатлар ШХТ Хартиясининг мақсад ва принципларига риоя этган ҳамда “Шанхай рухи”га таянган ҳолда ШХТни 2025 йилгача мўлжалланган ривожлантириш стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошираётганлари қайд этилди. Бугунги кунда ШХТ ноёб, нуфузли ва обрўли минтақавий бирлашма сифатида қарор топгани, Ташкилотга Ҳиндистон ва Покистон аъзо бўлгандан сўнг унинг салоҳияти сезиларли даражада ошгани таъкидланди. Сиёсат, хавфсизлик, савдо ва иқтисодиёт, жумладан, молия, инвестиция, транспорт, энергетика, қишлоқ хўжалиги соҳаларидағи амалий ҳамкорликни,

²¹⁹ Интернет материали. ШХТнинг Остона саммити. <http://www.uzavtoyul.uz/cy/post/shhtning-ostona-sammiti.html>

шунингдек, маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашни давом эттириш борасидаги истак-хоҳишлар муштарак экани билдирилди. ШХТга аъзо давлатлар ўртасида Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома қоидаларини амалга ошириш бўйича 2018 — 2022 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар режаси маъқулланди. Аъзо давлатлар халқаро хукуқнинг умумэътироф этилган норма ва принциплари доирасида Афғонистон, Суря, Яқин Шарқ, Корея яриморолидаги ва бошқа минтақавий низоларга барҳам беришнинг қатъий тарафдоридир. Эрон ядро дастури атрофидаги вазиятни тартибга солиш бўйича Қўшма ялпи ҳаракатлар дастурининг изчил ижросини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди²²⁰.

“ШХТ роли ва мавқеини янада мустаҳкамлаш бизнинг “Шанхай руҳи” ҳамда ташкилот тамойил ва қадриятларига нечоғли амал қилишимизга боғлиқ бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йилнинг 13-14 июнь кунлари Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн тўққизинчи мажлисида сўзлаган нутқида шундай деб таъкидлади.

Ушбу муҳим минтақавий тадбир доирасида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ташкил топганининг 18 йиллиги нишонланди.

Ўз навбатида, Бишкек саммити – ШХТ доирасидаги ҳамкорлик жараёнларида яна бир муҳим маррани забт этиш нутқаси сифатида эътироф этилди. Бундай амалий муроқотлар, Президентимиз Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, “минтақамизда замонавий тараққиётнинг энг муҳим масалалари бўйича ёндашувларни мослаштиришга хизмат қиласи”.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида, шунингдек, бугунги қунда ШХТга аъзо давлатлар учун, бир томондан, хавфсизликни таъминлашда келишилган сиёsatни юритиш, иккинчи томондан, давлатларимиз барқарор тараққиёти ва равнақи учун қулай шароитларни шакллантириш муҳим эканига тўхталди.

²²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9-10 июнь кунлари Хитойнинг Циндао шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашидаги нутқи. Мажлиси <http://aza.uz/ oz/society/shankhay-amkorlik-tashkiloti-davlat-ra-barlari-kengashi-mazh-11-06-2018>

Саммит якунлари бўйича ШХТга аъзо мамлакатлар ўртасида турли соҳалардаги шерикликни ривожлантиришга доир 22 та ҳужжат имзолангани жуда муҳим. Жумладан, Ўзбекистон Президентининг таклифи асосида Ҳудудларо ҳамкорликни ривожлантириш дастури қабул қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугун ШХТ ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйди. Илк босқичда асосий эътибор чегара муаммоларини ҳал қилишга қаратилган бўлса, эндиликда ўзаро ҳамкорликнинг кўламлари ва миқёслари тубдан кенгайди.

Ўзбекистон Президенти “ШХТни ривожлантириш концепцияси”ни ишлаб чиқиш ғоясини илгари сурди. Бунда, бешта устувор мезонга таянган ҳолда, ШХТ доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқ эканига эътибор қаратилди.

ШХТ доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг биринчи мезони – иқтисодиёт. Ўзаро алоқалар, самарали иқтисодий ва транспорт йўлакларини ривожлантириш бўйича ШХТ Ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Президентимизнинг фикрича, Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўли қурилиши ўзаро савдони ривожлантириш ва ШХТ доирасидаги ҳамкор мамлакатларга инвестициялар оқимини оширишга кучли туртки беради.

Давлатимиз раҳбарининг Бишкек саммитидаги ушбу ташаббуси нафакат юртимиз, балки минтаقا ва дунё жамоатчилиги томонидан ҳам катта қизиқиш билан кутиб олинди. ШХТ доирасидаги барча тадбирларда фаол иштирок этиб келаётган Ўзбекистоннинг янги ташабbusларига бундай кенг қизиқиш ва катта эътибор замирида, албатта, муайян омиллар ўз мужассамини топган.

Биринчидан, мамлакатимиз раҳбарининг кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш бўйича таклифлари, хусусан, ШХТнинг 2017 йили Остонада ва 2018 йили Циндаода бўлиб ўтган саммитларида илгари сурган ташабbusлари тўла қўллаб-қувватланди ҳамда изчил амалга оширилмоқда.

Иккинчидан, ШХТ доирасида ташкил этиладиган турли мақомдаги учрашувларга, асосли равишда, ўз стратегик мақсадларини рўёбга чиқариш учун қулай майдон сифатида ёндашадиган Ўзбекистон учун ШХТ минтақасидаги транспорт коммуникациялари мамлакатимизнинг жаҳон бозорига чиқишида муҳим омил ҳисобланади.

Учинчидан, Бишкек анжумани кун тартибидаги долзарб аҳамиятга молик мавзулар қаторида транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш, хусусан, ШХТ маконидаги мавжуд транспорт йўлакларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш ва янги транспорт йўлакларини барпо этиш истиқболлари ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

ШХТ доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг учинчи мезони – ахборот соҳаси. Давлатимиз раҳбари ШХТ маконидаги барча мамлакатларнинг ахборот технологиялари ривожланишига масъул идоралари раҳбарларининг мунтазам учрашувлари механизмини жорий этиш таклифи билан чиқди.

Кибер хавфсизлик масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш ғояси ҳам диққатга лойиқдир. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Президенти ташаббуси асосида ШХТга аъзо мамлакатларнинг Рақамлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорлиги концепцияси қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим.

ШХТ доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг тўртинчи мезони – гуманитар ҳамкорлик. Сайёхлик ва маданият соҳаларида ранг-баранг ва серқамров дастурларни амалга ошириш, “халқ дипломатияси” имкониятларидан янада кенг фойдаланиш ҳам шу жумлага киради.

ШХТ доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг бешинчи мезони – хавфсизлик. Минтақамиз, умуман, ШХТ маконидаги барқарорлик кўп жиҳатдан Афғонистондаги вазият билан узвий боғлиқдир.

Хозирги вақтда ШХТга аъзо давлатлар Афғонистон билан асосан икки томонлама битимлар негизида ҳамкорлик қилмоқда. Бир қанча лойиҳалар бўйича ушбу мамлакатнинг энергетика ва инфратузилмалар тизимларини

тиклаш ҳамда ривожлантиришга кўмаклашилмоқда. Келгусида Афғонистон билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришда кўп томонлама шартномаларга таяниш муҳим самаралар бериши тайин.

Шу нуқтаи назардан, Бишкек саммити якунида қабул қилинган “ШХТ – Афғонистон” Мулоқот гурухининг ҳаракатларига доир “Йўл харитаси” алоҳида дикқатни тортади. Ушбу мамлакат билан яқин ҳамкорликда устувор инфратузилма лойиҳаларини илгари сурини орқали Афғонистонни минтақавий ҳамкорликка жалб қилиш режаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Ўзбекистон афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш жараёнини тўлиқ қўллаб-қувватлайди”²²¹.

5. Ўзбекистон ва МДҲ.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) 1991-йил 8-декабрдаги МДҲ тузиш тўғрисида битим ва 1991-йил 21-декабрдаги мазкур Битим Протоколи асосида ташкил қилинган. Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғиз Республикаси, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон, Ўзбекистон Республикаси ва Украина МДҲ иштирокчи давлатлари ҳисобланади.

Улар бу битимда давлатларининг ҳудудий бутунлигини тан олиш, амалдаги чегаралар, уларнинг очиқлиги, фуқароларнинг ҳаракати эркинлигига, ҳалқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, ҳарбий ҳаракат ва курол-яроғ тарқатишнинг олдини олишда биргаликда ҳаракат қилишга келишиб олдилар.

МДҲ давлатларининг биргаликдаги фаолиятидан ташқи сиёсий фаолиятларни мувофиқлаштириш, мудофаа сиёсати ва ташқи чегарани муҳофаза қилиш, Умумевропа, Евроосиё бозорини шакллантириш, божхона

²²¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 13-14 июнь кунлари Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг ўн тўққизинчи мажлисида сўзлаган нутки. <https://aza.uz/oz/politics/bishkek-sammiti-sh-t-doirasidagi-manfaatli-amkorlikning-besh-17-06-2019>

сиёсатини бирга олиб бориш, транспорт, алоқа, энергетика тизимларини ривожлантириш, экологик, атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ўюшган жиноятчиликка карши курашиш мақсадларни назарда тутмоқда.

Ҳамдўстлик иштирокчи давлатларнинг барқарор рувожланиши ва хавфсизлигига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатарларга ўз вақтида муносиб жавоб қайтариш борасида ўзаро мақбул ёндошувлар ва келишилган амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, муаммо ва келишмовчиликларни ҳал қилиш, МДҲ ҳудудидаги фуқароларнинг ўзаро мuloқot юритишлари учун кенг имконият яратди.

Ўзбекистонда МДҲга кўп режали муносабатларни мувофиқлаштирувчи механизм ва бевосита мулокотлар олиб бориш, давлатлараро музокараларни ташкил қилиш, жумладан МДҲ форматида давлат раҳбарлари ва тегишли идоралар бошлиқлари даражасида икки томонлама учрашувлар ўtkазиш майдони, шунингдек, кўп томонлама ҳамкорлик шарт-шароитларини яратишда манфаатдор бўлган суверен давлатларнинг бирлашмаси сифатида қарашади.

Ўзбекистон Республикаси МДҲнинг асосий низомий ва тармоқ органлари фаолиятида иштирок этади. Ўзбекистон Ҳамдўстлик ташкил этилгандан бошлаб унинг доирасида иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш ва янгича асосда хўжалик алоқаларини жараёнларга сиёсий тус бермаган ҳолда амалга ошириш тарафдори бўлган давлатлар қаторига кирган.

Ўзбекистон МДҲ доирасида амалдаги ўзаро савдо тартибини ёмонлаштирайдиган тамойилларга асосланган, тўлақонли эркин савдо ҳудудини ташкил этиш тарафдоридир. Бу МДҲ ҳудудида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон томони жаҳондаги жадал ўзгаришлар шароитида МДҲни давлатлараро ҳамкорлик тизими сифатида доимий музокаралар, олий даражада сиёсий мулокотлар, вужудга келаётган янги таҳдид ва хавф-хатарларга қарши келишилган ёндошувлар ишлаб чиқиш, ҳалқаро

хавфсизликка оид кўплаб долзарб масалаларни ҳал этишнинг муҳим механизми деб ҳисоблайди²²².

1991-2020 йилларда МДХ давлатлари раҳбарларининг 40 га яқин кенгашлари бўлиб ўтди ва муҳим ҳужжатлар имзоланди. Улар орасида хавфсизлик масалалари, тинчликни сақлаш, иқтисодий ҳамкорликни йўлга куйиб олиш учун давлатлараро иқтисодий қўмита тузиш, иқтисодий интеграцияни тулационли амалга ошириш, божхона ва иттифок тўлови масалаларини изга солиб олиш кабилар муҳим ўрин эгаллади. Ўзбекистон МДХ доирасида сиёсий, иқтисодий, маданий соҳалар бўйича шартнома ҳамда келишувларни Россия, Украина, Белоруссия, Молдавия ва бошқа мамлакатлар билан имзолаб, ўзаро манфаатли ҳамдўстлик алоқалари учун мустаҳкам асос яратди²²³.

Бугунги кунда МДҲнинг таркиби 10 та аъзо давлатлар: Россия, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон, Арманистон, Молдавия ва битта кузатувчи Туркманистон киради.

Шундай бўлса-да, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳозирги кунда ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ. МДҲ ён-атрофдаги воқеаларга муносабат билдиришда яқдиллик кўрсатиш, хусусан, террор, наркобизнес, уюшган жиноятчилик, экстремизм каби балоларга қарши туришда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, баҳамжиҳат ҳаракат қилишда муҳим ўринга эга.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 10-11 октябрь кунлари Россия Федерациясининг Сочи шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгashi мажлисида иштирок этди. Дастрраб МДҲ давлат раҳбарлари тор доирада учрашув ўtkазdi. Унда Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ушбу халқаро тузилма фаолиятини такомиллаштириш

²²² Ўзбекистон Республикасининг МДҲдаги иштироки. <https://mift.uz/uz/menu/uchastie-respublik-i-uzbekistan-v>

²²³ Мусаев О.Р. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари. дисс...фалсафа фанлари фалсафа доктори.-Тошкент: 2017.

масалалари мухокама қилинди, минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Ҳамдўстлик мамлакатлари билан савдо-иқтисодиёт, инвестиция, транспорт, туризм, илм-фен, таълим ва хавфсизлик соҳаларидағи ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлигини таъкидлади. Йил бошидан буён мамлакатимиз билан МДҲ давлатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 20 фоиз ўсган. Ўзбекистон тузилмадаги иштирокини янада фаоллаштиради. Шу йил 3 ноябрь куни пойтахтимизда МДҲ Ҳукумат раҳбарлари кенгаши йиғилиши ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Ҳамдўстлик доирасида янги, аниқ лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурлигини қайд этди.

Транспорт ва коммуникациялар ҳамкорликнинг стратегик муҳим йўналиши ҳисобланади. Ўзаро интеграциялашган транспорт тизимларини ривожлантириш, Ҳамдўстлик минтақасининг улкан транзит салоҳиятидан тўла фойдаланиш барча учун манфаатли. Маъмурий жараёнларни такомиллаштириш ва ўзаро имтиёзлар бериш бу борада муҳим аҳамият касб этади.

Туризм соҳасидаги имкониятлар ҳам тўла ишга солинмагани, бу имкониятларни таҳлил қилиш ва аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Афғонистондаги вазиятга ҳам эътибор қаратилди. Жиноий даромадларни легаллаштириш, коррупция, терроризм, наркобизнес каби хавф-хатарларга қарши биргаликда курашиш масалалари мухокама қилинди²²⁴.

Мажлисда Ҳамдўстлик мамлакатларининг Парламентлараро ассамблеяси фаолиятини такомиллаштириш, Ташқи ишлар вазирлари

²²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 10-11 октябрь кунлари Россия Федерациясининг Сочи шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида иштироки. <http://uza.uz/oz/politics/md-ning-sochi-sammiti-11-10-2017>

кенгаши ва Иқтисодий кенгашини ривожлантириш, келгуси йилларда МДҲнинг маданий пойтахтларини белгилаш каби масалалар муҳокама қилинди. МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг Оила институти ва анъанавий оиласидаги қадриятларни қўллаб-қувватлаш бўйича баёноти, Ҳамдўстликда 2019 йилни Китоб йили, 2020 йилни 1941-1945 йиллардаги улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги йили, деб эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ҳамдўстлик мамлакатларининг жиноий даромадларни легаллаштириш, терроризм ва қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштириш, коррупцияга қарши курашиб соҳаларидаги ҳамкорлигига доир концепциялар маъқулланди.

Шунингдек, МДҲ мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган яна қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланиб бормоқда. Мамлакатларимиз БМТ, ШХТ, МДҲ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Президентининг Россияга давлат ташрифидан сўнг ўтган қисқа даврда ўзаро алоқалар сезиларли фаоллашди. Ҳамкорлик доирасига янги соҳалар қўшилди. Кейинги ойларда ҳукуматлараро ва ҳудудлараро даражада бир қанча ташрифлар амалга оширилди²²⁵.

Россия Ўзбекистоннинг муҳим савдо-иктисодий шерикларидан. Мамлакатимизда Россиянинг етакчи компания ва банклари иштирокида йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Экспорт ва импортнинг барча кўрсаткичлари бўйича ўсиш кузатилмоқда. Йил бошидан буён ўзаро товар айирбошлиш ҳажми 3 миллиард доллардан ошган.

2017 йилда Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон – Россия бизнесфорумида икки мамлакат ишбилармонлари кўплаб истиқболли келишувларга

²²⁵Ўша манба.

эришди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари ўртасида кооперация кучаяётгани, бизнес вакиллари ҳамкорлиги кенгаяётгани, халқларимиз ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди. Москва ва Бутун Рус Патриархи Кириллнинг Ўзбекистонга ташрифи ҳам халқларимиз ўртасида дўстлик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашга хизмат қилгани қайд этилди. Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди²²⁶.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг учрашуви бўлиб ўтди. Шавкат Мирзиёев давлат раҳбарларининг 2016 йил Самарқандда ўтган учрашувидан кейин Ўзбекистон ва Беларусь муносабатлари фаоллашгани, ўзаро савдо айланмаси сезиларли ошганини таъкидлади. Икки мамлакат иқтисодиёти бир-бирини тўлдириши, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, машинасозлик, озиқ-овқат саноати ва бошқа соҳаларда фойдаланилмаган катта имкониятлар мавжудлиги қайд этилди. Александр Лукашенко Беларусь Ўзбекистон билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади. Беларусь Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги муҳим иқтисодий шерик сифатида қарайди. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида ривожланиб бормоқда. Қўшма корхоналар ташкил этиш, савдо уйларини кенгайтириш, хомашёни чукур қайта ишлаш бўйича ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Шу асосда 2019 йил 7 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги хавфсизлик органлари ва маҳсус хизматлари раҳбарлари кенгашининг Тошкентдаги йиғилишида иштирок этадиган делегациялар бошлиқларини қабул қилди.

²²⁶ Сочи шаҳрида ўтаётган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви . <https://kun.uz/79059556?q=%2F79059556>

Ушбу тадбирда Президентимиз Ўзбекистонда МДҲ доирасидаги кўп қиррали муносабатларни, жумладан, замонавий таҳдид ва хатарларга қарши кураш борасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга муҳим аҳамият қаратилаётганини таъкидлади. Хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мамлакатимизнинг Ҳамдўстликда 2020 йилги раислигининг устувор йўналишларидан бири экани қайд этилди. Ташкилотга аъзо давлатлар маҳсус хизматлари ўртасидаги яқин ҳамкорликни давом эттириш, шу жумладан тезкор ахборот алмашиш ҳамда терроризм, экстремизм, наркографик ва уюшган жиноятчиликни бартараф этиш бўйича кўшма тадбирлар ўtkазиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Кибержиноятчиликка қарши курашда, интернет ва бошқа ахборот-коммуникация технологияларидан зўравонлик ва радикал қарашларни тарғиб қилиш мақсадида фойдаланишга чек кўйиш борасида саъй-ҳаракатларни бирлаштириш муҳимлиги таъкидланди²²⁷.

Ҳамдўстликнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, глобализация жараёнлари жадаллашиб бораётган ҳозирги шароитда дунёда юз бераётган иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларга тайёр туриш, турли инқирозларни енгишда барча аъзо давлатлар учун керакли ва фойдали ташкилотdir.

Таянч иборалар:

Тинчликсевар ташқи сиёsat, Миллий хавфсизлик, қулай геосиёсий вазият, миллий хавфсизлик концепцияси, миллатлараро бағрикенглик, мудофаа, «Марказий Осиё – ядросиз зона», халқаро терроризм, халқаро ташкилотлар.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Ўзбекистон ташқи сиёsatининг асосий принцплари нималардан иборат?
2. Халқаро хуқуқий хужжатларни ратификация қилиш қайси марказий

²²⁷ 2019 йил 7 ноябрь куни, Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги хавфсизлик органлари ва маҳсус хизматлари раҳбарлари кенгашининг Тошкентдаги йиғилишида иштирок этадиган делегациялар бошлиқларини кабул килдиш маросимидаги нутки. 2019/11/07/shavkat-mirziyoyev-mdh-mamlakatlari-maxsus-xizmatlari-rahbarlarini-qabul-qildi

давлат ҳокимиятининг ваколатига киради?

3. «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонунда белгилаб берилган асосий принциплар нималарадан иборат?
4. Мустақил Ўзбекистоннинг қулай геосиёсий имкониятлари нималарда намоён бўлади?
5. Ўзбекистон тинчлик йўлида қайси халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкорликни амалга оширмоқда?
6. Ўзбекистон Биринчи Президенти И.А. Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг нечинчи сессиясида илк бор маъруза қилди?
7. Ўзбекистон Биринчи Президенти И.А. Каримов БМТнинг нечинчи сессиясида сўзлаган нутқида асосий эътиборни бу ташкилотнинг фаолиятини янада кенгайтириш билан бир қаторда яна миңтақавий хавфсизлик ва барқарорлик, экстремизм, терроризм, наркобизнесга қарши кураш масалаларига қаратди?
8. Нечинчи йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан «Мингийиллик Декларацияси» қабул қилинди?
9. Нечинчи йилда БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган маҳсус резолюциялари қабул қилинди?
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг нечинчи сессиясида илк бор маъруза қилди?

**5-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
Ш.М.МИРЗИЁЕВНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ, МАДАНИЙ-
МАЪРИФИЙ ЖАРАЁНЛАРДА АМАЛГА ОШИРАЁТГАН
ИСЛОХОТЛАРИ**

**9-мавзу. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан
ижтимоий – иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштирилиши.**

1. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг стратегик мақсадлари ва тараққиётининг янги босқичи.
2. Аграр секторни модернизациялаш ва интенсив ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигига экспортбоп маҳсулотлар етиштириш тизимининг йўлга қўйилиши .
3. Арzon уй жойлар барпо этишнинг мақсадли дастурларини амалга оширишнинг муҳим жиҳатлари ва ёшларга оид сиёsatни рўёбга чиқаришнинг давлат дастури.

**1. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг стратегик мақсадлари
ва тараққиётининг янги босқичи.**

2017 йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий суръати тубдан ўзгарди. Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, иқтисодий ривожланиш, аввало, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қаратилган мутлақо янги босқичга ўтди. Амалга оширилган барча ислоҳотлар “Инсон манфаатлари ва фаровонлиги ҳамма нарсадан устун” деган тамойилга асосланди. Бу борада, энг аввало, мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, қатъий пул-кредит сиёsatини юритиш, миллий валюта ва ички бозордаги нархлар барқарорлигини таъминлаш, солиқ-бюджет ислоҳотларини олиб боришга асосий эътибор қаратилди.

Валюта бозорини либераллаштириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди ва 2017 йил 5 сентябрдан миллий валютамиз – сўмнинг эркин айирбошланиши

таъминланди. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз валюта ресурсларини эркин тасарруф этишлари йўлидаги барча сунъий тўсиқлар бартараф этилди ва улар томонидан валюта тушумларини сотиш мажбуриятлари бекор қилинди. Юридик шахслар учун маҳсулотларни импорт қилишда чет эл валютасини эркин харид қилиш ва чет эл инвесторларининг фойдани эркин олиб чиқиш имконияти яратилди. Фуқароларга чет элда таълим олиш ёки даволаниш, туризм, бизнес ва бошқа мақсадлар учун валюта маблагларини ҳеч қандай тўсиқларсиз қонуний сотиб олиши ва сотиш имконияти яратилди. Мазкур ислоҳотлар дунёнинг етакчи молия институтлари, шу жумладан, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки ва Осиё таррақиёт банки томонидан эътироф этилди. Инфляция даражаси ҳамда ички бозорда истеъмол товарлар нархларининг барқарорлигини назорат қилиш кучайтирилди. Ушбу мақсадда, ресурс базаси 100 миллион долларга teng ички истеъмол бозорида нархнавони барқарорлаштириш жамғармаси ташкил этилди. Ҳаёт учун зарур бўлган дори-дармонларни сотиб олиш учун қўшимча 70 миллион доллар ажратилди. Ташқи савдони либераллаштириш ва самарадор бозор иқтисодиётини яратиш мақсадида божхона тўловлари ставкалари икки баравар пасайтирилди. Ички бозор учун зарур бўлган 8 минг турдан зиёд импорт товарлари учун божхона тўловлари кескин пасайтирилди, жумладан, импорт божи бўйича 3 550 та ва акциз солиги бўйича 1 122 та маҳсулотларга нисбатан ноль даражали ставкалар белгиланди. Халқаро андозаларга мос равища, ҳукумат, барча вазирлик ва идоралар ҳамда Марказий банк томонидан макроиктисодий кўрсаткичлар, давлат бюджети ижроси, пул муомаласи ва олтин-валюта захиралари ҳолати тўғрисидаги барча статистик ва таҳлилий маълумотларни доимий равища очиқ чоп этиб борилиши йўлга қўйилди.

ишбилармонлик мухитини яхшилаш борасида ҳаммага яхши маълум бўлган “Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади” тамойилига асосланилди. Бунда: биринчидан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари ва муқобил текшириш бекор қилинди. Тадбиркорлик

субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш кўринишида жазо қўллаш тақиқланди. Ўзбекистоннинг Жаҳон банкининг “Doing Business 2018” маъruzасида бизнес юритиш учун энг қулай шароит яратган “топ 10” талик ислоҳотчи мамлакатлар рўйхатига кириши ҳам олиб борилган ислоҳотларнинг натижасидир; иккинчидан, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш учун давлат хизматларини кўрсатиш тартиботлари тубдан қайта кўриб чиқилиб, улар сони ва рўйхатдан ўтиш учун кетадиган вақт эса қисқарди; учинчидан, Савдо-саноат палатаси фаолияти тўлиқ қайта ислоҳ қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти хузурида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти (омбудсман) таъсис этилди. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш Давлат жамғармаси ташкил этилди; тўртинчидан, жорий йилда тиҷорат банклари ва уларнинг филиаллари бизнес билан ишлаш, ҳар бир маҳаллада аҳолини, аввало, ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш бўйича ўз ёндашувларини тубдан ўзгартириди²²⁸.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг яна бир ўзига хос устувор йўналиши, бу давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш, иқтисодиётда хусусий секторнинг ўрни ва аҳамиятини оширишdir. Бунда, энг аввало, хусусийлаштирилган корхоналар билан ишлаш, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек, давлат мулкини бошқариш услублари тамоман ўзгартирилиб, қуйидаги ижобий натижаларга эришилди: биринчидан, корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги қўллаб-қувватлашнинг янги амалиёти жорий этилди, ишламаётган корхоналар фаолиятини қайта тиклаш бўйича инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқища давлат томонидан қўмаклашиш йўлга қўйилди. Тадбиркорлик субъектларига фаолият юритмаётган ва тўлиқ қувват билан ишламаётган корхоналар майдонларида янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш имконияти

²²⁸ Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш. “Тараққиёт стратегияси” маркази маълумотлари асосида тайёрланган. <http://www.biznes-daily.uz/ru/mening-mulkim/53144-xs->

берилди. Бу эса, юқори қийматдаги инвестицияларни ўзлаштириш ва минглаб иш ўринларини ташкил этиш имкониятини берди. Ушбу лойихаларни молиявий қўллаб-куватлаш учун Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш маҳсус жамғармаси ташкил этилди ва ушбу жамғарма томонидан тегишли кредит линиялари очилди²²⁹.

“Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида ўз бизнесини бошлаётган оилаларга 5,9 триллион сўм кредитлар ажратилди. Янги солик сиёсати доирасида иш ҳақига солик юки 1,5 баробар камайтирилди. Натижада расмий секторда ишлаётганлар сони йил давомида 500 мингтага кўпайди²³⁰.

Қўшилган қиймат солиги ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга туширилди. Бунинг ҳисобидан ўтган йили солик тўловчилар ихтиёрида 2 триллион сўм қолди. Жорий йилда бу рақам 11 триллион сўмни ташкил этиши кутилмоқда. Бир йилда тадбиркорлар ихтиёрида шунча маблағ қолиши, албатта, уларга ўз бизнесларини ривожлантириш учун жуда катта қўшимча имкониятлар яратади. Ислоҳотларимиз натижасида ўтган йили 93 мингта ёки 2018 йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўп янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” рейтингида 7 поғона кўтарилиб, бизнесни рўйхатга олиш кўрсаткичи бўйича дунёнинг 190 та давлати орасида 8-ўринни эгаллади ва энг яхши ислоҳотчи давлатлар қаторидан жой олинди.

Иккинчидан, тадбиркорлик субъектларига инвестиция киритиш ва янги иш ўринларини яратиш мажбурияти билан давлат мулкини “ноль” харид қийматида бериш амалиёти сезиларли кенгайтирилди. 2017 йилда тадбиркорларга 509 та объект “ноль” харид қийматида инвестициялар киритиш мажбурияти билан хусусий мулк сифатида берилди. Бу эса, минглаб янги иш ўринларини ташкил этиш имкониятини бермоқда.

²²⁹Кодиров А. 2017 йил — шиддатли ислоҳотлар йили. Рисола.– Тошкент: “Адолат”, 2017. – Б.96.

²³⁰Алимжанова Д, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази директорининг ўринбосари. Ҳар бир оила муқаддас кўргонга айланади.<http://uza.uz/oz/society/ar-bir-oila-mu-addas-r-ong-aylanadi-24-01-2020>

Айниқса, түгридан-түғри хорижий инвестициялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан – мана шу рақамга эътиборингизни қаратмоқчиман – 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди.

Мамлакатимиз илк бор халқаро кредит рейтингини олди ва жаҳон молия бозорида 1 миллиард долларлик облигацияларини муваффақиятли жойлаштириди. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг кредитга доир таваккалчилик рейтинги охирги 10 йилда биринчи марта яхшиланди.

Энергетика, нефть-газ, геология, транспорт, йўл қурилиши, қишлоқ ва сув хўжалиги, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа қатор тармоқларда чуқур таркибий ислоҳотлар бошланди. Саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш дастурлари жадал амалга оширилмоқда. Натижада ўтган йили иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга, экспорт – 28 фоизга кўпайди. Олтин-валюта захираларимиз 2019 йил давомида 2,2 миллиард долларга ортиб, 28,6 миллиард долларга етди²³¹.

учинчидан, фаолият юритмаётган, бўшаб ётган ва самарали фойдаланилмаётган йирик объектлар ва ер участкаларида йил давомида 45 та янги кичик саноат зоналари ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 75 тага етказилди. Уларда юқори талабга эга бўлган саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга қаратилган йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилди. Ҳудудларда ижтимоий-иктисодий сиёsat ўзгартирилди, бунда иш ўринларини ташкил этиш ва одамлар учун муносиб турмуш шароитларини яратиш устувор мақсад этиб белгиланди.

2017 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек, алоҳида туман ва шаҳарларни ривожлантириш бўйича

²³¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 20 январдаги Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи мажлисидаги ҳамда 21 январдаги Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузалари, 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлис палаталарига мурожаатномаси. <http://staff.tiiame.uz/storage/users/oB.p>

қирқдан ортиқ дастурлар қабул қилинди. Дастурлар ижросини таъминлаш, шу жумладан, ҳудудлар иқтисодий ўсишини тезлаштириш ва доимий иш ўринларини яратиш мақсадида 2017–2018 йилларда саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳасида ҳар бир туман учун истиқболли янги 2 077 та йирик лойиҳалар тасдиқланди. Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳоразм вилояти ҳудудларидағи туманларда саноат соҳасида 1 619 та янги корхоналар ташкил этилди, бу ўтган йилга нисбатан 1,2 марта кўпdir. Янгидан ташкил этиладиган корхоналарга солиқ тўлови бўйича 5 йилдан 10 йилгача имтиёзлар, шу жумладан, мулқ, ер ва ободонлаштириш солиқлари ҳамда Республика йўл жамғармаси йигимларидан озод этиш каби имтиёзлар кўлланилиб келинмоқда. 47 та узоқ ва чекка туманларда янги ташкил этилган ва микрокредит олган якка тартибдаги тадбиркорлар 6 ой муддатга қатъий белгиланган солиқ тўловидан озод этилди. Ҳудудларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга ёндашув тубдан ўзгартирилиб, аҳолининг эҳтиёжлари кўпроқ инобатга олинадиган бўлди. Хусусан, сўнгти йилларда биринчи марта 2 700 км автомобиль йўллари ва 5,1 минг км паст кучланишли электр тармоқларини қуриш ва капитал таъмилашга давлат маблағлари йўналтирилди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари бошчилигида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринbosарлариiga бириклирлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳудудларини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожланиш секторлариiga бўлинишини назарда тутувчи иш ташкил этишнинг янги тизими жорий этилди²³².

Жамоатчилик олдида ҳисбот бериш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш вазифаларини сўзсиз амалга ошириш мақсадида жойларда ишларни ташкил этишнинг “маҳалла – туман (шаҳар) – вилоят – Республика” тамойили асосидаги янги тизими жорий этилди. Ижро этувчи ва вакиллик ҳокимияти марказий органларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг даражаси ҳудудларда ечимини кутаётган

²³² Қодиров А. 2017 йил — шиддатли ислохотлар йили. Рисола.— Тошкент: “Адолат”, 2017. – Б.96.

муаммоларни ҳал қилиш бўйича уйғун фаолиятни таъминлаб берди. Шунингдек, секторлар томонидан уйма-уй юриш ва аҳоли билан учрашувлар асосида маҳалладаги долзарб муаммоларни аниқлаш – туман (шаҳар)ни ривожлантириш бўйича дастурларга таклифлар ишлаб чиқишида муҳим аҳамият касб этди.

Эркин иқтисодий зоналар, технопарклар, кичик саноат ҳудудларининг ташкил қилиниши тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш, янги юқори технологик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, ҳудудларнинг табиий-иктисодий салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг асосий омили бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иктисодий ислоҳотларнинг бориши, ҳалқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада оширишга қаратилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган дастурларни қабул қилиш мақсадида 2017 йилнинг ўтган даври мобайнида республиканинг барча минтақаларига, айримларига эса такрор ташриф буюрдилар. Ҳар бир ташриф натижаси бўйича ҳар бир ҳудудни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тасдиқланди.

Миллий валютанинг тезкор ўзгаришининг салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида иқтисодиётнинг базавий тармоқлари корхоналарига молиявий ёрдам бериш бўйича тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, нефть ва газ, кимё ва энергетика тармоқлари корхоналарининг йиллар мобайнида тўпланиб қолган дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари камайтирилди, нефть маҳсулотлари бўйича ҳисобланган акциз солиғи нефтни қайта ишлаш заводларига қолдирилди, Ўзбекистон тикланиш ва тарроқиёт жамғармаси томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш чоралари кўрилди. Янги ташкил этилган саноат корхоналарида етти мингдан ортиқ ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди, юздан ортиқ янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Натижада қайта ишлаш саноатининг жами саноатдаги улуши 80 фоиздан ортиқни ташкил

этди, меҳнат унумдорлиги қарийб 6 фоизга ошди. Маҳаллий хом ашёни чукур қайта ишлаш бўйича янги юқори технологик ишлаб чиқариш кувватларини ташкил этишга қаратилган йирик инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилиши қарийб 67,4 триллион сўмлик капитал қўйилмаларни ўзлартириш имконини берди.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш мамлакат экспорт ҳажмини баоқарорлигини ошириш ва унинг таркибида ижобий ўзгаришларга эришиш муҳим омилга айланиб, экспорт таркибида рақобатбардош тайёр маҳсулотлар улуши барқарор суръатлар билан ўсиб бормоқда. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича дастурда “Саноатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга янгича ёндашув” чора тадбирлари белгилаб берилган²³³.

Биринчидан, ҳамкор мамлакатлар ва халқаро молия институтлари билан муносабатлардаги ёндашув ўзгартирилди. Олий даражадаги ташрифлар чоғида, Хитой Халқ Республикаси, Россия, АҚШ, Корея, Туркия, Қозоғистон ва Қирғизистон билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни ривожлантириш бўйича икки томонлама давлатлараро шартномалар имзоланди. Европа тикланиш ва тарраққиёт банки билан тўлақонли муносабатлар тикланди, банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка 190 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит линияси ажратилди. Турли йўналишларда 20 дан ортиқ лойиҳалар ишлаб чиқилди. Европа инвестиция банки, Франция ривожланиш агентлиги билан ҳамкорлик ўрнатилди. Ўзбекистон янги тузилган Осиё инфратузилмавий инвестициялар банкининг teng ҳуқуқли аъзосига айланди.

Иккинчидан, ташқи савдо фаолиятидаги барча сунъий тўсиқлар олиб ташланди. Хусусан, олдиндан тўловларсиз ва кафолат мажбуриятларисиз экспорт қилиш тартиби жорий этилди. Ортиқча ва эскирган рухсат берувчи

²³³ Пўлатова М.С. Саноат корхонаарининг ташқи иқтисодий фаолиятини молиялаштиришда инвестициялардан самарали фойдаланиш йўллари. Дисс.иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори. – Тошкент: 2008. –Б.29.

талаблар бекор қилинди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш механизмлари соддалаштирилди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида экспорт ҳажми 11,3 миллиард АҚШ долларини ташкил этди ва олдинги йил шу давр қўрсаткичига нисбатан 126 фоизга ошди. Ташқи савдо сальдоси 519,5 миллион долларни ташкил этди. МДҲ давлатлари ичида маҳсулот экспорт қилинадиган энг йирик давлатлар қаторига Россия, Қозогистон, Қирғизистон ва Тожикистон ҳамда узқ хорижий мамлакатлар – Хитой, Туркия, Афғонистон, Эрон, Корея Республикаси ва Франция давлатларини киритиш мумкин. Барча қайд этиб ўтилган мамлакатлар бўйича экспортнинг ўсиш динамикасига эришилди.

Махсулот турлари бўйича экспортнинг энг юқори ўсиш суръатлари машина ва асбоб-ускуна, рангли металл, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда текстил маҳсулотларига тўғри келди. Бунда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳам маблағ жиҳатидан (592,6 миллион доллар), ҳам микдор жиҳатидан (831,7 минг тонна) ўсишига эришилди. Бугунги кунда экспорт таркибининг қарийб 78 фоизини қайта ишлаш тармоғи маҳсулотлари ташкил этмоқда. Жумладан, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар экспортининг улуши 28,5 фоиздан 34,5 фоизгача ортди, электр майший техника 2,4 бараварга, автомобиль экспорти 3 бараварга, тўқимачилик маҳсулотлари 1,3 бараварга ва чарм-пойабзал маҳсулотлари экспорти 14,2 фоизга ўсди.

2.Аграр секторни модернизациялаш ва интенсив ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигига экспортбоп маҳсулотлар етиштириш тизимининг йўлга қўйилиши .

Аграр секторни модернизациялаш ва интенсив ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида илфор хорижий

давлатларнинг тажрибасига таянган ҳолда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш, аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш даражасини ошириш ва уларнинг нархларини барқарорлигини сақлаш пахта хомашёсини етиштиришни молиялаштириш тизимида бозор механизмларини жорий этиш каби бир қатор вазифаларни амалга ошириш белгилаб берилган²³⁴.

2017 йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги соҳасига оид 5 та қонун, 20 дан ортиқ фармон ва қарор қабул қилинди, 2 та янги қўмита ва 3 та уюшма тузилди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолияти тубдан такомиллаштирилди. Қишлоқ туманларида ҳокимларнинг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари лавозими жорий қилинди. Ўзбекистон Фермерлари кенгаши Ўзбекистон Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши сифатида қайта ташкил этилди. Жорий йилда мамлакатимизда 8 миллион 377 минг тонна ғалла, 2 миллион 900 тоннадан зиёд пахта, 12 минг 450 тонна пилла, 500,8 минг тонна шоли, 22 миллион тонна мева-сабзавот, 12,3 миллион тонна гўшт ва сут маҳсулотлари етиштирилди. Бу йил биринчи марта ғалладан бўшаган қарийб 1 миллион гектар майдонга сабзавот, картошка, полиз ва дуккакли экинлар экилди ва 5,5 миллион тоннадан ортиқ маҳсулот етиштирилди. Қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, ер-сув ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш орқали дехқонларнинг даромадини ошириш борасида олиб бораётган тизимли ишларимиз ҳам аста-секин ўз самарасини бермоқда. Масалан, жорий йилда 96 минг гектар ҳосилдорлиги паст майдонларда пахта ва ғалла ўрнига 32 минг гектар ерда карам, турли сабзавот ва кўкатлар экилди ва бу майдонлардан олинган минглаб тонна маҳсулотлар экспорт қилинди. Шунингдек, 11 минг гектарда интенсив боғ ва янги токзорлар, 1 минг 500 гектарда иссиқхоналар барпо этилди. Бу борада Испания, Польша, Нидерландия, Греция, Россия, Хитой, Жанубий Корея,

²³⁴Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалигини давлат томнидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси. –Тошкент:2008. 4-бет.

Туркия, Вьетнам ва Индонезия давлатларининг илғор тажрибасидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, мамлакатимизда биринчи марта шафран каби ноанъанавий экин экиш йўлга қўйилди, соя экиш кенгайди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 132 минг тоннаси қайта ишланиб, 100 миллион долларлик тайёр маҳсулот экспорт қилинди. 856 миллион долларлик 724 минг тонна хўл мева четга сотилди. Чорвачилик тармоғини ривожлантириш дастурлари доирасида балиқ, асал етиштириладиган, парранда, эчки, қорамол боқиладиган кўплаб хўжаликлар фаолияти йўлга қўйилди. Зотдор қорабайир отларини кўпайтириш ва от спортини ривожлантириш мақсадида Қашқадарёда янги йилқичилик комплекси ташкил этилди. Тошкент вилоятида ва бошқа ҳудудларда ҳам бундай мажмуалар барпо этилмоқда. Пиллачиликда юқори ҳосил олишда муҳим аҳамиятга эга бўлган, аммо деярли йўқолиб бораётган анъаналар қайта тикланмоқда. Энг муҳими, қимматбаҳо хом ашё бўлган ипак етиштиришнинг мутлақо янги тизими йўлга қўйилди. Ушбу соҳада ишларни мутлақо янги асосда йўлга қўйиш мақсадида “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси ташкил этилди. Бу йил мамлакатимизда биринчи марта пилладан йилига икки марта ҳосил олиш тажрибаси синовдан ўтказилди ва ижобий натижада берди. Ҳар бир вилоятда пила хом ашёсини қайта ишлаб, тайёр маҳсулот олиш мақсадида тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари жалб қилинмоқда. Натижада шу йилнинг ўзида ипакни қайта ишлашга ихтисослашган 10 та корхона ишга туширилди. Балиқчилик соҳасини тиклаш учун “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси ташкил этилди. Унинг тизимиға 3 минг 600 та балиқчилик хўжалиги киритилди. Жорий йилда 580 минг гектар табиий ва 28 минг гектар сунъий кўлларда 100 минг тоннадан ортиқ балиқ етиштирилди. Яна бир муҳим йўналиш – асаларичилик соҳасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон асаларичилар уюшмаси ташкил этилиб, унга асал етиштирадиган 14 мингдан ортиқ тадбиркор аъзо бўлди. Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта етиштирадиган фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш

мақсадида давлат бюджетидан маблағ ажратиш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2008 йилда ушбу мақсадлар учун 80 миллиард сўм маблағ йўналтирилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 300 миллиард сўмни ташкил этди. Йил давомида қилинган мاشаққатли меҳнат, агротехник тадбирларнинг ўз муддатида ва сифатли ўтказилиши натижасида гектаридан ўртacha 50 центнердан зиёд ҳосил олган фермерлар 1 минг 121 тани, 45 центнерлик маррани эгаллаган фермерлар 2 минг 130 тани, 40 центнерчилар 7 минг 208 тани ташкил этди. Сув тежайдиган технологияларни жорий этишга қаратилган тадбирлар қўллаб-куватланиб, уларнинг ташаббускори бўлган хўжалик ва ташкилотларга қўшимча имтиёз ва преференциялар яратиб берилмоқда. Натижада, бугунги кунда қарийб 240 минг гектар майдонда ана шундай технологиялар, жумладан, 28 минг гектар ерда томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинди.

Қишлоқ хўжалигининг ривожи аҳоли ижтимоий аҳволининг яхшиланишига ҳам таъсир кўрсатди. Шаҳар ва қишлоқларда аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжи ва миллий анъаналар тўла ҳисобга олинган ҳолда тураг жой қурилиши ва тегишли инфратузилма тармоқларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, қишлоқларда янги икки типдаги ёш оиласлар учун мақбуллаштирилган ер участкасига эга бўлган 2 ва 3 хонали тураг жой бинолари лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу эса, уларнинг нархини қишлоқ аҳолисининг барча қатламлари учун мақбул тарзда арzonлаштириш имконини берди²³⁵.

Шаҳарларда янги, замонавий кўп қаватли уйлар қуриш дастури қабул қилиниб, унга кўра шаҳарларда юзлаб беш ва етти қаватли уйлар фойдаланишга топширилди. Янги қурилаётган шаҳар ва қишлоқ ҳудудларининг инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. 2017 йилда мамлакатнинг бир қатор шаҳарларида давлат-хусусий сектор шерикчилиги асосида майший чиқиндиларни комплекс қайта ишлаш

²³⁵Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қишлоғингизнинг халқлари кунига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқи. 2017 йил 19 декабр. <http://vetgov.uz/uz/yangiliklar/riz-r-zimiz-bunyedkori-b-lgan-ishlo-kh-zhaligi-kho?print=y>

кластерлари ташкил этилди. Ҳар бир туман ва шаҳарда “Тоза ҳудуд” корхоналари ташкил этилиши аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини сезиларли даражада оширишга имкон яратди. Минглаб километр ички йўлларни қуриш ва таъмирлашга давлат маблағлари йўналтирилди²³⁶.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, янги ташкил этилган Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги олдига республика аҳолисини марказлаштирилган сув таъминоти билан қамраб олиш вазифаси қўйилди. Молия вазирлиги ҳузурида “Тоза ичимлик суви” фонди ташкил этилиб, унинг ҳисобидан 2018 йилда 584,7 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилди.

3. Арzon уй жойлар барпо этишнинг мақсадли дастурларини амалга оширишнинг муҳим жиҳатлари ва ёшларга оид сиёsatни рўёбга чиқаришнинг давлат дастури.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилда соғлиқни сақлаш масаласига бағишлиб тўрт марта видеоселектор ийғилиши ўтказилди. Ҳар учала йиғилишда ҳам тизим фаолиятини тубдан такомиллаштириш, одамларда ҳақли эътиroz уйготаётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди, шу йўналишда амалга оширилаётган дастурлар ижроси атрофлича кўриб чиқилди. Давлат раҳбари томонидан берилган топшириқ ва кўрсатмалардан келиб чиқиб, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш юзасидан ҳам бир қатор аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Соғлиқни сақлаш соҳасини янада ривожлантириш, тиббий хизматлар кўлами ва сифатини оширишга қаратилган 30 га яқин фармон ва қарорлар қабул қилинди. Энг аввало, қишлоқларда соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида самарасиз қишлоқ врачлик пунктлари қисқартирилиб, уларнинг ўрнига туну-кун фаолият кўрсатадиган 793 қишлоқ оиласиий поликлиникаси ташкил этилиб, уларда тез

²³⁶Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишлиган тантанали маросимдаги нутқи.<http://aza.uz/oz/politics/riz-r-zimiz-bunyedkori-b-lgan-ishlo-khzhaligi-khodimlari-me-09-12-2017>

тиббий ёрдам шаҳобчаси ҳамда кундузги стационарлар очилди. Сил билан касалланиш кескин камайди. Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ҳудудларга 2407 марта чиқди, 2016 йилда бу рақам 500 тани ташкил қилган эди. Ўтган йил уларнинг хизматидан 30 минг киши фойдаланган бўлса, жорий йил кўрсаткич 220 мингга чиқди. Соҳа учун кадрлар тайёрлаш ишлари кўлами кенгаймоқда. Олий маълумотли шифокорлар тайёрлаш учун қабул квоталари сони 3445 тага етказилди, шундан 1180 таси мақсадли ҳудудий квотадир. Клиник ординатурада тайёрлаш бўйича ҳам квоталар оширилди. Бу ишлар доирасида қишлоқда фаолият юритадиган 700 га яқин шифокорлар хизмат уй-жойлари билан таъминланди. Тез тиббий ёрдам бўлимлари ихтисослаштирилган автотранспорт воситалари, асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди ҳамда уларга ажратиладиган дори воситалари ҳажми 2 бараварга кўпайтирилди. 2016 йилда 806 та тез тиббий ёрдам станцияси ва кичик станцияси фаолият кўрсатган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 2 минг 100 дан ошди. Республика изнинг барча ҳудудларида юқори технологиялар асосида ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатилишини яқинлаштириш мақсадида ўнлаб ҳудудларда республика ихтисослаштирилган марказларининг бўлими очилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат муассасалари билан бир қаторда хусусий тиббиёт йўналиши ҳам жадал ривожланмоқда. Даволаш фаолияти турлари 50 тадан 126 тага кўпайтирилиб, қатор имтиёзлар берилгани туфайли ўтган йили 634 та хусусий тиббиёт муассасаси ташкил этилди.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 479 та қишлоқ ва овулда, шаҳарлардаги 116 та маҳаллада кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Бунга 6,1 триллион сўм ёки 2018 йилга нисбатан 1,5 триллион сўм кўп маблағ сарфланди.

Республика марказларида мингдан ортиқ вилоят мутахассислари малака ошириди, мутахассислар вилоятларга бориб, кўриклар ўтказди, оғир bemорлар учун юқори технологик операциялар ёки даволашни амалга ошириди,

шунингдек, бир қатор хорижий мутахассислар вилоятларда мураккаб операциялар ва мастер-класслар ўтказди. Ижтимоий аҳамиятга эга доридармон воситалари ва тиббиёт буюмларини узлуксиз ва арzon нархларда таъминлаш мақсадида янги тизим жорий этилиб, уларни харид қилиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигига 500 миллиард сўмдан зиёд қўшимча бюджет маблағлари ажратилди. давлат тиббиёт ташкилотларига дори воситалари ва тиббий буюмлар сотиб олиш учун ажратилган маблағ миқдори 821 миллиард сўмни ташкил этди. бу 2016 йилдагидан 3,5 баравар кўпdir. шу билан бирга соҳага жалб қилинаётган хорижий инвестиция миқдори ошиб бормоқда. 2016 йилда 40,2 миллион доллар ўзлаштирилган бўлса, жорий йилда бу рақам 93,5 миллионга етди. нодавлат тиббиёт муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, унга 14 миллион ақш доллари миқдорида маблағ йўналтирилди. ўтган давр мобайнида хусусий тиббиёт муассасалари яна 400 дан зиёдга кўпайиб, уларнинг сони 3 минг 860 дан ошди. соғлиқни сақлаш тизимида хусусий секторни ривожлантиришни такомиллаштиришга оид қарор билан хусусий тиббиёт муассасалари шуғулланиши мумкин бўлган тиббий ихтисослик турлари 50 тадан 126 тага кўпайтирилди. Натижада, Тошкент шаҳрида Жанубий Корея, Ҳиндистон, Туркия, Жиззах шаҳрида Жанубий Корея, Фарғона, Қарши шаҳарларида ва Қумқўрғон туманида Ҳиндистон каби давлатлар билан қўшма клиникалар ташкил этилмоқда. Солик ва божхона имтиёzlари 2022 йилга қадар узайтирилди, Республика ихтисослаштирилган марказларнинг вилоятлардаги филиаллари ташкил этилмоқда. Чет эл клиникарида фаолият юритаётган 99 та ватандошимиз юртимизга қайтди. Давлат раҳбарининг ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга оид фармойиши доирасида 8,4 минг нафар ногирон протез-ортопедия маҳсулотлари билан, 9,3 мингдан зиёд эҳтиёжманд фуқаро реабилитация техник воситалари билан бепул таъминланди²³⁷. Шунингдек, 23 мингдан зиёд 1941-1945 йиллардаги уруш

²³⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўргасида тарғиб этишга бағишиланган илмий-оммабоп қўлланма.–Тошкент:

фаҳрийлари, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларнинг санаторийларда бепул дам олиши таъминланди. 2017 йилда ногиронларга 2 триллион 600 миллиард сўм пенсия ва нафақалар тўланди кам таъминланган, уй-жойга муҳтоҷ 1 минг 200 дан ортиқ ногирон фуқароларга арzon уй-жой ажратиш бўйича шартномалар имзоланиб, бошланғич тўловлар учун 22 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Мехнатга лаёқати чекланган ногирон аёлларга 6 минг 500 дан ортиқ ногиронлик аравачалари, 1 минг 600 га яқин эшитиш аппаратлари бепул берилди. Кенг жамоатчилик вакиллари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармон қабул қилинди ва бу борада қўшимча имтиёз ва имкониятлар берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлик-фарм” ва “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниши, аввало, мамлакатда фармацевтика соҳасини ривожлантириш, дори-дармон воситалари хамда тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллий дори-дармон воситалари бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган юқори сифатли препаратлар билан тўлдириш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Фармацевтика фаолиятини ривожлантириш учун шарт-шароитларни яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди²³⁸.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ушбу масалада етакчи муассаса сифатида белгиланди, унга тегишли ваколат ва

Маънавият», 2019.-Б.8.

²³⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нукус-фарм", "Зомин-фарм", "Косонсой-фарм", Сирдарё-фарм", "Бойсун-фарм", "Бўстонлик-фарм" ва "Паркент-фарм" эркин иқтисодий зоналариниташкил этиш тўғрисида"ги [Фармонига ШАРХ](https://nrm.uz/contentf?doc=499797_о%Е2%80%98zbekiston_respublikasi_pres_identining_nukus-farm_zomin-farm_kosonsov-farm_sirdare-farm_boysun-farm_bo%Е2%80%98stonliq-farm_va_parkent-farm_erkin_iqtisodiy_zonalarini_tashkil_etish_to%Е2%80%98g%Е2%80%98risidagi_farmoniga_sharh), https://nrm.uz/contentf?doc=499797_о%Е2%80%98zbekiston_respublikasi_pres_identining_nukus-farm_zomin-farm_kosonsov-farm_sirdare-farm_boysun-farm_bo%Е2%80%98stonliq-farm_va_parkent-farm_erkin_iqtisodiy_zonalarini_tashkil_etish_to%Е2%80%98g%Е2%80%98risidagi_farmoniga_sharh

хуқуқлар берилди ҳамда бир қатор янги механизмлар жорий қилинди, жумладан: уй-жойи бўлмаган ёки эски уйларда яшовчи республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳридаги ўрта ҳисобда 5 та оиласа арzon уй-жойларни бериш; республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳридан ўрта ҳисобда 70 тагача оиласарга ҳар йили майший техника ёки бир бошдан қорамол харид қилиб бериш; оғир касалликлар мавжуд бўлган тақдирда тиббий хизматлар ҳақини тўлаш ва ҳар бир туман ва шаҳардан ўрта ҳисобда 6 тагача кам таъминланган оиласарга беғараз ёрдам кўрсатиш учун маблағлар ажратиш асосий вазифа сифатида белгилаб олинди. “Муруват” ва “Саховат” интернат уйларида истиқомат қилаётган ногиронлар ва кексаларни ижтимоий қўллаб-кувватлашни янада кучайтириш мақсадида интернат-уйларнинг фаолиятини қўллаб-кувватлаш бўйича ҳомийлик кенгашлари, шунингдек Бюджетдан ташқари интернат-уйларни қўллаб-кувватлаш жамғармаси ташкил қилинди²³⁹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 июлдаги қарори билан “Эзгу мақсад” халқаро хайрия жамоат жамғармаси тузилди, унинг фаолияти аҳолининг ижтимоий ночор қатламлари соғлиғини ҳимоялаш, етим болалар ва “Мехрибонлик” уйлари тарбияланувчиларига, “Муруват” ва “Саховат” уйларида яшовчilarга ёрдам кўрсатишга йўналтирилди²⁴⁰. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 июлдаги “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида”ги Қарори муҳим воқеа бўлди. Ушбу мукофот билан кўп йиллар давомида ҳалол ва самарали меҳнат қилган нафақа ёшидаги юртдошларимиз, шунингдек, ҳаётини оиласар мустаҳкамлигини таъминлаш ишларига бағишлиб, жамиятда хурмат қозонган оналар тақдирланади.

Таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш ижтимоий соҳанинг муҳим йўналишини ташкил этади. Бу

²³⁹ Кариялар ва ногиронларни Саховат-муруват уйларида саклаш.<https://uz.denemetr.com/docs/768/index-71522-1.html?page=5>

²⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14 июль 2017 йилдаги "Эзгу мақсад" халқаро хайрия жамоат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори www.lex.uz.

борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” (20.04), “2017/2018 ўкув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида” (05.05), “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” (03.06), “Маъданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” (14.08) ва бошқа Қарорлари чиқарилганини алоҳида кайд этиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилда таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган 70 га яқин фармон, қарор ва фармойиши қабул қилинди. Бу том маънода таълим тизимидағи ўзгариш ва янгиланишлар жараёнини бошлаб берди. Аввало, мактабгача таълим соҳасини ислоҳ қилиш мақсадида 5 йиллик алоҳида дастур қабул қилинди. Жорий йилнинг ўзидаёқ, уч юздан ортиқ мактабгача таълим муассасалари реконструкция қилинди ва капитал таъмирдан чиқарилди. Давлат бюджети ва халқаро грантлар маблағлари ҳисобига мингдан ортиқ болалар боғчаси замонавий мебель, ривожлантирувчи ўйинлар ва жиҳозлар билан таъминланди. Болаларнинг етук ва баркамол шахс бўлиб вояга этишида боғча тарбияси қанчалик катта аҳамиятга эга эканини инобатга олиб, бу соҳада алоҳида вазирлик ташкил этилди ва унинг зиммасига мактабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш, мазкур муассасаларга болаларни тўла қамраб олиш бўйича муҳим вазифалар юклатилди.

Мактаб тизими қайта кўриб чиқилиб, тажрибали педагог, ота-оналар ва ўқувчилар билан ўтказилган муҳокамалар натижасида 9-синфни тамомлаган ўқувчилар учун ўқишни ихтиёрий равишда колледж ва лицейда ёки 10-11 синфларда давом эттириш имконияти яратиб берилди. Янги ўкув йилида республика бўйича қарийб 70 фоиз ўқувчилар мактабда таълим олишни

давом эттиришни танлади. 10-синфларда ўқув жараёнини ташкил этиш мақсадида 22 минг нафар янги ўқитувчи ишга қабул қилинди, етти тилдаги 8,5 миллион нусха дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар нашр қилинди. Республикадаги 486 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, шундан 234 тасида лой-пахсадан қурилган бинолар ўрнига янги ўқув бинолари қуриб берилди, 900 та мактабнинг 8 мингтага яқин синфидағи ўқув парталар янгисига алмаштирилди, 400 дан ошиқ мактаб замонавий компьютер синфлари ва интерактив ускуналар билан таъминланди, ногирон болалар учун ихтисослаштирилган 17 та мактаб-интернат бинолари таъмирдан чиқарилди.

2019 йилда мутлақо янгича мазмун ва шаклдаги 4 та Президент мактаби, 3 та Ижод мактаби иш бошлади. Олий таълимни ривожлантириш учун ўтган йили 19 та янги олий ўқув юрти, жумладан, 9 та нуфузли хорижий университетнинг филиали очилди. Етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда 141 та қўшма таълим дастури бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга кўйилди. Олий таълим муассасалари жами 146 минг 500 нафар ёки 2016 йилга нисбатан 2 баробар кўп талаба ўқишга қабул қилинди.

Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, ҳалқаро стандартлар даражасига мос мутахассислар тайёрлаш мақсадида, тизимни комплекс ривожлантиришга қаратилган 5 йиллик дастур қабул қилинди ва унга кўра жорий йилда бир қатор олийгоҳларда қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди ҳамда замонавий компьютер, ўқув лабораториялар билан жиҳозланди. Жумладан, Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университетининг биноси янгиланиб, фойдаланишга топширилди²⁴¹.

Ўзбекистон Фанлар академияси аъзолари ҳамда етакчи олимлар билан бўлиб ўтган йиғилишда билдирилган таклифлардан келиб чиқиб, республика илм-фан нуфузини юксалтириш ва ривожлантириш бўйича бир қатор

²⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://www.pv.uz/uz/newspapers/postanenie-prezidenta-respublikii-uzbekistan-shavkata-mirzueva-olij-mazhlisu-2020>

тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, илмий-тадқиқот муассасаларининг инновацион фаолиятини ва инфратузилмасини комплекс ривожлантириш 5 йиллик дастури ишлаб чиқилиб, уларни таъмирлаш, замонавий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш учун 450 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилди. Ўзбекистон Республикасининг Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди. Фанлар академияси мақоми мустаҳкамланди, унинг Навоий шаҳрида бўлими очилди, 9 та илмий муассасалар қайта тикланди. Халқаро амалиётга мувофиқ олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки поғонали таянч докторантурда ва докторантурда тизими жорий этилди. Юқори малакали ва билимдон ўқитувчи-педагоглар базасини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори билан Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати хамда Астрономия ва аэронавтика боғи ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 30 июнь куни ёшлар билан бўлиб ўтган тарихий учрашуви мамлакатда ёшлар сиёсати самарадорлигини ошириш билан боғлиқ янги даврни бошлаб берди. Энг мухим жиҳат сифатида, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўзбекистон ёшларини буюк мақсадлар сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган оммавий ҳаракат – ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди. ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг ўтган даврида мамлакатда ёшларга доир давлат сиёсати самарадорлигини оширишга доир ўнлаб қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, уларда биринчи навбатда, ёшлар тарбиясини мустаҳкамлаш ва уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор

қаратилди. Энг аввало, барча даражадаги давлат ҳокимияти органларида, маҳаллаларда ёшлар масалалари бўйича хизматлар ташкил этилди, 30 июнь мамлакатда “Ёшлар қуни” деб белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ташкил этилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-куватлаш борасида унинг мунтазам даромад манбаи белгиланди, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилди, жумладан: 2018 йилда кичик бизнес корхоналари томонидан тўланадиган ягона солиқ тўлови учун ҳисобланган сумманинг 8 фоизи ҳисобидан 200 миллиард сўм Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади; республиканинг туман ва шаҳарларида бўшаётган коллежлар биноларини Ўзбекистон ёшлар иттифоқига беғараз ўтказиш, уларнинг негизида барча қулайликларга, кутубхона ва китоб дўконига эга бўлган Ёшлар марказлари ва замонавий ёшлар кинотеатрларини, шунингдек, ёшларни 6 ойгача бўлган муддатда касб-ҳунарга тўловсиз ўқитиш марказларини ташкил этиш дастури тайёрланди; • Ёшлар Иттифоқи қошида турли фанлар, жумладан, чет тилларни ўргатиш, компьютер дастурларини тузиш ва тадбиркорлик асосларини ўқитиш мақсадида ташкил этиладиган корхоналарни 10 йилга барча солиқлардан озод этиш, бунда корхона ихтиёрида қоладиган сумманинг 20 фоизини Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ўтказиш белгиланди. Ёш мутахассис ва тадбиркорлар фаолиятини рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, уларга солиқ имтиёзлари ва преференциялар жорий қилинди, жумладан:

- биринчи марта ишга қабул қилинган ёшларга даромад солиги биринчи йил учун 50 фоиз, иккинчи ва учинчи йиллар учун эса, 25 фоизга камайтирилди;
- ишлаб чиқилган маҳсус дастурга кўра, 7 мингдан зиёд ёш оилалар ўз шахсий уй-жойларига эга бўлдилар, 2018 йилдан эса, барча йирик

шаҳарларда – кўп қаватли, қишлоқ туманларида – 1-2 қаватли намунавий лойиҳалар асосида арzon уйларни ёшлар учун қуриш режалаштирилди;

- Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида 3 йил давомида фаол ишлаб келаётган ходимларга уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредитининг бошланғич тўлови Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасидан тўланиши белгиланди;

- Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Иттифоқнинг фаол аъзоси бўлган олийгоҳ талабаларига ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари юкори бўлган тақдирда контракт миқдорининг 35 фоизи тўлаб берилиши жорий этилди;

Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларида “ёшлар етакчиси” вазифаси юклатилган ходимга 50 фоиз миқдорида ҳар ойлик устама белгиланди; Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоларига олий таълим муассасаларига имтиёзли қабул қилиш бўйича тавсияномалар асосида доимий яшаш жойидаги олий таълим муассасаларининг педагогика таълим йўналишларига танловдан ташқари тест синовларисиз ва қасбий (ижодий) имтиҳонларсиз давлат грантлари асосида қабул қилиниши белгиланди; фаол ёшлар учун “Мард ўғлон” давлат мукофоти ва “Келажак бунёдкори” медали таъсис этилди.

Таянч иборалар:

Аграр сектор, арzon уй жойлар, ёшларга оид давлат сиёsatни, пул-кредит сиёсати, тадбиркорлик субъектлари, савдо-саноат палатаси, хусусийлаштирилган корхоналар, хорижий инвестиция, рақамли иқтисодиёт.

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Ёшларга оид давлат сиёсатининг такомиллаштирилиши
2. Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини оширишнинг асосий мақсади нима?
